

323

X15

782 1532

Максуда Хажиева

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЛЕРАНТЛИК ЖАРАЁНИ

2032801



«ABU MATBUOT-KONSALT»
ТОШКЕНТ
2008

323/525.5)

66.3(5У)6
X-15

Масъул мұхаррир:
С. Отамуратов – фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчи:
И. Эргашев – фалсафа фанлари доктори, профессор



Хажиева, Максуда.

Ўзбекистонда толерантлик жараёни/ М.Хажиева; Масъул мұхаррир С.Отамуратов. — Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. — 128 б.

Бугунги кунда шахслар, миллатлар ва халклар ўртасида толерантликни шакллантириш, ривожлантириш ва мустахкамлашга бўлган эҳтиёж кучаймокда. Зеро толерантлик — инсонлар, миллатлар, халклар ва тури диний эътиқоддаги кишиларни бир-бири билан боғлаб, улар ўртасидаги муносабатларда дўстона мухитнинг юзага келишини таъминлади.

Мазкур китобда умуминсоний кадриятлардан ҳисобланмиш толерантлик мурракаб шароитларда юзага келадиган муаммоларни бир қадар юмшатиш ва ҳал қилишининг мұхим воситаларидан бири эканлиги хакида фикр юритилади. Шунингдек, ўзбек толерантлигининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари очиб берилади.

ББК 66.3(5У)6

ISBN 978-9943-336-15-5

© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2008 й.

КИРИШ

Фуқаролар манфаатининг турли-туманлиги шароитида шахс, миллат ва халқлар ўргасидаги муносабатларда барқарор тараққиётни таъминлашнинг мухим омилларидан бири сифатида толерантлик (бағрикенглик)ни ривожлантириб бориш талаб қилинади. Чунки манфаатларнинг турли-туманлиги муайян зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Зиддиятлар эса турли миллатлар ўргасидаги муносабатларда бекарорликни юзага келтиради. Барқарорликнинг таъминланиши ҳар қандай жамият ва мамлакат учун катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эса манфаагларни мувозанатга келтириш «механизми»ни ишлаб чиқиши зарур. Ана шундай механизмлардан бири шахслар, миллатлар, ижтимоий гурухлар ва халқлар ўргасида толерантликни шакллантиришдир.

Толерантлик инсонлар, миллатлар, ижтимоий гурухлар, халқлар ва турли диний эътиқоддаги кишиларни бир-бири билан боғлаб, улар ўргасидаги муносабатларда дўстона мухитнинг юзага келишини ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлади.

Бугунги кунда толерантликни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Бунинг сабаби куйидагилардан иборат:

Бириичидан, инсонларнинг яхши яшаш, ўз маънавиятини бойитиши, сиёсий жараёнларда янада фаол иштирок этишга интилиши кучаймоқда, бу эса манфаатларни қондириш борасида қарама-қаршиликлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда;

Иккинчидан, этник бирликлар турмуш тарзидаги глобаллашув таъсиридан ҳимояланишга интилиш кўпмиллатли мамлакатларда миллатлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш заруриятини кучайтироқда;

Учинчидан, инсонларнинг диний қадриятларни ўзлаштиришга интилишидан гаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринаётган кучлар сони ортиб бормоқда ҳамда бу кучлар ўз мақсадларига эришиш учун инсоният манфаатларига зид бўлган зўравонлик, террорчилик каби ҳаракатларни оммалаштиришга уринмоқдалар;

Тўртнчидан, тараққий қилган мамлакатларнинг эндинига мустақилликни қўлга киритган давлатлар моддий ресурсларини қўлга киритишга интилиши мамлакатлар ўргасидаги зиддиятлар кучайишига сабаб бўлмоқда.

Умуминсоний қадриятлардан ҳисобланмиш толерантлик ана шундай мураккаб шароитни бир қадар юмшатиш ва юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг мухим воситаларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Жамият тараққиётининг омилларидан бири бўлган толерантлик ўзида шу жамиятга хос менталитет, инсоний меҳр-муҳаббат ҳамда бағрикенгликни мужассамлаширади.

Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримов: «Халқимизнинг асл табиатида бўлган, юртошларимизга хос меҳр-оқибатлилик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, шафқат ва мурувват каби буюк ҳусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авлод, фарзандларимиз онгига сингдириш бугунги ва эртанги кунимизни янада чароғон этишда, эзгу мақсадларимизга эришишда энг катта мезон ва омил бўлишини англаб олишимизга ишонаман.

Бизнинг мақсадимиз – дунёning барча ҳалқлари билан тенг бўлиб, уларнинг баҳт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-усиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялаяпмиз», – деб таъкидлайдилар¹.

Толерантликнинг ривожланиши оддий инсонлар ўргасидаги ўзаро муносабатлардан тортиб, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган барча жараёнлар учун ҳам муҳим заруратга айланаб бормоқда. Толерантлик қанчалик ривожланса, инсониятнинг бехавотир ҳаёт кечириш имконияти шунча ортади. Миллатлароро ва ҳалқаро муносабатлар тизимида толерантликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мамлакатлар тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса миллий онгда толерантликни ривожлантириш ва изчилик билан мустаҳкамлаш зарур.

Миллий мустақиллик миллатнинг ташки дунёдан ажralиб қолиши эмас, балки ҳар бир миллатнинг бошқа миллат ҳамда ҳалқлар билан алоқаларини ўз манфаат ва мақсадлари йўлида, тенглик асосида ривожлантириш имкониятини қўлга киритишидир. Шунинг учун ҳам миллатнинг қарамлик ёхуд мустамлакадан озод бўлиши миллий онгда толерантликнинг ривожланишига ижобий таъсир ўтказади. Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши миллий онгда толерантлик ривожланишининг янги босқичини бошлаб беради.

Ўзбек ҳалқи мустақилликни қўлга кирифтганидан кейинги давр ичida 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан тинч-тотув яшамоқда ва барқарор тараққиётга эришмоқда. Бу аждодлардан мерос бўлиб келаётган толерантликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ушбу китобда ҳам асосий эътибор миллий онгда толерантликни шакллантириш, ривожлантириш ва унинг барқарор тараққиётимиз учун аҳамиятини очиб беришга қаратилади.

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 349.

Биринчи боб

МИЛЛИЙ ОНГДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

«ТОЛЕРАНТЛИК» ТУШУНЧАСИННИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Толерантлик, яъни «бағрикенглик» тушунчаси ўзига хос синоним ва антонимларга эга бўлгани ҳолда, манбаларда турлича изоҳланади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида унга: «Бағрикенглик – ўзгалирнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, гоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш», – деб таъриф берилган. Ижтимоий энциклопедик лугатда: «Толерантлик – ижтимоий ишнинг бошқарув тамоилии, индивидлар, гурухлар ва ижтимоий ҳамжамиятлар ўртасидаги маданий, иркий ва бошқа тафовутларни тан олиш, одамларнинг ташқи қиёфаси, ҳатти-харакати, қадриялар йўналиши ва улардаги фарқларга нисбатан бағрикенгликдир»¹, – дейилган. Бу билан бағрикенглик инсоннинг ички руҳий ҳолати (унинг онги, ҳақиқатгўйлиги, кўтаринки кайфияти, ишга муносабати, саломатлик даражаси, қизиқиши, ишончи, хоҳищлизлиги, қўркув ҳисси, очиққўнгиллиги, жавобгарликни ўз зиммасига олиши, ишқ-муҳаббати кучлилиги, инсонлар ҳақида очиқдан-очиқ гапира олиши, етакчи бўла олиши, сусткашлиги, табиатан ўз хусусиятларини мувофиқлаштира олиши, мулоқот ва муносабатга енғил кириша олиши, руҳий тетиклиги кабилар) эканлиги тасдиқланади.

Толерантлик – турли қарашиб, эътиқод, жаҳон маданиятига хурмат, умуминсоний қадриятларни бағрикенглик асосида қабул қилиш ва тушуниш, инсоннинг ўзлигини намоён қилишга асосланган индивидуалликнинг аниқ намоён бўлишидир.

Бу даражадаги толерантлик кишиларнинг умуминсоний маданий жараёнлар, инсониятни қизиқтираётган ёки безовта қилаётган муаммолардан хабардорлик даражасини, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ

¹ Словарь-справочник по социальной работе. Под ред. проф. Е.И. Холстовой. – М., 1997. – С. 366.

каби халқаро ташкилотлар қабул қилған умумбашарий дастурлар, лойиҳалар, қарорларни билишини ва уларни амалга оширишда фаол қатнашишини англатади.

ЮНЕСКОнинг 1945 йил 16 ноябрда қабул қилинган Низомида белгиланган «дунё инсониятнинг ахлоқий ва интеллектуал бирдамлиги асосида қурилиши даркор» деган тамойил БМТ ва ЮНЕСКО фаолиятининг асосий мазмунини ифода этади. БМТ халқаро тинчлик ва хавфзисликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ўз тақдирини ўзи белгилаш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар мазмундаги халқаро муаммоларни ҳал этиш, ушбу мақсадларга эришишда миллатлар, давлатлар ҳаракатини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради¹. Ёки 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро Пакт»да қайд этилганидек, барча халқлар ўз сиёсий мақомини ва иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиётини мустакил белгилаш, халқаро ҳамкорликда қатнашиш, ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини рүёбга чиқариш, ҳаммага ўз касби, иш соҳаси бўйича юксалиш, билим, ахборот ва дам олиш, маънавий бойликлардан фойдаланиш, яшаш жойини эркин танлаш, ўз хоҳиши билан турмуш қуриш каби умуминсоний нормаларга мувофиқ ҳаёт тарзини яратишни ўз зиммасига олади². Шу билан бирга уларда толерантлик маданияти глобал даражада шаклланишини ҳуқуқий кафолатлайди. Албатта, ушбу халқаро Пактга қўшилиш ёки қўшилмаслик давлатларнинг ўз ихтиёри, бироқ бугунгача бу ҳужжат барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам имзоланган. Республикализ бугунги кунгача глобал маданий толерантликни шакллантиришга хизмат қилувчи, халқаро интеграцияни чукурлаштирувчи 90 дан зиёд халқаро конвенция, пакт, шартномага қўшилди³.

Глобал толерантлик маданиятининг муҳим белгилари давлатлараро (халқаро, минтақалараро, минтақавий-республикалараро) ҳамкорликда мавжуд глобал муаммоларни ҳал этиш учун иттифоқ,

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва халқаро суд статуси. – Т., 2002. – Б. 4.

² Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. – Т.: Шарқ, 1996. – С. 19–30.

³ Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистон, 2001. – С. 237.

уюшмалар тузиш, биргаликда дастур, декларация, коммюнике, пакттар қабул қилиш, умуминсоний ахамиятга эга экологик, демографик ахвол, соглиқни сақлаш, таълим-тарбия, инсон тараққиёти, ер юзида тинчлик ва осойишталикини таъминлашда қатнашиш, гиёхвандлик, фохишибозлик, одамлар савдоси, очарчиликка қарши курашишдан иборат. Хуллас, глобал толерантлик маданияти цивилизацияни асрараш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришни қуллаб-кувватлаш, маданий бойликлардан тенг фойдаланиш учун умуминсоний хуқуқий макон яратиш, демократияни, маданий плюрализм, интеграцияни умуминсоний тараққиёт шартига айлантиришга қаратилган ҳамкорликдир¹.

Бугун инсоният кўплаб глобал муаммоларга тўқнаш келиб яшяпти. Уларни ҳал этиш учун давлатлар, ҳалқлар, миллатлар трансмиллий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга мажбур. Чунки улар ўз муаммоларини ҳам, умумбашарий муаммоларни ҳам мустақил ҳолда ҳал қилиши мушкул. Толерантлик икки ҳалқ, миллат ўргасидаги зиддият, низоларни тинч йўл билан ҳал этишда эмас, балки давлатлараро муносабатларда ҳам ўта муҳим. Ўз қарашларини «демократия байробги» шиори остида ўзга миллат, ҳалқларга куч билан сингдириш глобал толерантлик маданияти қарор топишига хавф солмоқда. Бу аслида тинчликни миллий ва умумбашарий даражада сақлаш, ҳалқларнинг ўз тарихий негизларига мувофиқ эркин ривожланишига қарши терроризмдир. «Толерантлик, – дейилади «Толерантлик принциплари декларацияси»да, – бўш келиш, кўнгил бўшлиқ ёки ножӯя ҳаракатларга бефарқлик эмас. Толерантлик универсал хуқуқ ва инсоннинг асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланадиган фаол муносабатdir. Ҳеч бир ҳолатда толерантлик ушбу асосий қадриятларга бўлган тажовузни оқлашга хизмат қилиши мумкин эмас; толерантликни айrim кишилар, гурухлар ва давлатлар ҳам кўрсатиши зарур»².

Толерантлик жаҳон миқёсида инсониятнинг онгли ҳаётида ва жамиятнинг менталлигига ўзига хос ўрнига эга бўлиб бормоқда. Толерантликнинг ҳозирги замон концепцияси юзага келганига кўп

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 349.

² Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – С. 1.

бўлгани йўқ, бироқ дунёдаги барча давлатлар тизими, қонунчилигида ўз ифодасини топмоқда. Бунда 1995 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясида қабул қилинган «Толерантлик тамойиллари декларацияси» асосий роль ўйнамоқда. Мазкур декларацияга жаҳоннинг 185 давлатида, шу жумладан Узбекистон Республикасида ҳам қатъий амал қилинмоқда. Демак, толерантлик – фуқаролик жамиятининг ажралмас мөъёри ва қадриятидир.

«Бирлик – хилма-хилликда» тамойилининг бутун омма томонидан англаниши толерантликнинг яна бир жиҳати. Бирлик деганда барча жамоа аъзоларининг ҳамжиҳатлиги назарда тутилса, хилма-хиллик деганда жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз фикр-мулоҳазасига эга бўлиши, ошкоралик, умумий гоя – Ватан гурури гояси остида бирлашиши назарда тутилади. Шунинг учун ҳам толерантликнинг шаклланиши ва унга амал қилиниши билим, мақсад, ошкоралик, фикр, виждан ва эътиқод эркинлигига имкон яратиш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асосини миллий онг тушунчаси ташкил этади.

Миллий онг тушунчаси мазмунини очиб бериш учун онгнинг тараққиёт йўли, унинг психологик, ижтимоий-фалсафий ривожланиши хусусиятларига эътибор қаратиш зарур. Бундан 50 минг йиллар мукаддам, одамларнинг жамият бўлиб яшашга ўтиш даврида уларнинг миясида ривожланган нутқ-тил маркази, ақл жиҳатлари пайдо бўлиши билан бирга тафаккурнинг юзага келиши онг тараққиётида катта аҳамият касб этади. Файласуф олим И. Каримов: «*Homo sapiens* – ақлли одам зоти мия ҳажми ўртacha 1446 куб см.га етади ва мия иланг-пиланглари мураккаблашиб, онг ривожи мураккаб ҳодисаларни ҳам англаб олиш, инъикос (иккита обьект ўртасида ўзаро таъсир) эттириш имкониятига эга бўлди»¹ деб онг ривожланишининг илк тарихий илдизлари ҳақида фикр юритган. Кўпгина олимлар эса «онг тарихи инсоннинг инсон бўлиб шакллана бошлиши тарихи билан боғлиқдир»² деб кўрсатгани ҳолда, инсон онги узоқ вақт давомида планетар, яъни Ер сайёраси доирасидаги ҳодиса сифатида қараб келинганинги таъкидлайди. Аммо фан далиллари инсон пайдо бўлишини факат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб

¹ Каримов И. Фалсафа фанидан ваъз матнлари. – Т., 2003. – Б. 66.

² Қаранг: Билиш фалсафаси (гносеология). Тузувчи ва таржимон Қиём Назаров. – Т.: Университет, 2005. – Б. 70–76.

қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканлигини тобора чукурроқ исботлашини қайд қилиб ўтади¹.

Жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар кишилар онгида акс этади. Уларни ифодалаш учун ижтимоий ва индивидуал онг тушунчалари мохиятини англаш зарур. Ижтимоий онг ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғу, кайфият, қараш, ғоя ва назариялар мажмуидир. Улар ворисийлик асосида авлоддан-авлодга ўтиб, янги даврга хос бўлган ғоя, ҳис-туйғу, кайфият ва қарашларни пайдо қиласди. Ижтимоий онг индивидуал онгга ҳам ўз таъсирини ўtkазади.

«Индивидуал онг муайян гурух, элат, миллатга мансуб бўлган айрим кишининг онги бўлиб, жамиятдаги воқелик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахс онгидаги инъикосидир, – дейилади «Фалсафа асослари» китобида. – Ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасидаги ўхшашилик ҳар иккаласининг ҳам ижтимоий воқеликни акс эттиришида»². Фарқи шуки, индивидуал онгнинг субъекти алоҳида олинган индивид, ижтимоий онгнинг субъекти эса жамиятдир. Ижтимоий онгнинг таркибий тузилиши ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турлари билан белгиланади. Одамлар фаолияти қанчалик хилма-хил, муносабатлари қанчалик бой бўлса, ижтимоий онг ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг одатий ва назарий онгга бўлинади³. Ҳар бир шахсга тегишли индивидуал онг ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий онгга бўлинади⁴. Шахснинг фазилатлари жумласига кирадиган толерантлик, ғоявийлик, мақсадга интилиш, ватанпарварлик, байналмилаллик, меҳнатга муносабат, инсонпарварлик, одамларга ғамхўрлик, жамоавийлик кабилар мустакил Ўзбекистон халқининг маънавий бойлиги, ахлоқий поклиги, ғоявий камолотини ташкил қиласди.

Бугунги кунда кишилар онгида ҳукмронликка эришиш, уларнинг тафаккур тарзи ва қадриятларини ўзига бўйсундириш турли ғаразли мақсадларга эришишнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Ана шундай вазиятда кишилар онгида событлик, Ватанга муҳаббат

¹ Қаранг: Фалсафа асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 203.

² Ўша жойда. – Б. 218.

³ Ўша жойда. – Б. 219.

⁴ Ўша жойда. – Б. 202–227.

туйғуси, ўз юртининг эртанги кунига ишонч устувор бўлмогига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ўзлигини англаши натижасида алоҳида организм, оила, муайян ижтимоий гурух, миллатга мансублигини билади ва шуларга хос иш юрита бошлади. Оқибатда миллий ўзликни англаш, миллий толерантлик хусусиятлари шаклланади. Миллий маданият ва миллий ўзликни англаш иқтисодий, ҳукукий, ахлоқий, эстетик муносабатлар, мустақил давлат, тил ва бошқа компонентлар асосида инсон онгига ўз ифодасини топади. Мустамлака шароитида йўколган миллий ғурур, ифтихор ҳислари мустақиллик шароитида қайта тикланиб, миллий ўзликни англаш борасида ўзбекона толерантликнинг турли таянч манбалари юзага келди. Улар:

- а) фуқароларда ўзбек халқи ва бошқа халқлар намояндаларининг ўз тарихи ва маданий меросини ўрганишга қизиқишида;
- б) ўз миллий тили ва ижтимоий вазифаларини кенгайтиришдан манфаатдорликда;
- в) Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кўрсатадиган жонбозликда;
- г) миллий бирлик ва тотувлик, багрикенглик зарурлигини тушуниб, шу асосда фаолият юритишида;
- д) миллий маданиятга нисбатан лоқайдликка барҳам бериш зарурлигини англашда;
- е) республикада яшаётган турли миллат вакиллари билан самимий, бегараз қардошлиқ алоқаларини қарор топтириш учун қилинаётган ҳаракатларда ўз ифодасини топмоқда.

Натижада ўзбек толерантлигининг ўзига хос хусусиятлари ва мезонлари шаклланмоқда. Булар:

- а) ахлоқий, диний, ҳукукий-экологик, иқтисодий маданият савиаси юксалаётганида;
- б) ўзгаларга меҳр-муҳаббат, муруват, манфаатлар бирлиги, ўз ишини жамият иши деб билишда;
- в) диний бағрикенглик, иймон-эътиқодда;
- г) толерантлик маданий ҳодиса эканлигини англашда ўз ифодасини топмоқда.

Улар эса нафақат ўзбек толерантлигида, балки жаҳон миқёсидаги ва миллатлараро толерантликда ҳам намоён бўлади. Буларнинг ҳаммасида толерантлик сифатларига, унинг маданий воқелик экани-

га урғу берилади, унда ўзбекона маданият толерантлиги ўз тавсифи-ни топиб, толерантликнинг маданий характери, хусусият ва белгилари асосий мавзу сифатида қаралади.

Уларга асосан миллий ўзликни англаш, миллий онг миллий калондимоғликтин инкор этади ва ижобий йўналишдаги толерантлик хусусиятларини шакллантиради. Натижада ҳаётда, диний заминда ихтилофлар чиқишига йўл қўймаслик миллийлик аломати бўлиб, ҳукукий демократик давлат қуришда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий онг ва миллий ўзликни англаш жараёни, инсонлар орасида бир-бирига ҳурмат-эҳтиром каби толерантлик хусусиятлари ривожланиб, одамлар иллатли қусурлардан холи бўлиб борадилар¹. Ўзининг серқирралиги туфайли онг умумий бир таърифга тушиши қийин, шунинг учун унинг ҳар қандай таърифи унга нисбатан шубҳа уйготадиган ва, натижада, ўзгартириш ёки тўлдиришни талаб қиласидиган, тўлик бўлмаган, бир ёқлама таъриф бўлиши мумкин². Биз бу масалага онгни унинг лугавий маъносида, кўпгина таърифлар асосида кўриб чиқсан ҳолда ёндашиш тўгри эканлигига амин бўлдик.

Фикримизча, маҳсус дунёқараш сифатидаги фалсафий билиш на-зариясининг онгга берадиган таърифидаги фалсафий антологияга кўпроқ таяниш зарур. Бу усул ҳозиргача онгни тадқиқ этаётган фалсафий уринишларни бир хulosага бирлаштира олмаётган усуллигича қолмоқда. Лекин биз онгга мукаммал таъриф беришга амал қилган ҳолда, онгнинг ўзинигина эмас, балки унга таъсир қилувчи омиллар (мухит, инсон фаоллиги, таълим-тарбия кабилар)дан ташқари, унда асосан бир йўналиш – миллий онг – ўзбек толерантлигини эътироф этиб, фикр-мулоҳазаларни айнан толерантликни шакллантириш муаммолари орқали таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Бинобарин, кўйилган масаланинг моҳияти, умумдунёқараш маъносида олиб қаралганда, гносеологияда (билиш назариясида) ҳам ўзбек толерантлиги мавжудлиги аникланган. Бу борада фалсафий билиш на-зариясининг вазифаси осон туюлади, чунки у дикқат эътиборини билимга, унинг мавжуд бўлиш ва онгнинг олам сирларини эгаллаш

¹ Туленов Ж. Жамият фалсафаси. – Т.: ТДПУ. 2001. – Б. 20.

² Билиш фалсафаси (гносеология). Тузувчи ва таржимон К. Назаров. – Т.: Университет, 2005. – Б. 77.

жихатларига қаратган¹. Бошқача айтганда, онг толерантликнинг объекти сифатида эътиборга олинади.

Онгнинг бир неча фалсафий-гносеологик концепциялари мавжуд. Ҳозир «онг» деганда, борлиқни руҳий акс эттириш, воқеликнинг объектив мазмунини (таъсир қилинувчи манбани) субъектив (хар бир кишига мос) мазмунга айлантириш, шунингдек, унинг турли босқич ва даражаларида ўзига хос ижтимоий-психологик механизmlари (таъсир қилувчи омиллари), шакллари мавжудлиги тушунилади. Объектив реалликни акс эттириш ва ўзгартирувчи амалий фаолиятга фикрий тайёргарлик, уни режалаштириш, мақсад-муддаони ишлаб чиқиш айнан онгга хос субъектив дунёда амалга оширилади. Шу маънода мазкур китобда миллый онгдаги битта йўналиш – Ўзбекистон халқи толерантлигини таъсир қилувчи воситалар орқали шакллантириш муаммоларига қаратилган. Онг ривожланиб унинг руҳий инъикос эмас, балки воқеликнинг муҳит ўзгариши асосида ижтимоий ривожланган инсон онгидаги руҳий акс этишининг олий шакли сифатида давр, ҳаёт тараққиёти асосида ижтимоий-фалсафий муаммолар бартараф қилиб борилади. Натижада миллатни миллат сифатида билиш инсонларда бир-бирларига хайриҳоҳликни уйғотади. Нихоят янги давр ва янги шароитда ўзбекона толерантлик тушунчалари пайдо бўлади.

Чунки ижтимоий муҳит таъсирида ривожланган, онгли инсон томонидан воқеликни тушуниб етиш миянинг шундай функцияси-га айланадики, унинг моҳияти ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттиради. Шулар билан бир қаторда онг илгариги тажриба ёрдамида тўпланган таассуротларни ўзаро боғлайди, ўзини атроф-муҳитдан ажратиб, объектга (ҳодиса ёки инсонларга) субъект сифатида (таъсирларни қабул қилувчи ва ўзи ҳам шу ҳодиса ва нарсаларга таъсир қилувчи сифатида) қарама-карши қўяди. Бунда, албатта, содир бўлиши мумкин бўлган ёқимсиз ҳолатлар ёки хусусиятлар назарда тутилади. Бундай ҳолатлар инсонлар назоратидан четда қолмасдан, омма унга нисбатан ўз таъсирини ўтказади. Нихоят, инсон онгли фаолият юритувчи бўлгани учун халқ, оммага ижобий таъсир қилувчи манба ва ҳодисаларга ижобий ёндашади. Яъни, жамияти-мизнинг мустақиллик шароити, бозор иқтисодиётига босқичма-

¹ Ўша жойда. – Б. 77–78.

босқич ўтиш жараёни Ўзбекистон фуқароларининг онгидаги ижобий руҳда шаклланиб, уларнинг ҳаётига қувонч, баҳт-саодат ҳисларини олиб кирди. Демак, онг воқеликни эмоционал (хиссий) баҳолаш ва инсонларнинг мақсадга мувоғиқ фаолиятини таъминлашдир. Шахсий хатти-харакатларни аклан фикрий қуришдан иборат бўлган онг мазмунан шахснинг атрофида ва, айни пайтда, ўз маънавий дунёсида содир бўлаётган ҳодисалар тўғрисида ҳисоб бериш омилига айланади. Миллий онгни шакллантиришга бўлган истак ва интилиш ҳар бир шахсдан мустақиллик гоясини ривожлантириш, Ватан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун кўшган ҳиссаси, қандай фаолиятни амалга оширгани ва ошираётганлиги, ўз маънавий дунёсида содир бўлаётган ҳодисалар ҳамда уларнинг бошқаларга таъсизи ҳақида ҳисобот беришни талаб этади. Хуллас, онг оддий образлар йигиндиси эмас, балки воқеликни акс эттириш ва ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятнинг руҳий йўналишдан иборат маълум бир шаклидир.

Онг инсон миясининг функцияси сифатида қуйидаги учта тенг компонентдан иборат¹:

1. Оддий маънавий қобилиятлар ва улар асосида олинадиган билим соҳаси. Бунга руҳий жараёнлар: сезги, идрок, тасаввурлар киради. Улар ёрдамида ташки дунёдан ўз вужуди ҳамда ўзгалар билан алоқаси ҳақида дастлабки аҳборотлар олинади;

2. Онгнинг мантиқий-тушунчавий компоненти. Тафаккур ёрдамида инсон бевосита ҳиссий маълумотлардан обьектларнинг (манбаларнинг) моҳиятли даражаларига чиқади; умумий тушунчалар, таҳлилий операциялар ва қатъий мантиқий далиллардан иборат;

3. Мантиқий-тушунчавий онг соҳасининг асосий мақсади ва тартибга солувчиси ҳақиқат ҳисобланади.

Ушбу уч компонент онгнинг ташки билиш (ёки ташки предметли (нарса ёки ҳодисали) қисмини ташкил қиласди. Бунда руҳий дунёнинг субъектив, шахсий ва қадр-қиммат компонентлари гўёки яширин ҳолатда бўлади.

Билим, илм ва бошқалар фақат гоянинг етакчилигига фаровонлик келтиради. Бунга миллий истиқтол гояси аниқ мисол бўла олади. Миллий гоянинг амалдаги мазмун-моҳияти миллий онгда ўзбек

¹ Билиш фалсафаси (гносеология). Тузувчи ва таржимон Киём Назаров. – Т.: Университет, 2005. – Б. 78.

толерантлиги шаклларининг вужудга келиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари дидир. Бу масалага эътибор қаратадиган бўлсак, инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида доимо дунё қандай бўлиши, бекорга кон тўкишларнинг олдини олиш кераклиги, ақидапарастлик, инсонларнинг бир-бирларини тушуна олмасликлари сабаблари нимада эканлигини билишга интилганини кўрамиз. Инсон ва жамият нуқтаи назаридан «бошқалар» дегани улар «ёмон» дегани эмас. Ушбу «бошқалар» билан чидам ила муносабатга ва мулоқотга кириша олиш демократик ва хуқуқий жамият асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нималар килиш кераклигини кўрсатиб: «Бунинг йўли – одамларимиз, аввалинг ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бакувват қилиш, уларни ўз мустакил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унумаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асррабавайлаш ва хурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, гуур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»¹, – деб таъкидлайдилар.

Ўзбеклик гуур-ифтихори юртимизда истиқомаг қилувчи барча кишилар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб хаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлашга қаратилган бўлиб, шулар асосида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига эришишдир.

Бунинг учун сиёсий ҳайётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждан эркинлиги тамойилларини, гуманизм (инсонпарварлик) гоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, жамиятнинг асоси бўлган оилани мустаҳкамлаш, кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, уни рағбатлантириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмалари – фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, маркетинг, лизинг, сугурта компаниялари каби тузилмаларни вужудга келтириш, ривожланган молия, банк тизимини яратиш ҳозирги даврнинг асосий вазифалари хисобланади. Уларни амалга

¹ Каримов И.А. Миллий истиқолол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 11.

ошириш учун фуқароларни ягона бир ғоя атрофига бирлаштириш, ягона мақсадга сафарбар килишга эътибор каратиш керак. Президент Ислом Каримов бу масалани ҳал этиш учун, энг аввало, тоталитар тузум шаротида йўқолиб кетиш арафасида бўлган миллий онги тиклаш ва уни ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб: «Бу мафкура халқни халқ, миллагни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манбаатлариға таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимиdir»¹, – дейди. Эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги миллий ғоя, истиклол мафкураси билан тўлдириш ҳар бир инсонни ўз-ўзини кўпроқ англаши, жамиятда тутган ўрнини билиши, ўз қадр-қимматини тушуниши демакдир. Бинобарин, миллий ғоя мафкураси юргимида яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига айланиши, дунёкарашининг негизини ташкил этиши, миллий ғурурига сингиб бориши даркор.

Миллий ғоя мафкурасини инсонлар онгига сингдириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илгор вакиллари, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, «керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини бағишлидиган фидойи зиёлилари меҳнат килиши лозим»².

Шу билан бирга, миллатлараро тотувликнинг олий даражада намоён бўлиши бағрикенгликнинг бир ифодаси эканлигини ҳар қайси миллат аъзолари аниқ тушуниб олиши муҳим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистонимиз мактабларида дарслар етти тилда олиб борилмоқда. Фарзандларимиз ўзбек, қорақалпок, рус, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз мактабларида таълим олмоқда.

Бу далиллар бағрикенглик – миллатлараро тотувликни ифодаловчи олий неъмат эканини кўрсатади. Жаҳон мамлакатлари каби, Ўзбекистон Республикаси ҳам кўпмиллатли, серқирра маданиятга эга давлатдир. Бу ерда 136 миллат вакиллари бир тану бир жон бўлиб,

¹ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 7.

² Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 21.

ёнма-ён яшаб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг миллати, дини, тили турли-туманлиги фуқаролик тотувлигини сақлаш, миллатлараро ҳамкорлик ҳукм суришига тўсиқ бўла олмайди. Чунки Ўзбекистонда давлат мустақиллигини барқарорлаштириш учун миллатлараро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилган. Яъни ҳар бир миллатнинг ишбилармонлигига, тадбиркорлигида, санъати, адабиёти, маданияти, урф-одатлари, анъаналарида Ватанга муҳаббат туйғулари акс этади.

Миллий ғуурур диалектикасига асосан миллий онг миллийлиқда ўз ифодасини топади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «миллийлик» деганда, энг аввало, ўз миллатини улуғлаш ва уни ҳимоя қилиш, миллий ғуурур, нафсоният туйғуси, ўзининг тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари, барча маънавий қадриятларини қадрлаш тушунилади. Миллий онгнинг намоён бўлиши миллий ғуурур билан чамбарчас боғлиқdir. Миллий ғуурур деганда ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб этиш, она тили, тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, урф-одатлари, расм-русумлари, байраму сайилларидан фахрланиш тушунилади.

Масалан, ҳар йили ўтказиладиган мамлакатимиз мустақиллиги байрам шодиёналари ҳақида мулоҳаза юритайлик. Аввало, бағрикенгликнинг ифодаси сифатида бу байрамни барча миллат, элат, вилоят, шаҳар, туман, қолаверса бутун мамлакат нишонлайди. Байрам тадбирларида минглаб санъаткорлар иштирок этади. Байрамни бутун мамлакат телевидение орқали томоша қиласи. Кишиларнинг куй-кўшиқларга ҳамоҳанг тарзда концерт иштирокчиларини бирмабир табриклашларининг ўзи бағрикенгликнинг кўринишларидан биридир. Булар кишиларнинг кувончидан, юрт тинчлигидан, Ватан равнақидан, турмуш фаровонлигидан, ҳалқ бунёдкорлигидан, Ўзбекистондаги тинч-тотувликдан далолат беради. Яна бир мисол: ҳар йили Наврӯз байрами тантаналаридан кейин Президентимизнинг мухбирлар билан қиласидиган сұхбатларида Наврӯзнинг айнан бағрикенгликни тарғиб этиши, бу улуғ неъмат ҳисобланиши таъкидланади. Наврӯз мамлакатимиз ҳаётida қатъий қоидага айланган яна бир бағрикенгликни – миллатлараро тотувликни олий даражада намоён этади. Бу байрамларда турли миллат вакиллари ўз санъатларини намойиш қилиши, турли миллат куй-кўшиқлари янграши, жум-


ладан, бошқа миллат вакилларининг қўшиқлари ўзбек, рус ва бошқа тилларда юқори маҳорат билан ижро этилиши бағрикенгликнинг тимсолидир.

Мисоллардан кўриниб турибдики, шахсий фикр ўзига хос қарашдир, ижтимоий фикр эса воқеликка нисбатан ўзгариш ёки харакатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Фоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганида эса, бутун бир давр тарихига айлантиради.

Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади. Мисол сифатида Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич амалга оширилиши, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спорт ва бошқа йўналишларда жаҳон майдонига чиқиб олиши, «таъзим», «кураш», «тўхта», «вакт», «чала», «чаққи», «ёнбош», «танбех», «ғирром», «ҳалол» каби ўзбекча сўзларнинг турли ҳалқлар онгида, фикрида аник ифода топиши Ўзбекистон ҳалқида гурур хиссини пайдо қилишини келтириб ўтиш мумкин. Ёки ўқувчи ёшларнинг имкониятлари ва ёш хусусиятларига асосан республика миқёсида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби уч босқичли спорт ўйинларининг ташкил қилиниши турли ёшдаги инсонларни улуғлайди, уларнинг руҳиятига канот бағишлайди. Жаҳонга танилган спорт усталари, олимлар, шоирлар ана шундай тадбирлар жараёнида етишиб чиқади.

Бундай мафкура шу мамлакатда яшайдиган аҳолининг қалbidагi ғоялар, бағрикенглик туйгуларини мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини баҳш этади. Президентимиз И. Каримов таъбирлари билан айтганда: «Миллион-миллион одамларнинг қалbidагi эзгу интилишларни, уларнинг ҳаёт мазмунини ифода қилиш осон иш эмас. Бунинг учун биз диалектика қонуниятини, яъни муайян бир шахс билан бутун бир ҳалқ орзу-интилишларини уйгун холда қандай акс эттириш масаласини яхши тушуниб олишимиз зарур»,¹ – деган ўғитларига амал қилиб яшаган ҳар бир кишининг онгида миллий истиқлол мафкураси, ҳалқимизга хос бўлган энг муқаддас туйгулар – Ватан

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 22.



туйгуси, она тилига мұхаббат, миллий, умуминсоний қадриятларға хурмат түйгулари мужассамлашиб боради.

Бағрикенгликнің мисоли сифатида маҳаллаларда ташкил топған меҳр-оқибат, үзини-үзи бошқариш хислатларини ҳам келтириб ўтиш мақсадға мұвоғиқдир. Чунки Президенттімиз Ислом Каримов маҳалла фаолиятінің «демократия дарсхонасі»¹, деб бекорға айтмаганлар. Зоро, маҳалла фаолиятіда аязоларнің бирдамлиғи, бир-бирига ёрдамға келиши, ғамхұрлық құрсағышларидан ташқари, оила муҳофазаси, ободонлаштириш, ижтимоий қимоя, маънавият, онг мазмунини ижтимоий-хуқуқий шакллантириш ва сиёсий фаоллик намоён бўлади. Шу билан бирга, миллий табиаттимизга хос бўлган меҳр-оқибат, муруват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби фазилатлар халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик қирраларидир. Ўзбеклар айнан ана шу хусусиятлари туфайли меҳмондўст, оққўнгил халқ сифатида жаҳонга танилган. Улар «Меҳмонли уй – баракали уй», «Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди», «Икки нафарнинг овқати уч нафарга етади», «Яхши одамнинг меҳмони кўп бўлади» каби ҳикматли сўзларга амал қилган ҳолда яшайдилар. Миллий мағкура концепциясида энг нозик ва мураккаб бўлган масала дин масаласидир. Президент Ислом Каримов таъбирлари билан айтадиган бўлсак, миллий қадриятларимизнің замонлар оша аждодлардан авлодларга етиб келиши ҳам динимиз фазилатидан. Ислом фалсафаси, аждодлар эътиқоди динимиз орқали мустақиллик кунларигача сақланиб ва ривожланиб келди. «Биз ҳаммамиз, «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман», деб эътиқодимизни эътироф этамиз. Аллоҳ барчамизниң қалбимизда, юрагимизда. Яратганни доимо ёд этамиз, ундан мадад сўраймиз. Бинобарин, ислом дини ҳаётимизниң туб замирига сингиб кетган»,² – деган ҳолда, Президенттімиз Ислом Каримов миллий истиқол мағкурасида мұқаддас динимизниң моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабатда бўлишнинг ўзига хослигини тасдиқлайдилар. Демак, ҳар бир ватандошимиз факат ислом дини тўғрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмоги керак. Бу жараён эса динлараро бағрикенглик (толерантлик) деб аталади. Динларро бағрикенглик ғоясининг мазмунида хилма-хил диний

¹ Үша жойда. – Б. 24.

² Үша жойда. – Б. 25.

эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда олижаноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши ўз ифодасини топади. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади.

Онг ва толерантлик тушунчалари, мазмун ва моҳияти, уларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари ҳакида келтирган фикрларимиз асосида қуидаги хуносаларни чиқариш мумкин:

1. Онг ва толерантлик миллий ўзликни англаш ёхуд ўзбекларда унга хос бўлган инсонпарварликда ифодаланади.

2. Онг ва онглилик туфайли одам ўзида миллийликка хос бўлган инсоний сифатларни қарор топтиради.

3. Миллий ёки ижтимоий онг ижтимоий борлик ифодаси бўлиб, у нисбий мустақилликка эга бўлгани ҳолда, толерантлик хусусиятлари ўзбек миллатида бошқа миллатларга нисбатан юкорироқ даражада ифодаланишини ижтимоий ҳаёт кўрсатади.

4. Ўзбекона толерантлик глобал (жаҳон миқёсидағи) толерантлик билан боғлиқ бўлса ҳам ўз замин ва диёрига, ўз ҳалқи, миллати, элат вакилларига, ўз дини, қадриятларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга.

5. Тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда одам учун энг қийин муаммо ўзлигини англаш бўлиб, улар орқали инсон баъзи бир ноурин хатти-харакатлар, девиант хулиқ-атвордан (жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий сифатлардан четга чиқишдан) сакланади.

6. Ўзлигини анлаган одам, яъни инсонга айланган шахс албатта миллий ўзлигини бошқалардан кўра аниқ ҳис этади ва миллий, ўзбекона манфаатларини химоя қила олиш қобилиятига эга бўлиб, Ватангга муҳаббат ҳис-туйғуси билан ёниб яшайди, Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга жон-дили билан хизмат қиласди. Булар эса ўзбек толерантлигига асосий йўлланма сифатида фуқаролар ҳаёт тажрибасида ўз ўрни ва моҳиятига эга бўлиб боради.

ХАЛҚИМИЗ ОНГИДА ТОЛЕРАНТЛИК ШАКЛЛАНИШИННИНГ НЕГИЗЛАРИ

Халқ миллий онгининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ давом этган эволюцион жараён. Миллий онгасрлар давомидасай қалтопгани учун ҳар бир инсон маънавий оламининг асосий ҳаракатлантирувчи

кучи бўлиб қолгани ҳолда, толерантликни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, у маълум босқич ва поғоналарда мувоффақиятли ривожланиб келган. Бунга мисол сифатида ҳалқимиз миллий онги учун собиқ шўролар даври ҳам катта синов бўлганлигини келтириб ўтиш ўринлидир. Чунки собиқ шўролар даврида синфий мафкура 70 йил мобайнида бошқа ҳалқлар қатори ўзбек ҳалқининг миллий онгини ҳам ҳар томонлама маҳдудликка буришга ва унинг ривожланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилгани ҳаммага аён¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ўзлигимизга қайтиш ва миллий онгни ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси дараҷасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг: «Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, ҳалқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат, узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»² – деб таъкидлашлари буни тасдиқлайди.

Демак, маънавий-миллий қадриятларимизни илм-фанватараққиёт ютуклари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чукурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини ҳалқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик юртдошларимизни маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради. Уларнинг куч ва салоҳиятларини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний багрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдиради³. Бунинг учун турли қараваш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатлам, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоя – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш тақозо этилади. Зоро, айнан мустақиллик даврида миллий онгда шаклланган ватанпарварлик, мустақиллик ғоялари Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларини бирлаштирган ўзига хос миллий ғояга

¹ Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б. 7.

² Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 28.

³ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 34.

айланди. Миллий ғоянинг миллий онг, маънавий меросни тиқлаш ва такомиллаштиришдаги аҳамиятини турли воситалар ёрдамида ёшлар онгиға сингдириб бориш лозим. Бугунги кунда ватандош мутафаккирларимизнинг фалсафий қарашларини таҳлил қила билиш ҳам миллий онг тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қиласди. Миллий онг жамият ва ҳар бир фуқаро учун зарур бўлган кенг дунёкараш ривожланишининг омили сифатида бекиёс аҳамиятга эгадир. Бу масалада қомусий олим Форобий – «Маълум ҳалқ ва бутун инсоният тўплаб келган маънавий-миллий мероси, «руҳлар», яъни шахсларнинг маънавияти, онги миллийлашиб, бир-бири билан қўшилиб боради»¹, – деган эди. Бир авлоднинг жисми йўқ бўлиб кетишига қарамасдан, уларнинг онг манбалари сақланиб, кейинги авлод даврида жамият ривожланишига мослашиб, янгича фикр-мулоҳазалар билан бойиган ҳолда, миллий онг, ғоялар ифодаси шаклига бир қатор ўзгаришлар киритиб боради. Шу тариқа кейинги авлод олдингига нисбатан юқори интеллект соҳиби сифатида мукаммалроқ ишларни бажариш имкониятларига эга бўлади. Бу эса онгнинг доимий ривожланиш тизимида бир йўналишдан бошқа, мукаммалроқ йўналишга қўчиб, серқирра жараёнга айланиб боради. Демак, бугунги авлод узок тарихда ўтган инсонлар рухи, фикр-ғоялари, эътиқодини ўзида мужассамлаштирган ҳолда миллий онгни ривожлантириб боради. Олдинги авлод вакиллари онгидаги ўхшашикларнинг тўлдириб борилиши натижасида ҳозирги миллий онг шаклланиб, миллийлик янада ортади.

Форобий таълимотининг фазилатларидан бири ҳалкларни бир-бирига қарши ва бир-биридан устун қўймагани, уларни бутун инсониятнинг ажralмас қисми сифатида талқин қилишидадир. Демак, Форобийнинг жамият тўғрисидаги тасаввурлари, назарий концепциялари (йўналишлари)га ҳозирги даврда долзарб масала бўлиб турган миллатчилик ва ирқчиликка қарши ғоялар асос бўлади ва айни пайтда у миллий онгдаги бағрикенгликни ифодалайди. Чунки Форобийнинг қарашларида «миллат» ва «ҳалқ» тушунчалари ривожлантирилиб, бир-бирига таъсир кўрсатадиган обьектлар (манбалар) эканлиги ўз аксини топиб, «миллат» сўзи дунёвий маънода ҳам ишлатилганини кўриш мумкин.

Бу масала Берунийнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

¹ Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. – Б. 162.

У ҳар бир ҳалқ жаҳон маданияти ва илмига ўз ҳиссасини қўшади ва у билан бошқа ҳалқлар олдида фаҳрланса, магрурланса арзиди, деган фикрларни келтиради. Беруний қарashi бўйича, «ҳар бир ҳалқ қандайдир фан ёки тажрибанинг ривожланганлиги билан фарқланади»¹. Гарчанд Беруний яшаган даврда миллат ҳали мустақил субъект сифатида шаклланмаган бўлса ҳам у ҳалқлардаги ўзига хосликни назарда тутган ҳолда ўзининг фикрларини илгари сурғанини кўриш мумкин. У «Тарихул Ҳинд», «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарларида бошқа ҳалқлар вакилларининг у ёки бу илмий соҳалардаги муваффақиятларини очиқ кўнгил билан таҳлил қиласди ва бошқа миллат, ҳалқларни камситмайдиган фикрлар асосида уларнинг ҳам онгига ўзига хос миллийлик шаклланиб боришини кўрсатади. Унинг бошқа ҳалқ, миллатлар қадрини билмаган одам ўз ҳалқи, миллатининг қадрига етмаслиги тўғрисидаги фикри ғоят оқилона ва умумбашарий аҳамиятга эга бўлиб, унинг бу фикри буғунги ўзбек ҳалқига хос бўлган бағрикенгликнинг илдизлари минг йилларга бориб тақалишининг исботидир. Берунийнинг бошқа ҳалқлар маданияти тадқиқотчиси сифатидаги ютуғининг асоси ҳар бир масалага холисона ёндашиши, миллий онгимизда шаклланган бошқа ҳалқларга нисбатан ҳурмат аждодларимиздан мерос эканини тасдиқлаб, изоҳлаб беришидадир. У фикрларини «Асарни ёзишга (кириша) бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билдиришдир, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расм-русум ва қоидаларидан иборатдир. Буни фақат «китоб Аҳллари» ва турли дин арбобларига, шунга (эътиқодлар) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан билинади. Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзни тозалагандан кейин уларнинг исботи учун келтирилган сўз ва эътиқодларни бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга дод туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир»². Берунийнинг фикрича, бошқа

¹ Абу Раҳён Беруний. Тарихул Ҳинд. Танланган асарлар. – Т., 1966. – Б. 20–40.

² Беруний Абу Раҳён. Избранные произведения. Т. I. – Т., 1966. – Б. 40.

миллат, халқлар онгидаги баъзи бир нотуғри фикр-мулоҳазаларга хос бўлган шак-шубҳалардан халос қилувчи манба бу – миллий онгдаги толерантликдир. Бошқа халқ, миллатларни ўрганиш жараёнида қўлланиладиган услубнинг таърифи Беруний томонидан келтирилди ҳамда унинг моҳияти чуқур, аниқ очиб берилади. Аллома ҳар бир инсон энг аввало шахсий онгни ўзига хос бўлган маънавий-ахлоқий принциплар (тамойиллар) асосида миллий онг даражасига кўтариши лозимлигини кўрсатиб, унга салбий таъсир қилувчи хулқлардан сақланувчи имкониятлар яратилиши зарурлигини қайд қиласди. Бу эса толерантлик йўналиши сифатида ўз халқининг маданиятини, тарихини, маънавий ҳаётини ва бойликларини яхши тушуниб, хурмат қилишни талаб қиласди. Натижада миллий онгда толерантликнинг шаклланиши кучаяди.

Демак, ижтимоий-фалсафий меросимиз, Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг таълимотларини ўрганиш миллий онг ривожланишида маълум бўлган ҳозирги давр муаммолари, хусусан, миллий онг борасида жиддий услубий манба эканлигини кўриш мумкин. Кўпгина мутафаккирлар асарларида миллат, миллий онг тушунчалик кўпроқ диний мазмунда қўлланилган бўлса, Беруний, Форобийларнинг ижтимоий-фалсафий таълимотларида маълум дунёвий маъно касб этади. Уларнинг асарларида ўша даврда шаклланаётган ва ривожланаётган турли миллатлар, хусусан ўзбек миллати ва миллий онгининг илк маънавий, ижтимоий негизлари ўз ифодасини топган. Мутафаккирларимизнинг халқлар ўртасидаги муносабатлар, миллий онгнинг ривожланиши таҳлилига миллий ва умумбашарий қадриятлар бирлиги нуқтаи назаридан ёндашишидан ҳозирги пайтадаги миллатлараро муносабатлар ва миллий онгнинг тараққиётини таҳлил қилишда ҳам муҳим услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланади. Ўтмишдаги алломаларимизнинг маънавий мероси ҳозирги миллий онгимизнинг ажралмас компоненти, толерантлик ривожланишининг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Алломалар фикрича, миллий онг билим асосига курилади. Бирон нарсанинг бор-йўклиги тўқсон фоиз далил билан исботланса, бу билимдир. Билимнинг маъноси ҳақиқатни англаш. Бунинг миллий онг даражасига етмоғи учун инсондан тўрт нарса: ақл, фикр, тажриба, натижа талаб қилинади¹. Ҳосил бўлган ҳақиқат билим сифатида миллий онгда ўз ифодасини топади. Билим қанчалик тараққий этса, ду-

¹ Абу Раҳён Беруний. Ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т., 1966. – Б. 60.

нёнинг яширип сирлари шунчалик ойдинлашиб боради. Билимнинг моҳияти, толерантликнинг мазмунини ақл орқали англаш мумкин. Ақл Аллоҳнинг энг буюк неъмати бўлиб, унинг ёрдамида ҳақиқатни англаш мумкин бўлгани учун Қуръони каримнинг кўп оятлари охирида: – «инна фий залика ла айтинлиқовмин-йяъқилуун», – ва лақодбайяннал аятин лиқовмин-йяъқилуун», – афала таъқилуун» – деб ақлининг аҳамияти, толерантлик хусусиятларига ишора килинади¹. «Мўминларнинг ва илмли уламоларнинг даражасини Аллоҳ Таоло кўтаради», – дейилади «Мужодала» сурасининг 11-оятида. «Тоҳо» сурасининг 114-оятида «Эй Аллоҳим, менга илмларни зиёда қилиб бергин»², – дейилади. Ҳадиси шарифларда «Олимлар пайғамбарларнинг ворислариридир», «Билим йўлини излаган кишига Аллоҳ таоло жаннат йўлини очади»,³ – деб айтилган. Демак, миллий онгда дунёвий билимлардан ташқари илохий билимлар ҳам бўлиши зарурлиги миллий онг негизларидаги толерантлик хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Миллий онгнинг шаклланишига доир юқоридаги фикр-мулоҳазалардан аёнки, миллий онг маънавият ва маърифат заминида вужудга келади. Миллий маданият, маърифат ривожланмаган, миллий тотувлик, миллий бирдамлик, миллий бағрикенглик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган ҳалқларда юксак миллий онг бўлиши мумкин эмас. Миллий онг миллийликда (узбекона фикрлашда) ўз ифодасини топади. «Миллийлик» деганда, энг аввало, ўз миллатини эъзозлаш ва уни ҳимоя қилиш, миллий гурур ва нафсонацият туйгуси, ўзининг тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи, урф-одатлари ва барча маънавий ўзига хос қадриятларини қадрлаш тушунилади.

Миллий онг ифодаси ҳисобланган бағрикенглик ва миллий гурур билан чамбарчас боғлиқлигини кўпгина мисолларда кўрдик. Бинобарин, миллий гурур деганда, ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб етиш, она тили, тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, урф-одатлари, расм-руsumлари, байраму сайилларидан фахрланиш тушунилар экан, миллий гурур, бағрикенглик тимсоли сифатида, инсон онги ва фаолияти бир-бири билан боғлиқлигини, ўша ўзаро таъсир, ўзаро алоқадорлик механизмининг

¹ Раҳматуллоҳ Туркестоний. Илм ва имон. – Т.: Мовароуннахр, 1993. – Б. 17.

² Ўша жойда. – Б. 18.

³ Ўша жойда. – Б. 19.

(харакатга келтирувчи кучининг) характеристини ифодалайди. Бошқача айтганда, миллий ғуур, толерантлик (багрикенглик) нафақат инсон онгининг ривожланиш даражасини, балки амалий фаолиятининг ҳам кўрсаткичи ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент каби шаҳарлардаги тарихий обидалар таъмирланиб, ёдгорликлар асл ҳолига қайтарилиши каби ишлар фуқаролар онгига миллий ғуурни сингдиришда самарали таъсир қилади. Зотан, миллий ғуур ва ифтихор ватан мустақиллиги ҳақида қайғуришга ундейди, мустақиллик асоси бўлмиш миллий тил масаласини ҳал қилишга бориб тақалади. Чунки тили ва маданиятига эга бўлмаган одамлар тўдаси на халқ, на муайян миллат бўла олади. Бундай одамлар тўдасида миллий ифтихор туйгулари ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳамкорлик инсоният ҳаёти ва турмушида муҳим ўрин эгаллади. Унинг маъно ва мазмуни чукур, харакат чегараси ва қамрови жуда кенг. У кичик-кичик ташвишлардан тортиб, жуда катта даҳшатли оғатларни ҳам бартараф этишда асқотиши турган гап.

Бу фикр-мулоҳазаларни толерантлик даражасидан келиб чишиб таҳлил қилас эканмиз, толерантлик хусусиятларини англаш заруратини бутун жаҳон миқёсида ҳам, умуман, Ўзбекистон миқёсида ҳам англаш зарурлиги келиб чиқади. Олдинги бўлимларда келтирилган фикр-мулоҳазаларимиз асосида толерантлик муаммосининг жиҳати инсон феъл-атвори, юриш-туришининг асл таъсир қилувчи механизmlарини, уларни харакатга келтирувчи кучларини аниқлашдан иборат, деб тушунган ҳолда, ҳар бир фан онг илдизида, хаёл ва тасаввурлар ортида яширинган «иккинчи қатлам»ни очишда ифодаланиши мумкинлиги тасдиқланган. Абстракциялаш (мавхумлаштириш) идеаллардан руҳий ўзгаришларнинг асл сабабларини тушуниш сари йўл сифатида идрок этилади.

Халқ миллий онги, маънавиятигининг юксалиши, бағрикенглик каби фазилатлари ҳар қандай ривожланиш жараёнининг бош мақсадидир. Чунки бу ҳоллар инсоният тарихий тараққиётида ҳақиқат эканлиги ҳар қадамда исботлаб келинди. Улар инсоният тарихий формацияларида ўзига хос йўналишда бўлиб, маълум тарихий босқичда бошқа ифодада, ундан кейин эса бошқа ифодада акс этади.

Шарқнинг машҳур мутафаккири Воиз ал-Кошифий толерантлик хусусида шундай ёзади: «Яхши ҳулқ мамлакатнинг тузи, яъни мазмунини белгиловчи омилдир. Чунки ҳар бир таом тузсиз бемаза бўлгани каби, ахлоқсиз жамият ва ахлоқсизлик билан ўтаётган умр

мазмунсиздир». Мутафаккир бағрикенгликни жамият, халқ учун ҳар бир ривожланиш даврида қилинган ишлар билан баҳолайди. Инсон ҳаёти равон дарёдек үтиб кетаверади. Гап уни фойдали, мазмунли, яхши ишларга сарф қилишдадир. Инсон дунёда учта яхшилик қилиши керак: биринчиси – одамлар учун уй, күпприк, йўл куриши; иккинчиси – мевали дараҳт үтқазиши; учинчиси – фарзанд қолдириши керак. Чунки бу яхшиликлар оламда сабит қолур. Воиз ал-Кошифий айтганларидек:

Чунки қолмас бу жаҳон барқарор,
Яхши иш қилғилки, қолғай ёдгор¹.

Бу сўзлар орқали Кошифий кишиларни яхшилик қилишга чорлайди, яхшилик мамлакат ҳуснига зийнат, давлатга кувват бахш этади, деган хуносага келади.

Буни Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакат миқёсида амалга оширилаётган саховат ишлари, меъморчилик, күпприк, йўл куриш ва шу каби халқимиз учун зарур ишлари натижаларида кўрамиз. Бу раҳбариятга хос миллапарварлик ўзбек миллати толерантлигининг асосидир.

Алишер Навоий ҳам ўзбек толерантлиги негизида эл-юртга, халқка, муҳтожларга ёрдам беришни энг юқори карам деб ҳисоблади.

«Карам – бир жабрланганинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан кутқармокдир. Карам – бирор мاشаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва у тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, ишига миннат қиласлик ва унинг юзига солмасликдир»², – деб, Алишер Навоий толерантлик туйғуси асосини талқин қиласди.

У одамларни инсофли, саховатли ва адолатли бўлишга, бир-бирлари билан аҳил бўлишга, бир-бирларига ёрдам беришга, карамли бўлишга даъват этар экан, эҳсонли бўлишни алоҳида уқтиради.

Куръони каримда келадиган адолат тушунчасига эътибор қилинса, Нисо сурасининг 68-оятида «одамлар орасида... адолат билан ҳукм қилинган буюр»илса, шу суранинг 135-оятида шундай дейилган: «135. Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларининг ёки ота-она ва қариндош-уруғларининг заарига бўлса-да, Оллоҳ учун

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 20-боб. – Б. 77.

² Алишер Навоий. Махбуб ул қулуб. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 55.

тўғри гувоҳлик берувчи бўлинглар! У (яъни гувоҳлик берувчи) бой бўладими, камбагал бўладими, ҳар иккисига ҳам Оллоҳнинг ўзи (сизлардан кўра) яқинроқдир. Бас, адолат қилмасдан нафси ҳавога эргашиб кетманглар. Агар тилларингни буриб, (нотўғри гувоҳлик берсанглар) ёки (гувоҳлик беришдан) бош тортсанглар, албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган зотдир»¹.

Бу тўғрида эса қомусий аллома Замахшарий шундай сабоқ беради: «Бирор мамлакат (ҳокимият) ишларининг орқага кетишига сабаб – вабо кўп бўлиб, тузукларига тартиботларининг сусайишиданур»².

Юқорида келтирилган далиллар, фикр ва мулоҳазалар толерантлик илдизларини инсон онгли фаолияти пайдо бўлган даврлардан ахтариш зарурлигини кўрсатади. Бундай илдизлар асосида ривожланниб келган толерантлик хусусиятлари ҳалқимиз ва барча миллатлар орасида миллий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтириди. Турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис этиб, миллий маданияти, санъати, диний муносабатлари ва эътиқодини намойиш этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистонда иш олиб бораётган 150 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ва шу марказларнинг 16 илллик фаолиятлари ана шундан далолат беради.

Толерантликни ифодаловчи хусусиятларга ҳамма ҳам онгли ра-вишда ёндашмайди, бир қисм кишилар кўпчиликка тақлид қилган ҳолда масала моҳиятини етарлича ҳис этмасдан туриб ҳам амал қиласверадилар. Натижада экстремистик ёки диний ақидапарастликка йўл қўйилади. Аммо давр тақозоси билан иқтисодий, маданий, маърифий ривожланиш даври инсонлар онгида ҳар бир нарса ва ҳодисага онгли ёндаша билиш имконини берди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилди. Президент Ислом Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирав экан: «Ўзбек ҳалқи руҳининг тикланганлиги, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик руҳиятига, хулқатвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбай бўлиб келган ягона

¹ Куръони Карим. Таржима ва изоҳлар. Алоуддин Мансур. Т.: Чўлпон. – Б. 68.

² Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар (таржимон Убайдулла Уватов). Т.: Ка-малак, 1992. – Б. 52.

маънавий-рухий негизни вужудга келтиради»¹, деб таъкидлайди. Бундан кўриниб турибдики, мустақил миллат онгидаги толерантлик туйғулари ривожланиб боради. Миллий ўзликни англаш жараёнисиз эса толерантлик бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ўзлигини англаган инсонгина озод шахс ҳисобланади ва шундагина бошқаларни англай олади, ҳамжиҳатликда фаолият юритади. Бошқаларни англаган шахсгина онгли ижтимоийлашув жараёнларида иштирок эта олади. Ижтимоийлашув маданиятлиликка асос ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш ҳалқ маданий-маънавий таракқиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўз маданий мулкига ворислик ҳукукини мустаҳкамлайди. Натижада маданий ёдгорликлар, қадриятлар ворислик асосида авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб боради.

Миллий ўзликни англаш толерантликка мос бўлиб, у шахснинг бошқа миллатларга бўлган муносабатида, фақат ўз миллати мероси ва маданий бойликларига эмас, балки бошқа ҳалқлар маънавий бойликларига ҳам самимий муносабатини ифода этади. Ўзликни англаш, муайян миллатга хос ҳусусиятларни идрок этиш ҳар бир ҳалқнинг ижтимоий озодлиги тимсолидир.

Миллий-маданий қадриятлар толерантликнинг ривожланишида муҳим ўрин тутиб, бағрикенглик, осойишталик, меҳр-мурувват фояларини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбек миллий қадриятларининг негизини ташкил қилувчи хушмуомалалик, меҳр-мурувват, аҳиллик каби фазилатлар толерантлик намоён бўлишининг омили ҳисобланади. Масалан, юқоридаги фазилатларга қўшимча ҳаё, ибо, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳмондўстлик, ота-онани улуғлаш, ўз манфаатини устун қўймаслик, ўзгалар хатти-ҳаракатига тоқат билан қараш каби минглаб ижобий фазилатлар толерантликнинг намоён бўлишини таъминлаган ҳолда, кишиларни поклик ва эзгуликка чорлайди.

Толерантлик ўз миллатининг бошқалар томонидан камситилишига йўл қўймаслик эмас, балки умрбоқий қадрият ва анъаналарни асрашга, уларни янада гўзалликка айлантиришга чакириқдир. Бу туйғу кишини шунчаки олижаноб қилиб қўймайди, балки унинг ҳулқ-атворини, ахлоқини, сиёсий ва маънавий поклигини, бурчга, ўз ҳалқига садоқатини, сиёсий ва маънавий поклигини, муқаддас нар-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт Йўлида. 6-жилд. – Т: Ўзбекистон, 1998. – Б. 129.

саларга бўлган муносабатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Булар инсонда бағрикенглик, хотамтойлик, байналмилаллик туйгуларини уйғотади ва муқаддас ислом динининг мазмун-моҳиятини англатади. Президентимиз Ислом Каримов ҳам кўп ўринларда ислом дини ғояларини мисол ва намуна сифатида келтирадилар. Хусусан: «Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб то оддий бир бандига қадар, Ҳўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, хақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган»¹.

Кўриниб турибдики, ўзбек толерантлиги нафақат улуғ мутафаккирларнинг фикрлари-ю, давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳар бир даврга хос ҳужжатларда, балки мустақиллик даврида, истиқдолга эришган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошка ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Президент Ислом Каримов ўзбек толерантлигини эътиқодсиз, иймонсиз амалга ошириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, ҳалқни динига ва миллат истиқполига эътиқод қўйишга даъват этади ва шу ғояга содик қолади. Ислом Каримов «Ватанин севмоқ иймондандир» деган эътиқод асосида дин ҳам, миллий қадриятлар ҳам, хуллас, бутун тарих ўзбек толерантлигининг мужассами эканлигини таъкидлайди. Натижада инсонда бағрикенглик, байналмилаллик туйгулари шаклланиб, одамшавандалик, орият, ҳалоллик, камтарлик фазилатлари такомиллашади. Ўз қадр-кимматини билиш туйғуси ривожланган киши, одатда, ўзгаларга ҳайриҳоҳ, сезгир, меҳрибон бўлади. Толерантлик одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, унинг шахс сифатидаги эркинлигини таъминлаш каби ғоялар билан суғорилган диний, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий ва шулар каби барча инсоний қарашлардан иборат прогрессив дунёқарашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Толерантлик инсоний муносабатларнинг муҳим хусусиятлари ифодаси сифатида кишилар ўртасидаги дўстлик, меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, тинчлик, осо-

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: Шарқ, 1993. – Б. 7.

йишталик каби муносабатларни акс эттиради. Ўзбек толерантлигига хос муносабатлардан бирини, яъни «ўзаро ёрдам» тушунчасини таҳлил қиласиган бўлсак, ижтимоий муҳофазалашнинг бундай қонун-қоидаларига ажоддодларимиз доимо амал қилишларини кузатиш мумкин. Шу фикримизга улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг куйидаги ўгитлари далилдир: «Қариялар мұхтожликка тушиб қолса, қасб-хунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қулингдан келганча эхсон қил. Лекин камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтнин ташимокни удаласа, унга эхсон қилмоқ – исроф қилмоқдир»¹, – дейди. Алишер Навоий ўзбек толерантлигини иккитомонлама ифодалаб, қарияларга хайр-эхсон қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, уларга раҳм-шафқат қилишни инсонпарварлик ақидаси, дейди. Бу ота-боболардан ўзбекона толерантлик сифатида мерос бўлиб қолган муқаддас анъанадир. Бироқ меҳнатга лаёқатли йигитлар, ёшлар ўзлари меҳнат қилиб, ўзларини ва оиласларини бокишилари ҳам қарз, ҳам фарз. Бу уларнинг оталик ёки оналик бурчларидир. Демак, бурч, кучли ижтимоий сиёsat ҳам ўзбек ҳалқининг миллий анъанаси сифатида ўзбек толерантлигининг маълум бир кўринишидир. Шунга кўра кишилик жамияти ривожланиши натижасида толерантлик ҳам жамият тараққиёти билан боғлик равишида тобора ривожланиб, ўз мазмунини бойитиб боради.

Кўпгина манбалардан маълум бўлишича, толерантлик масаласида жаҳон бўйича келишув ишлари олиб борилишига қарамасдан, қатор давлатларда ижтимоий барқарор ҳалқлараро муносабатни издан чиқарувчи ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Булар, албатта, этник ва бошқа зиддиятларни келтириб чиқариши табиий. Шу маънода толерантлик муаммоларига янгича нуқтаи назардан қараш ҳозирги замон тарихий жараёнининг аниқ механизмини (ҳаракатга келтирувчи кучларини), шахслараро муносабатларда келишган ҳолда, биргаликда фаолият юритиши имкониятларини очиб беради. Тарихдан маълумки, сиёсий, мафкуравий қарашларда диний тасаввур йўналишлари ўз ифодасини топади. Улар негизидаги баъзи бир салбий, толерантликка зид, тоқатсизлик ҳоллари диний тўқнашувларга олиб келади. Булар, албатта, ҳалқ учун жуда қимматга тушади. Мисол сифатида жаҳонда диний тоқатсизлик негизида бўлиб турган урушларни кел-

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул қулуб. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 86.

тириб ўтиш мумкин. Айнан ана шулар содир бўлиши асосида толерантлик тушунчаси Ғарб жамиятларида диний урушлар, «чидаш-чидамсизлик» ҳоллари юз берган XVI-XVII асрлар тажрибаларида ифодаланиб, илмий мулоқотга кириб келди. (Толерантлик тушунчаси нафақат илмий мулоқотда, балки тажрибалар асосида кўпгина Ғарб, Осиё, Африка, Америка мутафаккирларнинг фикрларида ҳам ўз ифодасини топди.)

1572 йил 24 августда бўлиб ўтган Варфоломей кечаси тарихга тоқатсизлик рамзи сифатида кирди. 1598 йилда Францияда Генрих IV Бурбон томонидан диний урушлар тугалланганини ҳақида Кант кўрсатмаси қабул қилинди. Кейинчалик бу ходиса Дени Дидро¹ томонидан юкори баҳоланиб, унинг «Тоқатлилик» мавзусидаги илмий иши юзага келди ва у тоқатсизлик менинг ватанимда энг қўрқинчли ҳолат бўлган эди, деб ёзди у.

Диний тўқнашувларнинг келиб чиқиши бошқа давлатларни ҳам ларзага келтиради. Бу ҳол пайдо бўлаётган муаммоларнинг ечими-ни тезроқ топиш зарурлигини тақозо этади. Шундай қилиб, 1648 йилда тинчлик ҳақида Вестфаль шартномаси тузилди, унда барча оқимлар хуқуқларини тенглаштириш масаласи асос бўлиб хизмат қилди. Ундаги юридик моддалар, шахсий ва умумий «бошқаларга» ишонч гояси ғарблайлар онгига ҳар кимга толерантлик рухида муносабатда бўлиш сифатида шаклланиб борди. Кўпгина тадқиқотлар кўрсатишича, толерантлик намунавий тамойилгина бўлмасдан, ҳаётий зарурат ҳамдир. Аниқланишича, жамиятда кўп келишувлар юқоридан, диний бирдамлик билан мажбуран боғланмаган ҳолда шаклланар экан. Шундай қилиб, толерантликнинг илк бор Ғарбга хос цивилизацияси юзага келиши диний даражада ҳосил бўлган.

Диннинг назорати кучли бўлган шароитда юзага келган толерантликни инглиз файласуфи, либерализмнинг гоявий-сиёсий доктринаси асосчиси Джон Локк (1632–1704) маҳсус тушунча сифатида тасвирлайди. Толерантликнинг жамиятда шаклланиши унинг «Диний тоқатлиликка йўлланма»² асарида (1685–1686) диний эътиқодни танлаш кишиларнинг ўз ихтиёрида, деган гояни илгари суради. Унинг гояси черковнинг давлатдан ажратилишига асос бўлиб хизмат

¹ Ата-Мирзаев О. ва бошқалар. Ўзбекистонда миллатларо толерантлик: тарих ва ҳозирги давр. – Т.: Университет, 2004. – Б. 13–14.

² Локк Дж. Диний чидамлиликка йўлланма. З томлик сайданма. – М., 1988. – Б. 101.

қилди. Яъни турли черковлар орасидаги каби инсонлар орасидаги тинчликни, тенгликни, дұстликни хам хурмат қилиш заруриғи таъкидланади.

Толерантлик ғоясинаң құллаган ва унга амал қылған француз мутафаккири Вольтернинг (1694–1778) «Сиз нима ҳақда гапираёттганингиз билан рози бұлмасдан, үз фикрингизни ҳимоя қилишингизни хурмат қиласман», – деган фикри толерантликнинг назарий мазмунини ифодалайди. «Биз барча инсонларга оға-иниларимиздек қарашимиз кепрек. Менинг оға-иним Турк ҳам, Хитойлик ҳам, Жүхд ҳам деб, «биз барчамиз бир отанинг боласимиз», деган ғояни илгари сурган ҳолда, толерантликни умуминсоний бойлік», деб атайди. Вольтер толерантлик ҳақида асаарлар ёзигина қолмасдан, нохақлықка қарши курашчи ҳам эди. Бу ҳақда Ю. Лотман үзининг «Санъат содир бұлмаган тажрибагача... Рус маданияти ҳақида сұхбатлар» мақоласыда: «Клаас тарихини барча эсда сақтайты. Клааснинг үғли үзининг ҳаётиға онгсиз равишда касд қиласы. Отани фарзандини үлдиришда айблайдылар. Ҳалқ орасыда Клааснинг үғли протестантликдан католик динига үтгани учун ота томонидан үлдирилған, деган гаплар юради. 60 ёшдаги отага олдин уни бұлак-бұлак қилиш, кейин эса үтда күйдириш жазоси белгиланади. Бу иш Вольтерга мәйлүм бўлади. Вольтер Клаас хотирасини ҳимоя қилишгагина эмас, балки бу масалани Гарб жамияти эътиборига етказишига ҳаракат қиласы. Франциянинг инсонлардан жуда йироқда бўлган бундай нохақлик Гарбга – Петербургдан Лондонгача етиб келади. Нихоят, Клаас вафотидан кейин бўлса ҳам оқланади, муҳими – бу қалб, рух ғалабасидир...»¹. Вольтернинг вафотидан кейин 11 йил үтгач, 1789 йилда Франциянинг Кенгаш мажлиси «Инсон ҳукуқлари ҳақида Декларация» қабул қиласы ва бутун жаҳонга шахс озодлиги, виждан ғоялари, барча фуқароларнинг қонун олдидә тенглиги, кишига киши томонидан зулм қилинишидан ҳимоялаш ғоялари илгари суриласы. Бу ҳужжат кейинчалик Инсон ҳукуқлари ҳақидағы Декларацияга асос бўлиб хизмат қилди ва 1948 йилда Инсон ҳукуқлари умумжахон декларацияси қабул қилинди. Толерантлик ва тафовутлар бир-биридан ажralmas эканлиғи XIX асрда инглиз олими Жон Стюарт Миллнинг (1806–1873) «Эркинлик», Жан Жак Руссонинг «Эмиль ёки тарбия» китобларида таъкидланган. Шундай қилиб, Гарб мутафаккирлари инсоннинг ҳақиқий

¹ Лотман Ю. Санъат содир бұлмаган тажрибагача... Рус маданияти ҳақида сұхбатлар. Новая газета, 2002. 4 март, № 15.

муносабатини, толерантликни тамойил сифатида белгилашади. Толерантлик тушунчаси бугунги кунда ўтган даврлардагига нисбатан аста-секин ўзгача мазмун ва моҳият касб этиб боради. Толерантлик тамойили маълум бир давргача инсон учун унинг фазилатларини аникловчи асос бўлмай келди. Чунки узок даврлар мобайнида инсонларга зулм ўtkазиш толерантликка каршилик кўrsатиш намуна-сидир. Бугунги кунда ҳам ўзини намоён этаётган нацистлар ҳаракати тенгликка, инсонпарварликка ва толерантликка зид асосга қурилган. Шулар асосида шаклланган янгича фикр-мулоҳазалар толерантлик тушунчаси тарихи 1894 йилда қабул қилинган Женева конвенцияси давридан бошланди, деб хисоблаш мумкинligини кўrsатади. Чунки унда ҳатто уруш даврида ҳам ҳарбий асиirlар ва тибий ходимлар дахлсизлиги назарда тутилади. Бу гоя ҳарбий асиirlар билан муносабат қоидаси юзага келишига ва Жаҳон Қизил Хоч Кўмитаси ташкил қилинишига олиб келди. 1926 йилда Миллат Лигаси қулликнинг қонундан ташқари концепциясини қабул қildи. Жаҳон миқёсидаги бундай ҳукукий ҳолатлар жаҳон демократик ҳаракатлари бирлашишига олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда толерантликда янгича сиёsat, фикр ва ҳатти-ҳаракатлар татбиқ қилинди. Булар инсон ҳукуқларинижаҳонбўйичахимояқилишборасидамаълум қадамларни амалга ошириш имкониятини яратди. Натижада давлат томонидан ижтимоий гурух ва якка шахсларни куч билан бўйсундиришга қарши ҳаракатларни келтириб чиқарди. Бундай ҳолатлар 1945 йилда қабул қилинган БМТ Уставида ўз ифодасини топди. «Тоқатлиликни намоён этиш ва тинч-тотув яшаш, тинчликда бир-бирлари билан очик кўнгилли кўшни каби ҳамкорликда бўлиш»¹, каби фикр-мулоҳазалар инсонлар онгида толерантликнинг ривожланиб бориши учун асос бўлиб хизмат қилади. 1948 йилда БМТнинг мукаммал Декларацияси қабул қилиниб, турли давлатлар инсонларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлари тўғрисидаги Битимни имзолашди. Энг муҳими, бу ҳужжатнинг 1-моддасида: «Барча инсонлар эрkin бўлиб туғиладилар ва ўз ҳукуклари ҳамда ҳурматда тенгдирлар»², – деб кўrsatilgan. Инсоният онгида толерантликнинг шаклланишида ЮНЕСКО фаолияти маълум даражада ўз ўрнига

¹ 5 жилдан иборат жаҳон сиёсий фикрлари антологияси. М., 1997. В том. – Б. 343.

² Ўша жойда. – Б. 417.

эга. Чунки айнан ЮНЕСКО 1995 йилда, БМТнинг 50 йиллиги мұносабати билан, халқаро толерантлик йили қабул қилинишига асос солди. ЮНЕСКО томонидан 1993 йилда Парижда толерантлик бүлими ташкил қилинганды бұлса, 1994 йилда БМТ Бөш Ассамблеяси томонидан Толерантлик борасыда ҳаракат дастури қабул қилинди. 1994-1995 йилларда толерантлик масалалари 50 дан ортик халқаро илмий-амалий анжуманндар мавзусындағы айландинде. Уларда маданияттар хилма-хиллиги, инсоннан орасидаги фарқлар, диний ва маданий масалалар көриб чиқылды. Мисол сифатида «Инсон ҳукуқи асосида диний толерантлик» (Болгария), «Толерантлик, бир-бирини тушуниш ва хайрихохлик» (Россия), «Бир заминда биргаликда яшаш» (Тошкент), «Тоқатсизликка қарши ҳамжиҳатлик» (Тбилиси) сингари жағон миқёсідеги форумларни көлтириш мүмкін. ЮНЕСКО томонидан «Толерантлик: тинчликка йўл» қўлланмаси ишлаб чиқилиб, чоп қилиниб, жағон миқёсіда минглаб мактабларга тарқатилиши инсоннаннинг ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалашы учун асос бўлиб хизмат қиласи. Толерантлик юзасидан турли саҳна асарлари, кино-фильмлар яратилиши, кўргазмалар ва бошқа воситалар орқали турли халқлар маданияти, ҳаёт тарзи ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилиши инсонлар онгидаги толерантликнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласи, десак хато бўлмайди. Чунки «Толерантлик йили» (2000 йил) мұносабати билан ЮНЕСКО томонидан 1000 дан ортик тадбир ўтказилган бўлиб, «Толерантлик – инсон ҳукуқини ҳимоялаш мажбурияти» давлат миқёсіда қабул қилинди. Шундай қилиб, толерантлик инсон онгидаги фуқаролик жамиияти нормаси ва бойлиги манбаи ҳисобланади. 2000 йилнинг Халқаро тинчлик маданияти йили, 2000-2010 йиллар Халқаро тинчлик маданиятининг 10 йиллиги, 2007 йилда Тошкент – халқаро ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганды толерантликни қарор топтиришда катта аҳамияттаги касб этади.

Кўриниб турибдики, толерантлик жағон миқёсіда диний экстремизмнинг олдини олувчи воситага айлана бошлади. Ҳозирги замон Узбекистон шароитида толерантликни жағон маданияти орқали қарор топтириш мүмкін. Жағон маданияти жараёни Дастурида ўзаро бир-бирини тушунишига таъсир қилувчи тадбирлар, шу жумладан тоқатлилик ва ҳамжиҳатлик ҳам ўз ифодасини топади. Бу борада ташкил қилинганды тадбирлар тоқатлилик жараёнини юқори даражага кўтариш, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқаро бағрикенглик

муносабатини кенгайтириш орқали барча давлатлар ҳамкорлигини амалга ошириш назарда тутилади. Натижада халқаро муносабатда бойликларнинг глобал шкаласини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Бу эса янгича жаҳон этикаси бўлиб, жараёнлар қарама-қаршилиги шароитида инсонлар орасидаги боғлиқликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлар эди. Инсонлар онгидаги толерантлик тушунчаси астасекин ўзгариб, ҳозирги кунда асосий диққат толерантликка нисбатан интолерантлик (хорижий) билан курашга қаратилган. Бу хол БМТнинг Дубнада 2001 йилда жаҳон миқёсида ўтказилган анжуманида ирқчиликка қарши қабул килинган тавсияномаларидан келиб чиқади. 2001 йил ирқчиликка қарши халқаро йил, деб эълон қилинди ва барча куч, имкониятлар миллатчиликка қарши қаратилди. Бинобарин, толерантлик фуқаролик жамиятининг маънавий-ахлоқий таъмйилини бир-бирига боғловчи манба бўлиб хизмат қиласди.

Шундай қилиб, жаҳонда бирдамлик ва яхлитликни мустаҳкамлаш билан бирга, унинг ижтимоий-этник жиҳатларини асослашга интилиш кучайиб бормоқда. Миллий қарама-қаршиликтаки интилиш ҳам авж олмоқда. Худди шундай жараёнлар Югославиядаги, Туркиядаги (курдлар), Англиядаги (ирландлар) муаммоларда сезиларли даражада ўз ифодасини топади. Кейинги вактларда бир қатор мамлакатларда (турли қитъаларда) бошқа маданиятга, бошқа ҳаёт тарзига, тилига, диний эътиқодларга нисбатан тоқатсизликни намойиш этиш ҳоллари сезилмоқда. Бу эса миллатлараро тўқнашувларни, ҳатто терроризмни келтириб чиқаради. Собиқ Иттифоқнинг тарқаб кетиши ҳам ёпик (латент) тарзда эмас, балки очиқдан-очик миллатлараро келишмовчиликлар, тўқнашувлар асосида юз бергани кузатилди.

Миллатлараро келишмовчиликлар ва тўқнашувлар миллатлараро (этник) толерантликнинг заифлашиб кетишидан бошланади. Этник тўқнашувларнинг кенг миқёсда ёйилиб бориши унинг иштирокчиларига тоқатлиликнинг йўқлигидандир. Бундай шароитда давлат миллатларни химоялаш масалаларини ҳал қиласди, суверенликни таъминлайди. Бундай тадбирлар ичida миллатчилик, этник, диний тоқатсизликнинг олдини олиш асосий ўринни эгаллаб, этник толерантлик шаклланишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам миллатлар хавфсизлигини саклашда толерантликни халқ онгига сингдириш муҳим ҳисобланади. Натижада ижтимоий фикр-мулоҳазалар шаклланиб боради. Бунинг учун кўпгина давлатларда маҳсус этнопсихологик маслаҳат хизматлари ташкил қилинган бўлиб, улар

ёрдамида кишилар онгига этник тўқнашувларга сабаб бўлувчи фикрлар пайдо бўлиши ва ривожланишининг олди олинади. Бу муаммо кўпмиллатли Ўзбекистонда ҳам 90-йилларда содир бўлган эди.

Мамлакат мустақилликка ўтиш даврида ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллий омил бирмунча юқори даражага кўтарилиди, тарихга, анъанавий маданиятга қизикиш даражаси ўсиб борди (бу барча миллатлар доирасида сезилди). Бу жараён миллатлараро муносабатлар масалаларига эътиборни кучайтиришни талаб қилди. Натижада миллатлараро муносабатлар борасида янгича давлат стратегияси ишлаб чиқилди, у Ўзбекистон жамиятида толерантликнинг ривожланишига имконият яратди. Этник ҳамжиҳатлик ва кўпмиллатлилик маданияти мамлакатда муҳим қадрият сифатида қарор топди. У фуқаролик жамиятининг тикланишига асос бўла олади. Натижада миллатлараро муроса ва уни ривожлантириш ҳамда сақлаш имконияти яратилади. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон жамиятида айрим миллатлараро можаролар, экстремизм, терроризм ҳоллари дарҳол барҳам топди. Бундай ҳолат ҳақида Президент Ислом Каримов: «Этник ва миллатлараро муносабат кўпмиллатли давлатда ўзига хос таъсир қилувчи асос бўлиб, унинг асосида миллатлар хавфсизлиги тушунчаси шаклланди»¹, – деб кўрсатган эди. Айни пайтда шуни таъкидлашлозимки, онгдатолерантликнинг шаклланиши Ўзбекистонда асрлар давомида инсонпарварлик анъаналарининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши билан бөглиқ.

Ўзбекистон Республикасида миллатлараро толерантлик ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, жамиятда барқарор ривожланиш қарор топди. Бу жараённинг шаклланиши давомида инсонлар хатти-ҳаракати ва онгига толерантликни мустаҳкамлаш, динлараро токатилик ва тинчликсеварлик каби фазилатлар долзарблик касб этиб бормоқда ва давлат вазифаси даражасига кўтарилимоқда. Толерантлик маънавий ва тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш билан мамлакатда ахлоқий қадриятларни янги давр тизимиға мослаш ва сиёсий тоқатсизликни мустаҳкамлашга қаратилган. Толерантликни тарбиялаш, танқидий фикрлаш билан биргаликда, фуқаролик фаоллиги, қарама-қаршиликларни енгиш кўнижаси, муносабатга, мулоқотга кириша олиш кабиларни амалга ошириш ҳозирги замон демократик жамияти кишисининг зарурий хусусияти ҳисобланади.

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 135–136.

Толерантлик тоқатсизликнинг акси бўлиб, бошқаларга, кўпинча бошқа миллат кишиларига хайрихосиз муносабатда булишга зид жараёндир. Бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, Россия аҳолиси ўртасида бугун юзага келган толерантликка зид бўлган миллатчилик ва шовинизм рухиятининг кучаяётганилигини мисол сифатида келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам Россия давлати томонидан 2001 йилда толерантликни тарбиялаш бўйича маҳсус дастур қабул қилиниб, 2001-2005 йиллар толерантликни тарбиялаш йиллари деб эълон қилинди. Худди шу ҳужжатда жамиятда экстремизмнинг олдини олиш ҳақида фикр юритилади¹.

Шундай килиб, толерантликни фақат мактаб шароитида тарбиялабгина қолмай, балки уни жамиятда яшаётган барча ёшдаги кишилар онгига сингдириш зарурлиги ижтимоий-фалсафий муаммо даражасига кўтарилди. Кейинчалик тоқатсизлик кўпроқ хавф-хатар тугдириб бориши ахборотларга очиқ ёндашиш имкониятини бироз чеклаган ҳолда, сиёсий ёки худудий маънода маълум гурух ёки айрим шахслар томонидан ўз мазмун ва моҳиятига кўра қўлланила бошланди. Зиддият тарафдорлари нотўғри далил-исбот ва фактларни топган ҳолда, ўзича хато статистик-математик маълумотларни келтириб, ижтимоий фикр-мулоҳазаларда онгни бошқа йуналишга солишга ҳаракатқилабошладилар. Натижадажамиятдагитоқағсизлик шахсий фуқаровий тоқатсизликка айланиб борди. Миллат ва диний мавзуларга таъна тошларини отиш, ҳақорат, устидан кулиш ҳоллари пайдо бўла бошлади. Натижада тоқатсизлик ҳоллари тўқнашувларни келтириб чиқарди. Инсон ўзидағи тоқатсизликка қарши курашиш учун ўз миллий маънавий заминларидан баҳра олишга ҳаракат қилиши лозим бўлади. Чунки ҳеч бир миллат ўз тараққиёт тарихида тоқатсизлик асосида ривожланмаган.

Биронта вазиятдаги ҳолатнинг ечимини топиш эртанги муаммоларни ҳал қилишга, улар эса глобал муаммоларни ечишга қаратилади. Буларнинг ҳаммаси тоқатсизликка, зулмга қарши бўлганлар учун маҳсус воситага айланади. Толерантлик қалб ҳолати бўлиб, унга эришишда ҳар бир шахс учун маълум даражада кийинчилик туғдиради. Жамият билан мулокот ва муносабатга киришмасдан толерантлик онгини шакллантириш қийин. Толерантликнинг мувакқият даражаси шу жамият онгидаги шакллари устунлиги даражасига боғлиқ. Жамиятдаги муносабатларда туғма онгнинг

¹ «Труд» газетаси. 1999 йил, 19 ноябр; 2001 йил, 1август.

мавжудлиги бунинг асосидир. Айнан шулар орқали биз бирлашамиз; унда бизнинг эътиқодимиз, муносабат учун тушунарли тилимиз (қайси тил бўлишидан қатъи назар), маданиятимиз ёки шу этник (миллий) гурухга хослигимиз асосий аҳамият касб этади. Шу билан бирга, биз «бошқаларга» кўркув ёки душманлик ҳисси билан қарашга ҳам мойилмиз, шунга асосан баъзи биримиз бир-бирларимиздан кескин фарқ қиласиз. Фарқимиз барча даражаларда биологик, маданий ёки ижтимоий-сиёсий аниклиқда бўлиши мумкин. Аммо анъанавий ҳамкорлик таянч маданиятга хос анъаналаримиз ёки диний йўналишларимизнинг бирлашувига олиб келди. Этник муносабатлардаги толерантликка мураккаб вазият сифагида қаралади. Чунки этник мувозанат турли зиддиятларни, тўқнашувларни келтириб чиқариши мумкин.

Тарихий тажрибадан маълумки, ҳалқлар орасидаги муносабатлар жуда оғир ва ҳавфли оқибатларни келтириб чиқаради. Турли урушлар даврида ўёки бу миллат, ҳалқ кўп изтироблар чекканлиги маълум. Руҳий жиҳатдан ҳалқлар орасида ранж-алам кучайиб борган. Булар эса ҳозирги давр миллий онгига ҳам ўз ифодасини топаётганлиги баъзи ҳолларда кишилар муносабатларида мураккабликларни келтириб чиқаради. Оқибатда миллатлараро низолар авж олиши мумкин. Шунинг учун ҳам миллатларарозиддиятлар, тўқнашувларнинг оло дини олиш, огохлантириш ва уларни енгиб ўтиш этнотолерантликнинг шаклланиши билан боғлик. Бунинг учун бирдамлик руҳидаги сиёсий маданият майдонини яратиш керак. Бу эса миллатлараро муносабатлар маданиятини тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатади. Унинг энг оддий шакллари: миллий омилдан шахслараро муносабатга ўтиш; бошқа миллат кишилари билан муносабатни (боғлиқлик даражасини) тўғри йўналтириш; барча дунёвий масалалар бўйича ҳар бир инсон ўз ҳуқуқига эгалиги; миллий-этник муаммолар бўйича фикр-мулоҳазаларда бу масала юзасидан аниқ маълумотларга таяниш; инсон ўзи яшаётган мухит урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, рамзлари ҳақида билимга эга бўлиши керак; шуни эсда тутиш керакки, миллатлараро муносабатларнинг асосий йўналиши тил билишдир. Тил билиш, тил толерантлигининг ривожланиши учун биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларидан ўринли фойдалана билиш зарур. Телеахборот манбаларидан фойдаланиш ҳам толерантлик йўналишида ўзига хос хусусият касб этади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, барча толерантлик йўналишлари замирида цивилизация ётар экан,

Ўзбек халқининг тарихий маданиятини авлоддан авлодга етказиш, янгидан-янги қадриятлар, урф-одатларни таркиб топтириш ворислик асосида амалга оширилиб, янги авлод томонидан янада бойитиб борилиши давлатимизнинг моддий-маънавий бойлигини таъминлайди. Бу жараённинг оммавий амал қилиши давлатларнинг цивилизациялашув миқёсини белгилаб, уларнинг жаҳон миқёсида тутган ўрнини кўрсатади. Натижада бундай халқ жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган илғор халқлар қаторидан жой олади. Маданияти таълим, фан ва маърифат масалалари бўйича Ислом ташкилоти – ISESKO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳам ўзбек толерантлигининг жаҳон миқёсида эътироф этилиши бўлди, – дейиш мумкин. Толерантлик асосига курилган маданият манбалари нафакат ўзбекистонликлар, балки хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бу фикримизнинг далили сифатида Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси хузуридаги Фан ва таълим маркази раҳбари Маъди Муҳаммад Морси Злабалнинг мулоҳазасини келтириш мумкин. У ўзбекистон худудида яшаб ўтган кўплаб буюк алломалар нафакат ислом дини ва маданияти равнақига, балки жаҳон илм-фани, цивилизацияси ривожига ҳам муносиб хисса кўшганликларини таъкидлайди¹. Мамлакатимизда бу алломаларнинг бой меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимизга хос толерантлик туйғуларининг ифодасидир. Бунга мисол сифатида ўзбекистон Мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг Алишер Навоий номидаги ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Тошкент ислом маданияти пойтахти» мавзусидаги китоблар кўргазмасининг очилишидаги нутқини келтириб ўтиш етарли². Бу нутқда бағрикенглик, осойишталик, меҳр-мурувват гояларини ўзида мужассам этган муқаддас ислом дини халқимизнинг ўзлигини англашида, кишиларни поклик ва эзгуликка чорлашда, умрбоқий қадрият ва анъаналарни асрasha бекиёс аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Хуллас, миллатимиз онгига толерантлик руҳияти миллий-маънавий меросимиз, муқаддас динимиз ва умуминсоният яратган цивилизация ютуқлари асосида шаклланиб ва ривожланиб келмоқда.

¹ «Ўзбекистон овози» газетаси. 2007 йил, 8 май.

² Ўша жойда.

Иккинчи боб
ТОЛЕРАНТЛИК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОНГ ТУЗИЛМАСИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО
МУНОСАБАТЛАРИ

Онг тарихи инсоннинг инсон бўлиб шаклана бошлаши тарихи билан боғлиқлигига асосланиб, онгнинг планетар ҳодиса сифатидаги, инсоннинг онгли мавжудот сифатидаги тараққиёти коинот эволюциясиning табиий ҳосиласи эканлигини инсон онг асосида билганлигини тасдиқловчи биологик ва ижтимоий ҳаракатни етказувчи эканлиги, унинг фаолият шакллари ўртасидаги узвий алоқадорликнинг юқори шакллари кўйи шаклларига боғлиқлиги, яъни инсон онгли мавжудот сифатида ижтимоий муҳит, ташқи олам, табиатга ўз таъсирини ўтказиб, уни ўзгартириши, ўзига мослаштириши, шу таъсир кучлари орқали худди шу даражадаги қарама-қарши таъсири қабул қилиши натижасида ўз табиатини, онг доирасини ҳам ўзгартириб бориши Э.Г.Фозиев, А.В.Петровский, Ф.Н.Гоноболин каби психолог олимлар томонидан илмий асослаб берилган. Онгни тушунища унга миллый-маданий анъаналар, диний, ижтимоий қадрият ва йўналишларнинг таъсири ҳам катта бўлади. Онгнинг ижтимоий-фалсафий талқини инсон маънавий ва руҳий ҳаёти намоён бўлишининг барча шаклларини бирликда ва яхлитликда олиб таҳлил қилиш имконини беради. Натижада онгнинг воқелик билан муносабатларини назорат қилиш, тартиба солиш ва бошқариш усулларини ўрганиш тамойилларини яратиш зарурлиги маълум бўлади.

Ҳозирги пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратади. Воқеликка фаол муносабат айнан психик инъикос даражасида шаклланади, инъикоснинг илгарилаб бориши эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига, унинг инсоният ҳаётида оддийдан мураккабга томон боришига имконият яратади.

Бу жараёнда онг ва мия, онг ва руҳият, онг ва тил, онг ва ахборот тузилмалари, онг ва табиат, онг ва жамият орқали ҳар бир инсоннинг

ўзлигини англаши содир бўлади, ходиса ва нарсаларга нисбатан онгли, онгсиз муносабатлар шаклланади.

Онгсизлик ва онглилик инсон руҳий фаолиятининг нисбатан мустақил бўлган икки томонидир. Инсон хатти-ҳаракати, хусусан, унинг ижтимоий хатти-ҳаракати факат ахлоқий, хулк-автор ҳаракатлари билан чегараланиб қолмайди, унда онгсизликка ҳам, албаттга, ўрин қолади. Инсон руҳиятининг келиб чикиши, шаклланиши, такомили, ривожланишида онгсизлик биринчи, онглилик эса иккинчи босқич бўлиб майдонга чиқади. Лекин онг пайдо бўлиши билан онгсизлик унга қоришиб кетмайди, балки онг билан фаол алоқа қила бошлиши натижасида инсон руҳиятининг таркибий қисмига айланади ва умумлашган ҳолда онгнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Одамда ҳаётий тажрибалар асосида онгсизлик инсонийлик ва ижтимоийлик касб этади, у ўз табиатига кўра биоижтимоий ҳодиса ёки ижобийлашув ёхуд салбийлашув хусусияти таркибиға киради. Ниҳоят, у ижтимоий, индивидуал, одатий, назарий онг тизимиға бўлинниб, ўз шаклларини фарқлаш борасида ахлоқий, эстетик, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, миллий онг турларига айланиб боради. Ўз навбатида онгнинг ҳам ижобий, салбий хусусиятга эга шакллари мавжуд бўлиб, одатдан ташқари, ҳуқуқий, эстетик йўналишга эга бўлмаган, фанга зид, миллийликка қарши шакллари ҳам мавжуд. Жўмладан, миллий онг миллий тафаккурнинг ажралмас қисми сифатида инсоният ривожланиши тарихи, тараққиётини белгилаб берувчи маънавият билан bogлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланган.

Бутун олам яхлит бир «организм» бўлгани сабабли, моддий мавжуд ҳодисадир, ундаги ривожланиш ўз конунларидан бўлак нарса бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай организм (тана каби), олам ҳам макон ва замонда ҳаракатланади ҳамда ижтимоий формациялар (тарихий даврлар) ўзгариши билан инсоният ҳам ўзгариб, ҳар бир шахс (индивид) ўзига хос хусусиятга эга бўлиб боради, онг тизимида ҳам даврга мос фикр-мулоҳазалар ифодаланади. Яъни инсон онги, тафаккури жамият ривожланиши негизида ривожланиб, онг шакллари пайдо бўлиб, бири иккинчисининг ўрнини эгаллаб боради. Бундай ўзгаришларни алоҳида олинган инсоннинг онг, тафаккур қобилияти ёрдамида билиш мумкин. Онг, тафаккур, билишнинг қуроли мантиқдир. Мантиқ ёлғон билан ҳақиқатни ажратиб берувчи ўлчовдир.

Стратегик мақсадлар асосида шаклланган миллий истиклол мағкураси миллий тафаккуримизнинг (онгимизнинг) бугунги кундаги муайян мақсадга йўналтирилган ва тизимлаштирилган гояларининг изчил йигиндиси бўлиб, у ўзбек толерантлиги ифодасига айлангани ҳолда, юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган гоялар, фикрлар, қарашлар асосида таркиб топган. Шу маънода Президент Ислом Каримовнинг миллатнинг келгуси тақдирида мухим роль ўйнаши мумкин бўлган қарашларида ҳалқимиз ва Шарқ ҳалқларининг маънавияти, янги давр Европа дунёвий тараққиётининг тажриба ва мантиқ та-лабларига бардош берган билимлари, қарашлари ҳам мавжудлигини билишимиз ва тўғри тушунишимиз кераклигини таъкидлаганлигини ҳам хисобга олишимиз ва ундан тараққиётимиз манфаатлари йўлида фойдаланишимиз лозим. Чунки ҳар қандай таълимот ёки қарашлар тизими ўзидан олдин шаклланган, инсоният тақдирида мухим роль ўйнаган гоя, онг, таълимот, фикр, қарашларнинг узвий давоми бўлиб юзага чиқади ва миллатга оид онг, толерантлик хис-туйғусига айла-нади.

Мисол сифатида эзгулик фалсафасига асосланган, инсоният маънавий тараққиётининг такомил босқичларидан бирида юзага келган «Авесто» ёзма ёдгорлигига акс этган гояларга эътиборимизни қаратайлик. Бу китобда баён этилган тушунчалар келгуси авлод онги равнақига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшганини кўрамиз. Президентимиз Ислом Каримов «Авесто»да баён этилган илмий гоя, тушунча ва тасаввурларнинг аҳамиятига тўхталиб, уларни «... нафакат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Фарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган»¹, – деб алоҳида таъкидлагани бунга асос бўла олади. Чунки «Авесто»нинг жамият тараққиётидаги ўрни, унда одамлар ёвуз кучларга эмас, балки эзгуликка хизмат қилиши кераклиги ўргатилади. Бу эса ўша давр жаҳолатига ўз даврининг етук маънавиятини қарши қўя олган маърифатдан дарак бериб, бугунги кунда Президент Ислом Каримовнинг «Фояга қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»², –

¹ Каримов И. «Авесто» китобининг 2700 йиллигига багишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуюнинг очилишида сўзланган нутқ. «Фидокор» газетаси. 2001 йил, 3 ноябр.

² Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. 7-том. Т.: Ўзбекистон. 1999. – Б. 86.

деган фикрининг долзарблигини кўрсатувчи далил ҳисобланади. «Авесто»нинг яна бир жихати унда эзгулик йўлида зулматга қарши кураш олиб бориш кераклиги онг марказида ифодаланиши, жаҳон халқларининг тинчлик борасида бирлашиши ҳар қандай курашлар орқали бўлса ҳам зарурлиги ва инсоният онгида эзгуликнинг галаба қозониши мукаррар эканлиги тўғрисида онг тараққиётига таъсир қилувчи ишонч рухини ҳар қандай курашлар орқали бўлса ҳам уйғотишидир. Чунки бу ишонч рухи, ҳар қандай толерантликнинг илк ривожланиш босқичларидан ҳосил қилиниши керак. Бу ҳақда Президент Ислом Каримовнинг «...аввало – «Авесто»нинг туб маъномоҳиятини белгилаб берадиган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоклар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман»¹, – деганлари фикризининг далилидир.

Толерантлик нуқтаи назаридан карайдиган бўлсак, онг тараққиётида ахлоқнинг Зардуштийлик йўналишида ифодаланган асосий омиллари унда мавжуд бўлган «эзгу фикр» (онг-ғоя), «эзгу калом», «эзгу амал» каби уч унсурдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда зардуштийлик ёки бошқа динга эътиқод қилган ҳар бир онгли инсон бутун ҳаёти давомида ана шу учликни қалбига жо қилмоғи зарур, деган фикр келиб чиқади. Шундагина инсоннинг онги ва қалбida покиза рух ҳукмронлик килади. Толерантлик йўналишлари шаклланаб, инсон ҳис-туйғулари орқали инсонларга муносабат уйғонади. «Авесто»нингтадқиқотчиларидан бири А.О. Маковельскийнинг фикрича, «эзгу фикрлик» ниятнинг яхшилиги, илоҳий қонун руҳидаги, яқинларга нисбатан яхшилик қилиш, зарур бўлганда мадад беришга тайёрлик, кишилар баҳт-саодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик руҳидаги ўй-фикрлар, барчабилантинч-тотув яшашга интилиш ва шу кабилардир. Инсон бошқаларга нисбатан баҳиллик, ҳасад қилмаслиги лозим. Эзгу фикрлар эгаси жаҳолатга тушмайди, чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларидан маҳрум бўлади, бурч ва адолатни унутади, ўйламай иш қиласди². Демак, «Авесто» таълимотига кўра, яхши тушунча, яхши фикр (ғоя), эзгу ният, латиф сўз, яхши ишнинг бирлиги дейилганда, ёрдамга муҳтоҷларга меҳрибонлик, кишига

¹ Каримов И. «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишилаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилишида сўзланган нутк. «Фидокор» газетаси. 2001 йил, 3 ноябр.

² Маковельский А.О. Авесто. Баку, 1960. – С. 100.

иснод келтирадиган ишлардан воз кечиш, биревга ҳасад қилишдан, ўғрилик, талончилик, ўзгалар молини ўзлаштиришдан, зинога берилишдан, биревнинг дилини огритишдан, ҳайвонларни, айниқса, яхши, наслдор итларни ўлдиришдан ўзини тийиш ва ҳоказолар тушунилганлиги толерантликнинг ривожланишига асос бўлган.

Ҳар қандай жозибали ғоя, энг аввало, алоҳида бир шахс тафаккурида карор топади. Кейин юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, миллат ёки ижтимоий гурухларнинг жамият равнақи йўлидаги эзгу интилишларини ифода этгани туфайли умуминсоният мулкига айланади. Ана шу шахс ўзи яшаган ижтимоий муҳит талабларига жавоб тариқасида ўз таълимотларини ишлаб чиқади. Бу эса ўз даврининг мафкурасидир. Ҳар қандай ижтимоий-фалсафий таълимот ўзи яшаган ижтимоий муҳит талабларини, мақсадларини четга суреб, бирданига умуминсоний манфаатларнинг ифодаси бўлиб шаклана олмаслигини муайян ижтимоий муҳит талабларига жавоб тариқасида шаклланган қарашлар, назария ва таълимотлар бошқа ҳалқлар ва даврлар манфаатларига мос тушгандагина у умуминсоний характер касб этишини инсоният онг доираси кенгайиб, миллийлашиб боришида кўриш имкониятига эга бўлдик.

Энг асосийси, миллий тафаккуримизни ҳозирги замон талаблари асосида қайта шакллантириш зарурлиги Президент Ислом Каримов томонидан ва ҳаётий ўзгаришлар, даврлар тушунчалари асосида исбот қилиб берилиши, унинг мустақиллик йилларида амалиётда қўлланилиши кабиларнинг изохи ўзбек толерантлигининг асоси бўлиб тарихга кишини исботлашда, деб билишdir.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳалқларининг мақсад-интилишини, жамиятнинг келгуси равнақини таъминлаб берувчи миллий тафаккуримиз (онгимиз) такомиллашиб, сайқал топиб боргани сари тараққиётнинг ойдин, фаровон йўлини, жамиятнинг бош мақсадини ёрқин тасаввур қилишга имкон очилиб бораверади.

Бу эса ўзбек толерантлигининг ёрқин ифодаси сифатида даврдан-даврга ўтиб, мукаммаллашиб, ҳалқ ҳис-туйғулари ифодасига айланаб бораверади.

Марказий Осиё мутафаккирларининг онг тизимида миллий онгнинг шаклланишига йўналтирилган ғояларини, уларнинг тарихий, ижтимоий-фалсафий меросларини таҳлил қилиш асосида ҳар бир фуқародан миллий онгнинг фаоллик, аҳиллик, иноқлик,

бағрикенгликті шақллантириш мөхияти ва ўзига хос хүсусиятларини замонавий нұқтаи назаридан үрганиш зарурлығи тұғрисида хуласаларга келинди.

Бу масалаларни үрганиш қуйидаги йұналишларда амалға оширилады:

1. Толерантлик ва миллий онғга хос бұлған ғояларнинг амалий, фалсафий мөхиятини миллий гоя ва мағкура нұқтаи назаридан англаш.

2. Миллий онғда фаоллик ва толерантлик аңъаналарига содиқлик түйгүсіні шақллантириш.

3. Күпмиллатли мамлакатимизда ҳәёттій зарурат ҳисобланған миллатлараро, шахслараро, динлараро иноқлик, ахиллик, бирдамликни тәмминлаш.

4. Барқамол авлодни шақллантириш, миллий онғ тизимида толерантлик аңъаналарини, фуқаролар фаоллиги билан уларнинг онгларида ижобий ҳис-түйғуларни уйғунлаштириш орқали маънавий-миллий ранг-барангликті, дунёқарааш, мақсадға интилиш ва тараққиёттегі үзига хосликтарни табиий ҳол сифатида қабул қилиш, ҳар бир шахснинг яшаши, ижод қилиш, үзига манзур фикрларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини, демократик қадриятларга таянған ҳолда қадрлаш хислатлари асосида толерантлик рухиятини ривожлантириш зарурлигини тақозо қиласы.

МИЛЛИЙ ОНГ ВА ҮНДА ТОЛЕРАНТЛИК ШАҚЛЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Бугунғи кунда толерантликни ривожлантириш жарапнайдаги мавжуд муаммоларни ечиш ва амалиёттегі татбиқ қилиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Чунки жағонда терроризм ва экстремизм кучай-ётган ва уларға қарши кураш зарурияты ошиб бораёттан шароитда толерантликни үрганиш, уннинг ёвуз күчларга қарши курашдаги имкониятларини очиб беришга әхтийәт кучайиб бормоқда. Шу нұқтаи назардан толерантликнинг тарихий илдизларига эътибор қилинса, у турли халқларнинг үзаро маданий ва иқтисодий мұносабатларының ижобий таъсир үтказғанлығини күриш мүмкін. Жағон халқлары тарихий-маданий ривожланыш жарапнайды, турли маънавий ва моддий бойликларни яратып борған ҳолда цивилизациянинг үзига хос

асосларини яратдилар. Шундай қилиб, бундай цивилизациялашув турли-туман географик жойлашув тармоклари билан боғлиқ бўлган. Бу жараёнда табий шароит, ижтимоий-иктисодий мухит, хўжалик юритиш усуллари ва бошқаларнинг ўзига хослиги ҳисобга олина бошлиди. Марказий Осиё ўз даврида цивилизациянинг маркази бўлган. Унинг табий шароити қадимги одамларнинг географик жойлашуви, хаёт тарзи учун мувофиқ эди. Бу ерда тош давридан бошлаб мураккаб этник жараёнлар, маданиятлараро таъсир аста-секин кучайди. Нихоят, Марказий Осиё турли маданий-маънавий анъаналарнинг, урф-одат ва қадриятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиш марказига айланиб борди. Унинг географик жойлашув, сиёсий таъсиранчалик имкониятлари кўпгина халқлар харакатига, уларнинг жипслашувига таъсир қилувчи манбага айланиб, турли халқлар, элатлар аралашиб яшашига имкон туғдирди. Стратегик жиҳатдан қулагай имкониятларга эгалиги сабабли кўпгина босқинчилик юришларига бардош бериб келди. Ўз армияси (ўз даврига хос навкари, лашкари) ёки мудофаа тизимиға эга бўлмаган давлат ўзига хос толерантлик йўналишларига мос мустаҳкам давлат сифатида шаклланмаслиги тарихий манбалардан маълум. Бу хусусда Соҳибқирон Амир Темур қуйидагича сабоқ бериб, «Давлат – лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла кудратлидир»¹, дейди. Бу фикрлардан аён бўлиб турибдики, армиясиз, халқларнинг бир-бирларига садоқатисиз на давлатни, на толерантликни тасаввур қилиб бўлмайди.

Армиянинг куч-кудрати, согломлиги, енгилмаслиги аскарларнинг, халқнинг эътиқоди, бир-бирига муносабати, бир-бирига ўз вактида ёрдамга келиши каби толерантлик туйғулари билан боғлиқдир.

Демак, миллый армия миллат қўргони ва унинг кудрати ҳисобланади. Унда миллат руҳияти, маънавияти, авлодлар сабоги ўз ифодасини топади. Шу маънода ҳам миллый онга толерантликнинг мухим белгиларидан бири ватанпарварлик туйғулари мухим аҳамиятга эга бўлади.

Миллатни миллат сифатида характерловчи сифатлардан бири миллый тил ҳисобланади. Ўша миллатдан ташкил топган давлатнинг ўз она тили бўлмоғи лозим. Чунки ички ҳис-туйғуларнинг толерантлик йўналишлари айнан ана шу тил орқали ифодаланади. Буни ўзбек тилидаги иборалар мазмунида кўрамиз. Бу маълумотлар қадимги қўлёзма манбаларда, айнан «Авесто»да ўз ифодасини топ-

¹ Амир Темур ўғитлари. – Т.: «Наврӯз», 1992. – Б. 44.

ган. А.Саъдуллаев, О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаеваларнинг тадқиқотлариға¹ кўра, Ўрта Осиё худудида жез даврида кадимги Фарб ва Шарқ миллатлари типининг синтези бошланган. Айнан ана шу даврда яшаган турли элатлар халқлар этногенезининг асосини яратгандар. И.Жабборов таъкидлашича, шу даврда жуда мураккаб этномаданият жараёни бўлиб ўтган². Мураккаб ижтимоий-иктисодий ва маданий ўтроқлик жараёнида боғланишлар амалга ошиб борган. Ушбу алоқалар ривожланиши таъсирида аралаш тиллар мазмунида ҳам толерантликка хос анъаналар шаклланиб боради.

Маълум манбаларда таъкидланишича, милоддан аввалги VII–VI асрларда дәхқончилик билан шуғулланган сүғдлар, бактрлар ва хоразмликлар бирга яшаган ҳолда юқори даражадаги шаҳар маданиятини барпо этганлар. Тоғ-тош, даштдан иборат ҳудудларда яшаган сақлар чорвачилик билан шуғулланган ҳолда срли халқлар билан иктисодий-маданий муносабатга киришиб, ўзига хос маданиятни, тилни ривожлантирганлар. Натижада аста-секин кўп қиррали этник тиллараро бирлашмалар пайдо бўлиб, ўзига хос хис-туйгуларни ифодаловчи худудий толерантлик яратилган. Худудий толерантлик, яшаш учун кураш асосига курилган муносабатлар, кейинчалик бир-бирини тушуниш, ўша давр учун хос бўлган қийинчиликларга нисбатан этник тоқатлилик, ёрдамга келиш каби хусусиятлар табиий нормага айланди.

Йирик давлатларда турли йўналишдаги толерантлик жараёнилари шакллангани ҳолда, турли масалалар ўз ечимини топа бошлади. В.В.Фролова таъкидлашича, айнан шу жараёнлар давлат миқёсидаги масалага айланиб, диний бирлашмаларнинг мажбурий тарзда шаклланишига олиб келади³. Бу эса диний толерантликнинг ўзига хос йўналиши сифатида ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Лекин кўпгина халқлар ўзларининг этник маданиятига, урф-одатлари, кадриятларига хос хусусиятларини сақлаб қоладилар. Айнан ана шу хусусиятлар туфайли қитъалараро Ахамонийлар империяси ташкил топади. У уч китъя – Осиё, Африка ва Европа ҳудудларини ўз ичига

¹ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро толерантлик: тарих ва бугунги давр. – Т.: Университет. – Б. 52.

² Жабборов И. «Жаҳон халқлари этнографияси» ва «Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти». Т., «Ўқитувчি», 2003.

³ Фролова В.В. Толерантликнинг диний илдизлари. Социологик тадқиқотлар. 2004 й., №1. Б. 54–61.

олади. Тарихда ҳар қандай босқинчилек юришлари ерли халқларнинг қаршилигига қарамасдан, катта давлатлар шароитида бир қатор халқларнинг бир-бiri билан ўзаро бирлашиши натижасида ўзига хос қўшничилик, хайриҳоҳлик қўнималари ва ҳар қандай ҳаётий қийинчиликларга чидамлилик билан жавоб бериш хусусиятларини шакллантириб боради. Мўғул-татар босқинчилариға қарши курашда бу жараён маълум жиҳатдан диний муносабатларга ҳам кўчган. Аввалги даврларга эътибор қилинса, мисол сифатида Нажмиддин Кубронинг (ваф. 1221) ўз халқига, динига содиклигини келтириб ўтиш ўринлидир. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб бориши натижасида дин, диний фикрлар мазмуни ҳам ўзгариб, қадимги диний фалсафа шаклланади.

Жамият ривожланиб бориши натижасида Марказий Осиёнинг уйғониш даврларида диний билимларга интилиш кучайиб борди. Натижада уларнинг асосини дин ва диний толерантлик эгаллайди. Манбалар кўрсатишича, Мовароуннаҳрда христиан дини ҳам тарқалиб борган. Христиан жамиятлари ва черковлари Хоразм, Суғд, Самарқанд каби худудларда мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар сайёҳлар, географлар томонидан тасдиқланганлиги аниқ. Улар ҳақида Аҳмад ибн Фаллоннинг қўлёзма «Рисола»сида кўпгина маълумотлар келтирилади¹. «Рисола» этнографик маълумотларга бой бўлиб, унда ўғузлар, бошқирдлар, Волга ва Кама атрофларида истиқомат қилаётган халқлар – булғорлар, руслар, юглар, Каспий денгизи бўйларида яшаётган хазарлар турмуш тарзи ҳақида кўплаб маълумотлар берилади².

Воҳада турили миллат, халқ фикр-мулоҳазалари, айнан динга нисбатан хурмат анъаналари асрлар давомида тўпланди. Демак, худуд этник ва диний муносабатлар толерантлиги билан фарқ қилгани ҳолда, демократик шароитлар чукурлашиб боришига сабабчи бўлади. Ниҳоят, кўпмиллатли Ўзбекистонда халқларнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, бир-бирига хурмат-эҳтиром миллий онгга хос толерантлик хусусиятларини касб этиб боради. Бу ўзига хос йўналиш бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан

¹ Абдураҳманов М. Ибн Фаллоннинг Мешхед ёзувидаги толерантлик масалалари. Бағрикенглик – жамият баркарорлигининг асоси (илмий-амалий анжуман материяллари) Т.: 2003. – Б. 24.

² Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 82.

кейинги хаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Мустакиллик туфайли янгидан бошланган давлат қурилиши ўлкамизда нафақат умуминсоний қадриятлар ва сиёсий-хукукий таълимотлар, балки бой ўтмиш тажрибамиз асосида тўпланган ноёб ғоявий меросимизга суянган ҳолда амалга ошиб бораётганлигини кўрсатади. Бу илфор мамлакатларда кенг тарқалган ва амал қилинаётган давлатни бошқариш сиёсатини, қонунчилик ва хукуқшуносликни қабул қилишимиз билан бирга, тарих синовидан ўтган факат ўзбекларга хос миллий менталитет, ижобий тажриба, қонун-қоидалар ва тартиб-тузуклар, миллий маънавият ва маданият, ахлоқ, одоб ва одат, ўзини-ўзи бошқариш каби қадимий анъаналаримизни, қадриятларимизни ва урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиб, хаётга татбиқ этиш мақсадида миллий онгимизни, толерантлик каби ижобий сифатларимизни ривожлантириб бориш учун шарт-шароит яратилди. Тараққиёт, тажрибалар кўрсатишича, жамият ўзгариб борар экан, онг ҳам ўсиб, толерантлик йўналишидаги турли маънавий-маърифий фикр-мулоҳазалар ривожланиб, давлат миқёсида умуммиллат толерантлиги шаклланади. Жамиятни маънавий-маърифий янгилашдан кўзланган мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ эркинлиги ва фаровонлигига эришишдан иборат экан, толерантлик асосини ҳам комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний багрикенглик ташкил килиб, миллий ғоя, миллий мафкурага амал қилган ҳолда мустакилликни янада мустаҳкамлашга эришишдир.

Россияда нашр қилинган «Ижтимоий лугат» китобида толерантлик маъноси қуйидагича ифодаланади: а) ёт одамнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одати, хиссиёти, фикри, гояси, эътиқодига тоқат билан ёндашув; б) нокулай омилларни сезмай қолиш натижасида со-дир бўлған ҳодисаларга бағрикенглик билан ёндашув; в) нокулай, номақбул хиссий омиллар таъсирига ҳам чидам билан ёндашув. Бундан толерантлик – бу ёқмайдиган, ҳатто ёвуз деб хисеобланувчи нарса ва ҳодисаларга ҳам тоқат билан муносабатда бўлиш эмас, деган фикримизни тасдиқлаш зарурлиги келиб чиқди. Яъни, муносабатнинг бундай турига маърифатда: ҳар қандай таъқиблар ноҳак иш бўлса, демак, толерантлик муайян оқилона ва адолатли ишдир, деб қаралишини ҳаёт тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам динлараро муносабатлар тизимида толерантлик бир маъно касб этса, ғоявий

фронтда ўзгача маънони англатади. Мисол тариқасида динлараро бағрикенглик (толерантлик) тизимиға эътиборимизни қаратайлик. Динлараро бағрикенглик гояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб гоя ва нијатлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини кўрсатади. Дин қадим-қадимдан, тарихий даврлардан буён маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Шундай экан, миллий қадриятларнинг асрлар давомида яшаб келаётгани ҳам диннинг ҳар бир замонда, шу Ватанда яшаб, шу давр гоя ва нијатлари йўлида ҳамжиҳат бўлганигини тасдиқлади.

Демак, дунёда мавжуд динларнинг барчаси эзгулик гояларига асосланади, тинчлик, дўстлик каби фазилатларни тараним этади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват қиласди. Ҳозирги замонда бу гоя нафакат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади. Диний толерантлик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти экан, у миллий онгнинг асоси ҳисобланиб, ўзбек толерантлиги негизини ташкил этади.

Бирок баъзилар бу мазмун ва моҳиятдан йироқлашган ҳолда иш юритишга ҳаракат қилиб, ҳалқларнинг фаровон, тинч, ҳамжиҳатлиқда яшашларига тўсқинлик қилишга уринадилар. Улар миллий, диний одобимиғизга зид йўллар билан шон-шуҳрат орттириш, мансабпастлик, молпастлик, манфаатпастлик йўлига кириб кетадилар. Шулар асосида вазиятни тўғри англай олмайдиган айrim бўғинларни хийла-найранг йўлига киритишга уринадилар. Бу хусусда буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий шундай башорат қилган: «Кўпгина фиску фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисобласалар, ҳолбуки пировардида унинг нотўғри эканлиги равshan бўлади»¹. Чиндан ҳам Тошкент, Андижон воқеалари ва уларга етакчилик қилган нокасларнинг тутган йўли адолат ва ҳақиқатдан йироқ экани ҳалқка равshan бўлди. Шунинг учун ҳам ҳалқ уларга эргашмади.

Ҳаётда рўй берадиган айrim салбий ҳолатлар, ножуя хатти-харакатлар, Президент Ислом Каримов кўрсатганлари каби, «мафкуравий бўшлиқ» сабабидандир. «Нега деганда, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-корани таниб улгурмаган ёшлар ҳар турли таъсир-

¹ Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. (Убайдулла Уватов таржимаси.) Т.: 1997.

ларга берилувчан бўлади»¹. Юртбошимиз бунга мисол тариқасида баъзи ёшларни йўлдан чалғитаётган диний экстремизм хавфининг сабабини келтирадилар. «Бу хатарли оқим ўзига хос тарихга эга. Хусусан, 80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини «дўст», «диндош», «миллатдош» қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг соғлиги учун курашга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келди. Улар муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бизга бегона бўлган диний ақидаларни ёйишга уринди»². Албатта, бу ҳаракатларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Улар дин никоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилар тўдасидан экани ошкор бўлди.

Толерантликнинг маънавий ва маърифий асосларига эътибор қиласидаган бўлсақ, Президент Ислом Каримов келтирган жиҳатларга эътиборимизни қаратайлик: «... одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзгатиб юбориш осонроқ»³.

Бу ерда толерантликнинг антоними ўз ифодасини топиб, наркобизнес, ноқонуний қурол-ярог савдоси, террорчилик сингари таҳдидлар шулар жумласидан⁴ эканлиги маълум бўлади. Дунёда бир қараашда беозор, сиёсатдан холи бўлиб туюладиган мафкуравий таъсир воситалари уларга етарлича эътибор берилавермаслиги натижасида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. «Масалан, кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган жангарилик фильмларини олайлик. Бу фильмларни кўпчилик, айниқса ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил»⁵. Шунинг учун онги шаклланиб улгурмаган баъзи бир томошабинлар бундай фильмлардан ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликни ўрганишлари натижасида уларнинг дийдаси қотади,

¹ Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 10.

² Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 85.

³ Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 10.

⁴ Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 9–10.

⁵ Ўша жойда.

қалбидан бағрикенгликтининг зидди сифатида тошбагирлик иллатлари жой олади. Бундай ҳолатларга хавас ёшларда ўзлари ҳам сезмасдан кўр-кўрона тақлид қилиш истаги асосида пайдо бўлади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган ишлари қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етишмайди. Бундай ҳолларда ёшлар онгида толерантликнинг номақбул омилларини сезмай қолиш натижасида содир этилган, бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларга бағрикенглик билан ёндашишга ўргатиш асосий вазифа ҳисобланади. Бунда таъсир чоралари: тушунтириш, огохлантириш, эслатиш, даъват этиш, ҳиссий таъсирлардан фойдаланиш кабилар катта аҳамият қасб этади.

Бу жараёнда инсонлар, халқлар ва жамиятлар ҳаётида танланган гоявий йўналиш, миллий мафкура муҳим аҳамият қасб этмоқда. Ҳар қандай мафкура, онг тизими сифатида қуидаги асосий мақсадлар амалга оширила олса, улар толерантликни шакллантирувчи ўзига хос кучга айланади:

- муайянояга ишонтириш;
- уюштириш;
- сафарбар этиш;
- маънавий-рухий рағбатлантириш;
- гоявий-сиёсий тарбиялаш;
- ҳаракат дастурига эга бўлиш;
- гоявий-сиёсий иммунитетни шакллантириш.

Аслида, улар «миллий истиқлол гояси» фанида кўрсатилганидек, мафкуранинг кучи ва кудратини белгилаб беради. Миллий мафкуранинг миллий онг билан уйғунлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни онга толерантликни ривожлантиришга йўналтириш амалий аҳамиятга эга бўлади.

Мафкуравий йўналишлар ўз олдига қўйган мақсадларни бажара олсагина амалий самарага эришиш мумкин. Толерантликка монанд муносабат юзага келсагина, уларни амалга оширишда учраб турадиган баъзи салбий ҳолатларнинг ечими топилади ва жамиятда ижтимоий ва сиёсий муносабатлар: демократия, барқарорлик ва фаровон ҳаёт юзага келади. Натижада ижтимоий-маданий ва сиёсий хилмачилликка нисбатан, индивидуал ижтимоий муносабат шаклига, ўзгача фикрлаш, эътиқод ва юриш-туриш услугига сабр-тоқатлилик сифатидаги толерантликнинг мазмун-моҳияти, маданиятлилик, сиёсий етуклик каби фазилатлар ривожланиб боради.

Демак, бошқа кишиларга нисбатан толерант бўлиш қачонки у бизнинг эркинлигимизга хавф туғдирмаса ва ўзимизга муносабат ҳам толерантлик руҳида бўлишини истасаккина яхши бўлиб, фаровон, тинч ҳаётга йўналтириб боради. Чунки шахсий хусусиятларимиз табиий ва ижтимоий кўнкималаримизга нисбатан тоқатсизликка чидамайди. Масалан, толерантлик ҳар жиҳатдан ўринли, деб қарасак ҳам, жамоат жойида тартиб бузәётган безори, турли заарлар инфекциялар келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларга тоқат қилиш қийин. Шу билан бирга, толерантлик муросага келиш ва можароларни ҳал қилишнинг муҳим шарти ҳамdir. Шунинг учун учраб турадиган баъзи бир салбий ҳолатларга чидам билан қарашиб, уларнинг ечимини аста-секин топиш усулини ахтариш керак.

Толерантликнинг табиати маънавий бурч, сиёсий ва ҳуқукий эҳтиёждан келиб чиқиб, инсоннинг индивидуаллигини намоён этишининг хилма-хил усусларини англатади. Бу ён бериш ёки хушомад эмас, балки инсоннинг универсал ҳуқуклари ва асосий эркинлиklärини тан олиш негизида шаклланган фаол муносабат, бир-бирини тушуниш, юксак маданият ва ахлоқлилик ҳисобланади. Бунга жуда кўп ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Улар орқали толерантликни намоён қилиш ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқат билан муносабатда бўлишни, ўз эътиқодидан воз кечиб, бошқалар эътиқодига ён беришни англатмайди, балки толерантлик ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлиб, бошқаларнинг ҳам бу ҳуқуқка эгалигини, ҳар бир одам ўз алоҳидалигини сақлаб қолишига ҳақлилигини ва бир кишининг қараашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмаслигини тан олади.

Толерантлик – бу хилма-хиллик, ўзгача фазилат ҳамда хусусиятларни бир бутун борлиқнинг ажралмас, муҳим қисми сифатида англашадир. Яъни турлича фикр-мулоҳазалар, фазилат эгалари бўлган инсонларнинг борлиқни бир бутун онг орқали англаган ҳолда яхлит қарорга келишидир. Бу эса миллий онг миллий толерантликка айланиб боришининг ифодасидир. Бунинг учун сабрли, чидамли, қаноатли, умидли, тоқатли бўлиш зарур. Чунки сабрсизлик – бу ижтимоий ҳаёт ҳақиқатини назар-писанд қилмаслик, умумий йулдан адашиш, демакдир.

Воқеликка тизимли ёндашув концепциясидан келиб чиқиб, толерантликнинг ижтимоий-сиёсий намоён бўлиш хусусиятларини қўйидагича таснифлаш мақсад мувофиқ. Бу масалага биздан олдин

ҳам маълум жиҳатдан ёндашилган ҳамда толерантлик тубандаги шаклларга ажратилган¹:

- Миллатлараро толерантлик;
- фуқаролараро толерантлик;
- давлатлараро толерантлик;
- аҳолиаро толерантлик;
- маданиятлараро толерантлик;
- партиялараро толерантлик;
- қадриятлараро толерантлик;
- конфесиялар (диний конфесиялар)аро толерантлик;
- ҳудудлараро толерантлик;
- уруғ-қабилалараро толерантлик;
- жамоалаараро толерантлик.

Толерантлик муаммосининг бир қатор тадқиқотчилари² фикрларига нисбатан ўз изланишларимиз ва тажрибамиз нуқтаи назаридан толерантлик шаклларининг фақат ифодасига эътибор килиб қолмасдан, уларнинг мазмун-моҳиятини куйидагича изохладик. Миллатлараро толерантлик деганда муносабатлараро хусусиятлар тушунилади. Бунда, биринчидан, ҳар бир миллатнинг бир-бирига нисбатан ижтимоий муносабатларига таъсири, иккинчи томондан эса, ана шу муносабатларнинг бутун бир давлат равнақига таъсири назарда тутилади. Бошқача айтганда, миллатлараро муносабатларнинг ижтимоийлашуви, жамият равнақига миллий мустақилликни янада мустаҳкамлашга таъсири асосида миллатларнинг ўзаро интеграллашуви, фикрлар ўзгариши ётади, деб ҳисобланиб, бу ижтимоий ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг трансформацияси даврида катта аҳамият касб этади. Ўзбек миллатидан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам Ватан мустақиллигида ўзларининг ижтимоий мақомларига эга бўладилар.

Миллатлараро толерантлик ҳар бир миллат намояндаларининг ижтимоий тузилмага интеграциялашуви жараёнида ўзбек миллатининг қадриятлари ва устувор қарашларига асосан ўз қадриятлари, урғ-одатлари каби толерантлик хусусиятларини устуворлаштиради ҳамда миллатлараро жисплашиш натижасида толерантликка хос

¹ Каримова Э. Ўзбек толерантлигининг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: 2006.

² Ўша жойда; Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж. ва бошқалар. Ёшлар ижтимоий фоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т.: 2006. – Б. 22–23.

бағрикенглик каби фазилатлар шаклланиб боради. Бу жараёнда барча толерантлик йұналишларининг асоси ҳисобланған инсонлар муносабатларни үйғунлаштирувчи субъект эканлиги ҳисобга олинади. Фикримизча, бозор муносабатларыга үтиш ва бундай шароитда яшаётган халқларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, юқоридагиларга құшимча қилиб мулкий толерантликни ҳам киритиш мумкин. Чунки бозор муносабатлари мулкка эга бўлишда ҳар бир инсоннинг қобилияти ва тадбиркорлигига боғлик бўлади. Бундай қобилият ва тадбиркорлик ҳаммада ҳам бўлавермайди. Бу ўз навбатида мулкий тенгсизликни келтириб чикаради. Бу жамиятда маълум бекарорликнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Агар инсонлар онгига мулкий толерантлик руҳияти шаклланса, бекарорликнинг олдини олиш мумкин бўлади. Миллатлараро толерантлик каби барча йұналишлардаги толерантлик муносабатларида бир-биридан ажратиб бўлмайдиган икки турдаги ижтимоий ва шахслараро муносабатлар мавжуддир. Биринчисининг мазмуни аниқ шахслар муносабатигина бўлиб қолмасдан, балки унда ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳам фикр юритилади. Яъни ҳар бир шахснинг аниқ белгиланған ва тасдиқланған хатти-ҳаракатларида, улардан жамият томонидан кутилаётган умуминсоний ҳаракатлар ҳам назарда тутилади. Демак, буларнинг манбай (субъекти) фактат шахс эмас, балки жамият ҳисобланади. Лекин инсоннинг ижтимоий ўрни табиат белгилаган аниқ хатти-ҳаракатлар эмас, бу жараёнда шахс ўз ўрнини қандай тушунғанлиги, уни қандай усулсяда амалга ошириши ҳам муҳим. Яъни ўзбекона оталик вазифасини ёки бошқа касб эгалари (ўқитувчи, мухандис) вазифаларини бажарувчилар, шунингдек, жамиятда зид хатти-ҳаракат содир этган баъзи бир кимсалар (жиноятчи, нокас сингари тамғага эга бўлганларга), ўз хулқ-атворларига яраша жамият таъсирига учраётганлар ҳам маълум даражада ўзаро муносабатлар билан боғлиқлиги сезилади. Жамият ичидагидан шу каби ҳар қандай ижобий ва салбий муносабатларда шахслараро тушуниш, тан олиш каби муносабатлар юзага келади. Натижада жамиятга маълум бўлган, аниқ ифодаланувчи тамға ёки ижобий, салбий сифатга эга лақаблар (яхши ёхуд ёмон фикрлар): «гирт ахмок», «ландавур», «йигит деган шунақа бўлади», «мактаса арзиди», «мана буни инсон (йигит) деса бўлади» каби умумлаштирувчи, шахс фазилатларини аниқ ифодаловчи муносабатлар келиб чиқади.

Шахслараро муносабатнинг ижтимоий муносабатдан фарқи уларнинг ҳис-ҳаяжон билан бөгликлигида. Бу ҳолат кишиларнинг бир-бirlари билан конъюктив бирлашувига олиб келгани ҳолда, уларнинг ҳар бири биронта ижтимоий фаолиятда ўзини кўрсатиши орқали бир-бири билан яқинлашуви ва, буларга зид ўлароқ, дизъюктив, бир-биридан узоклашиши жараёнлари содир бўлади. Айнан ана шу жараёнларда толерантликнинг шахслараро бир-бирига хоҳиш, истак, ҳурмат каби ижобий ҳамда баъзи бирларини ёқтираслиқ, салбий муносабат каби хусусиятлари пайдо бўлади. Жамият ҳар бир аъзосининг ўзига хос фикрлаши, нуқтаи назари, бир-бирига муносабати, уларда ижобий ёки салбий ҳис-ҳаяжоннинг пайдо бўлиши кабиларни ҳисобга олиш ва уларга қандай ёндашиш кераклиги юқорида келтириб ўтилган барча толерантлик шаклларида ўз ифодасини топади. Бу ҳолат инсонларни бир-бirlарига яқинлаштирган ёки узоклаштирган ҳолда, жамият тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бундай муносабат масаласи, шахслараро, миллатлараро толерантлик маъносида тасдиқланганидан кейингина давлатлараро толерантлик кабиларга эътибор қилиб, унинг мазмун-моҳияти асосида таҳлил қилиш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Демак, толерантликнинг ҳар қандай (аҳоли ёки қатламлараро, элатлараро, маданиятлараро, урф-одатлар каби шаклларида қадриятлар, анъаналараро муносабатлар механизмилари (ҳаракатга келтирувчи кучлари, омиллари), қонуниятларига эътибор бермоқ керак. Масалан, толерантликнинг партиялараро ёки конфессиялараро каби шаклларида муносабат ва фаолият бирлиги назарда тутилиб, уларни ўзаро муносабатларида ижтимоий жиҳатдан янги йўл-йўрикларни, йўналишларни очиб бериш мумкин бўлади. Буларга барча ишлаб чиқариш, ижтимоий ташкилотларнинг ва фермер хўжаликлари кабиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам кириб, улар орқали бутун давлат, жамият фаолиятини ташкил қилиш ва бойитиш кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан хulosа қиласа эканмиз, куйидагиларни таъкидлашни истардик: толерантлик бу хилма-хил ижобий сифатларнинг уйғунлиги маъносида жаҳон маданиятининг, урф-одатларнинг, қадриятларнинг хилма-хиллиги бўлишидан қатъи назар, ўзликни намоён қилиш шакллари ва инсоний фазилатларнинг ўзбек халки маданияти, урф-одатлари, қадриятларида ифодаланиши ҳамда уларни ҳурматлаш ва қабул қилиш орқали янгидан-янги маданият тармоқларини, урф-одатларни, қадриятларни шакллантиришдир.

Айнан ана шу қоидага асосан толерантлик миллый онгимизда: а) маънавий; б) диний; в) иктисодий; г) сиёсий; д) худудий; е) халқларнинг объектив шароитларда аралашиб яшаши асосида Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиши каби йўналишларга бўлинib кетади.

Толерантлик тушунчасини кенгайтирадиган бўлсак, у сабртоқатлилик; ўз манфаатини халқ, Ватан манфаатларидан устун қўймаслик; бошқалар урф-одатларига тоқат қилиш, андишалик; ўзга миллат вакиллари билан тенглик, ҳамкорликда яшаши; инсофлиник, адолатлилик, меҳрибонлик, матонат, андиша, ҳурмат, фаросат; жамоатчилик фикрига онгли ёндашув; қўни-қўшничилик; кариндош-уругчилик; миллый қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар; ўзаро боғликлек ва келишув; давлатлараро, миллатлараро, шаҳарлараро муносабатлар; давлат томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоидалар, қарорлар ва рамзларни ҳурмат қилиш; меҳр-оқибатлилик, олижаноблик каби ўзбекона хислатлар мажмуи дейиш тўгри бўлади.

МИЛЛИЙ ОНГДА МУРОСА ТАМОЙИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ТОЛЕРАНТЛИККА АЙЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Муроса қилиш деганда, мураккаб муаммони ҳал қилиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда манфаатдор томонларнинг ўзаро келишуви, бир-бирларига ён беришлари назарда тутилади. Манбаларда таъкидланишича, илмий билим тавсифига кўра, ақлий билишни ҳиссий билишга, интеллектни (ақлини) ҳиссий тажрибага қарши қўйиш мантиқан тўгри эмас¹. Худди шундай муроса қилиш-қилмасликни ҳам инсоннинг ҳиссий таъсирисиз, ҳаёт тажрибасиз таҳлил қилиб бўлмайди. Инсон ақли учун ҳаётий тажриба натижалари, эгаллаган билими ва фаросати керак. Ақлсиз, фаросатсиз кишилар ҳар қандай масалада ҳам муросага келишлари мумкин. Баъзи бир психологлар (инглиз файласуфи К.Поппер, Д.Юм кабилар) унумли фаолият манбаи ақлга мурожаат қилиш орқали кўплаб муаммони ҳал қилишга ҳаракат килувчи позиция (йўналиш)ни тутгандлари каби² муроса сўзини ҳам барча йўналишларда дунёни тушуниш, ўзлаштириш, инсонлар ҳаёти учун хавфли ҳодиса ва фикр-мулоҳазалар, хатти-харакатларга муросасиз бўлиш маъносида таҳлил қила билиш керак.

¹ Фалсафа асослари. Т., Ўзбекистон. – Б. 243.

² Фалсафа асослари. Т., Ўзбекистон. – Б. 244–245.

Бундай мутафаккирларнинг фикрлари толерантлик мазмун ва моҳиятини турли миллатлар, динлар, сиёсий йўналишлари стратегик чегарасига кўра онгли муросага келишининг методологик йўналишига қаратилган бўлиб, барча халқларнинг толерантликка доир муаммоларини тарихий-фалсафий жиҳатдан ечишга багишланган. Толерантликни йўқ деб хисоблашдан чўчиган Беруний «Геодезия» асарида унинг асосида муросага келиш ётишини таъкидлаб, «...ҳар ким, фанатизмдан онгни йўқотишгача бўлган даврда, бугун динсизликка шундай муносабатда бўлмоқдаки, бунда кимнинг номи «Син» билан тугалланганигини эътиборга олмокда»¹. Бунда Беруний юонон исмларини назарда тутади. Илм-фанга, фалсафага бундай ёндашишни Беруний қаттиқ танқид қиласди ва коралайди. Бунинг учун илмий-назарий тафаккур, энг аввало, тушунчавий фаолият зарур бўлиб, ҳаётда оламни билиш инсонларнинг бир-бирлари билан муросага киришишида ифодаланади.

Бошқа миллат вакилларининг муросага келиши бир-бирларига нисбатан бўлган ҳоҳиш-истак сифатида ифодаланувчи фаолиятдир. Ҳоҳиш-истак толерантлик асосида ёндашиш бўлиб, Беруний асарларида ўз ифодасини топган. У Шарқ олимлари орасида ҳинд фалсафасига тўғри ёндашган, уларнинг кўпгина фикрлари билан муроса қилган дастлабки олим хисобланади. Шу билан бирга у муросага киришиш тамойилига тарихий-фалсафий манбалар асосида ёндашганлигини, улардан унумли фойдаланганигини таъкидлайди. Беруний, шунингдек, ҳинд тарихий-фалсафий фикрларини ўрганишда диний сабабларга кўра танқид юритмаганлигини, улар билан келишиб, муроса қилганлигини қайд этади. «Ҳиндларнинг шундай ишончлари мавжуд экан, у улар учун яхши назарда бўлиб тушунарлидир»². Бу фикр ҳиндларнинг дин – факат уларнинг дини, фан факат уларда мавжуд, деган эътиқоди билан муроса қилганларнинг танқиди бўлиб, улар фикр-мулоҳазалари билан муросага кела олмаслигини ифодалайди. Олим тоқатсизлик, бир-бирига, бошқа халқ ва давлатларга зуғум ўтказиш холатларини қаттиқ қоралаган ҳолда, Хоразмда араблар истилоси давридаги ҳодисаларни, Махмуд Фазнавийнинг Ҳиндистонга ҳарбий юришларидаги зуғумларни муроса қилиш би-

¹ Абу Раҳон Беруний. Геодезия. Танланган асарлар тўплами. I том. М., 1966. – Б. 67.

² Абу Раҳон Беруний. Тарихул ҳинд (Ҳиндистон тарихи). Танланган асарлар тўплами. I том. И. 1966. – Б. 87.

лан ҳам енгиш мумкинлигини мисол сифатида кўрсатиб, ҳалқлар орасидаги муросасозликни улуғлайди. Бундай ҳолатлар илм-фан, фалсафий билимлар ривожланишига ҳам катта имконият яратиши, аксинча, муросага келинмаса кўпгина зиддиятлар келиб чиқиши ва кўпгина йўқотишларга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Демак, нафақат Беруний, балки барча миллат мутафаккирлари диний мотивларга асосланган зулм ва зиддиятларга қарши чиққанлар. Бу билан улар барча миллатлар, ҳалқлар, инсонларнинг онги, миллийлиги умумий тарзда юзага келишини таъкидлаб, миллатларни миллий ва диний жиҳатдан чегаралашига қарши чиққанлари ҳолда, муросага келмаслик ҳалқларнинг тинч-тотув яшаашларини қарор топтиришга халақит беришини қайд этадилар. Бу жараён, яъни муросага келмаслик ижтимоий гурухлар, якка шахслар орасидаги муносабатларнинг ҳам бузилишига олиб келишини кўрсатадилар.

Айнан Беруний, ер бу менинг ерим, инсонлар фақат ўз ҳалқининг вакили, подшоҳлар фақат уларнинг бошқарувчиси, дин фақат уларнинг дини, илм-фан фақат уларда мавжуд нарса, деб қаровчиларни қаттиқ танқид қиласди. Ўзларининг изланишларида бу фикрлар билан муроса кила олмаслигини таъкидлаб, «инсонлар қандай динга ишонмасинлар, Худо олдида барча тенгdir, деган хulosадан иборатdir»,— деган фикрни илгари суради. Ана шундай фикр-мулоҳазалар асосида инсоннинг жамиятдаги ўрни ва функцияси аниқланади. Булар жамият билан биргаликдаги фаолият заруратидан келиб чиқади, деган фикр таъкидланади. Мутафаккирларнинг фикрларига кўра, ҳар бир шахс бошиқаларнинг моддий ва маънавий етуклиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим. Шундай килиб, уларнинг жамият ва инсонга қарашлари инсонпарварлик, жамиятда содир бўлаётган ҳар бир жараёнга онгли ёндашиш, маънавий-мафкуравий факторларнинг (таъсир килувчи омилларнинг) инсон ҳаётидаги ўрни каби масалалари инсонлар, миллатлар орасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилганлигини кўрсатади. Шуларнинг негизида Ўзбекистонда XX асрга келиб толерантлик асосида кўпмиллатлилик гояси, уларнинг бир-бирлари билан муросада яшаашлари шаклланди. Туркистон ўлкасида даврлар давомида содир бўлаётган тарихий ўзгаришлар, ҳалқлар ҳаёти ва мазмунига киритилган ўзига хос тузатишлар уларнинг этник ҳаётида бурилиш ясади. Натижада ҳалқлар, динлар, шахслараро муросани қарор топтириш жараёни кенгайиб боради ва муроса килиш ҳаётнинг асосий тамойилига айланади.

Ўзбекистонда миллатларо муносабатлар, муросага киришишда толерантлик асос бўлганлиги тасдиқланади¹. Ўзбекистон Республикаси 1991 йилдан мустақил давлат, майдони 448,9 минг кв.км, аҳолиси 2135,9 минг киши, таркибига Қорақалпоғистон Республикаси киради. Республиkanинг ҳозирги худудида ... йилда 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1927 йилда уларнинг сони 90 тага, 1959 йилда 113 тага, 1979 йилда 123 тага етди. Ҳозир 136 миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатлиқда, бир-бирлари билан барча масалаларни ҳал килишда муросада, тинч-тотув яшаб келишмоқда. 2005 йил 1 январига Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар 20804,0 минг (80%), қорақалпоқлар 562,8 минг (2,2%), тожиклар 1302,8 минг (5%), руслар 970,0 минг (3,8%), қозоқлар 939,5 минг (3,6%), татарлар 250,6 минг (0,9%), қирғизлар 245 минг (0,9%), туркманлар 157,8 минг (0,6%) корейслар 155,9 минг (0,6%) кишини, бошқа миллат вакиллари 621,9 минг (2,4%) кишини ташкил этади². Толерантлик, муросага келиш тамойилининг мазмун-моҳияти кенгайиб, бугунги кунга келиб 136 миллатга оид 26 млн дан зиёд аҳоли фарзандлари 7 тилда таълим олиб бориладиган муассасаларда ўқимоқдалар. Улар 15 та миллий марказга бирлашиб, Республика байналмила маданият маркази 2007 йил январь ойида ўзининг 16 йиллик байрамини ўтказгани миллий толерантлик, бир-бирлари билан муросада яшаш негизи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганига далиллар. Бу эса Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Миллий муносабатлар негизини миллий ўзликни англаш; миллий маданият – миллат белгиси эканлиги; миллий ўзликни англаш тузилмаси ва қисмларининг ўзаро муросасавий муносабатлари, миллат миллий ўзликни англаш ва маданият ижодкори эканлиги тушунчаси, миллий мустақилликка эришишнинг асосини билиш, ўзбек ёшларида миллий ўзликни англаш омилларининг ўсиш жараёни қонуниятлари ва шу қонуниятларни ҳаракатга келтирувчи механизmlарни (омилларни) билиш ташкил қиласи. Муросага келиш ва муносабат жараёнида ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи ва маданиятини хисобга олган ҳолда аҳоли жойлашиши, уй-жой қурилиши ва жихозланиши анъаналари, миллий либос ва безаклар, пардоз-андозлар, ўзбек таомлари, пазандачилик ва меҳмоннавозлик каби ўзбеклар моддий маданияти

¹ Зухриddин Ҳусниiddинов. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: Тошкент Ислом Университети, 2006. – Б. 146.

² Ўша жода. – Б. 147.

хусусиятлари, уларнинг ижтимоий ва оиласвий-маиший турмуш тарзига хос халқ байрамлари, ўйин ва маросимлари, диний тасаввурлар, урф-одатлар, ўзбек миллий маданияти ва маънавияти, халқ театри ва миллий рақслар, анъанавий ўзбек хунармандчилиги кабилар асосида бозор иқтисоди каби масалаларга эътибор қаратилиб, ўзбекларга хос бўлган муросага келиш жараёнида инсонлар онг тизимидағи хоҳишистаклар нафақат нутқ, балки рамзий белгилар орқали ҳам ифодаланиши халқлар орасидаги муроса нишоналаридир. Масалан, бир-бирлари билан учрашганда кўлини кўксига қўйиб саломлашиш, ҳол-аҳвол сўрашиш, фарзандлар соғлиғи кабиларни суриштиргач, муддаога ўтиш ёки бирон хатти-харакатларга нисбатан муросасизлик ёхуд миллий муносабатларнинг ифодаланиши ҳам толерантликнинг дебочаси ҳисобланади. Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари айнан ана шундай кундалик эҳтиёжлар асосида бажариладиган муносабатлар орқали ўзбекона урф-одатлар, қадриятларга эътибор килган ҳолда, давлат тили сифатида ўзбек тилини мукаммал ўрганмоқдалар. Яъни барча миллат вакиллари ўзбек миллатига хос миллий муносабатлар орқали ўзбек тили ва миллий урф-одатларини ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларни ўз ҳаёт тарзига айлантириб, тили ва миллий урф-одатларини ривожлантириш имкониятига эгадирлар. Толерантликнинг бундай гоявий негизлари шаклланиши ва ривожланиши учун Ўзбекистонда барча имкониятлар мавжуд. Масалан, умумий ва ўргта маҳсус таълим муассасалари, олий ўқув юртларида турли хорижий тилларни мукаммал ўрганиш билан бирга ҳар бир миллат вакили ўз она тилини мукаммал эгаллаш имкониятига ҳам эгадир. Турли миллат ва элатлар тилида газета ва журналлар чоп килиниши, уларнинг вакиллари бўлган ёзувчи ва шоирлар асарлари-нинг ўзбек тилига таржима қилиниши кабилар Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар яхшиланишига олиб келиши учун қилинган саъй-ҳаракатлар ҳисобланади. Худди шундай йўналишлардаги илғор фикрлар миллий толерантликнинг гоявий негизларидир. Бу масалалар асосида халқлараро, миллатлараро муносабатлардан ташқари Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг ўзаро муносабат ва муросага, мулоқотга киришиш қобилияти ҳам ётади. Бу эса ҳақиқатга эришиш йўли сифатида оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимо ўзгариб боришидаги ўзаро алокадорлик бўлиб, унинг жамиятни ривожланишга олиб келиши муносабат, муросага кела билиш натижасидир.

Биз миллый муносабатларда толерантлик шаклланишининг гоявий негизларини топиша ҳар бир инсон учун, биринчи навбатда, «толерантлик», «муносабат», «муносабатга киришиш», «миллый муносабат», «муроса» зарурлигини таъкидлашгаша ҳаракат қилдик. Яъни «муносабатга кириша оламан», – деганимиз бу ҳар ким билан тұғри муносабатда бўла оламан, миллый муносабатлар қонун-коидаси, талабларига жавоб бера оламан дегани бўлиши мумкин. Лекин ҳар ким учун типик бўлиб қолган бундай жавобга бироз катта кетиш, ўзига юқори баҳо бериш, деб қарашимиз ҳам мумкин бўлиб, бундай «миллый муносабат»нинг ўзи нимадан иборат эканлигини тушуниб олган тақдирдагина ўзбек миллатига хос бўлган толерантлик гояларининг негизини топиш мумкин ва кишилар улардан ўринли ҳамда унумли фойдаланган ҳолда, бир-бирларига миллый муносабат, муросанинг мазмун-моҳиятини, ифодасини сингдириб, ўзбекона толерантлик гояларини шакллантириб борадилар. Демак, миллый муносабатлар, муросалар мазмун ва моҳияти жиҳатидан ҳар бир даврга хос тарзда фарқ қилиши кабиларни назарда тутган ҳолда тарихий даврлардаги миллий сиёсат ва шунга асосан инсонлар орасида ҳамда ва миллатлараро амалга оширилаётган назарий ва амалий жараёнларга эътибор қарагиш лозимлиги келгуси даврлар давомида миллый муносабатларда толерантлик шаклланишининг гоявий негизларини очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Марказ иттифоқдош республикалар ва миллый чекка үлкаларда ўз эътиқодига кўра илғор ва ўз халқига садоқатли бўлган кишиларни «миллыйлик»да айблаб, катағон қилганди. У мажбур «байналмиллаштириш», миллый хусусиятларни йўқ қилиш ниятида ва ўзининг империяча манфаатларига мос тушувчи «кўпмиллатли» бирликнинг вужудга келиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган эди. «Халқлар ва миллатларни яқинлаштириш»дан иборат бундай сунъий жараён жамиятдаги «миллатчилик» деб аташ расм бўлган яширин ва ошкор қаршилик кўрсатиш ҳолларига олиб келган эди»¹.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси миллый муносабатларда толерантлик эмас, балки сунъий муносабатлар илдиз отишига олиб келар эди, уларнинг барчаси совет тузумининг «ягона маданият» барпо этиш никоби остида империя ахолисини руслаштириш сиёсатининг бир

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 472.

кўриниши эди. Аслида совет давлатларида миллатлараро муносабатлар ҳал этилган эмас, «балки қарама-қаршиликлар янада кучайиб кетаётган» эди¹. «Шаклан миллий, мазмунан ижтимоийлашган маданият» шиори шундай баразли мақсадлардан бири эди. Ушбу шиорнинг ҳаётга татбиқ этилиши қуйидаги натижаларга олиб келди:

Республикалардаги бутун маориф, маданият, адабиёт, фан, санъат устидан хукмронликни марказ ўз қўлига олди.

Республика миллий маданиятининг барча жабҳаларида ягона «партияйвийлик», «синфийлик» қолипи ўрнатилди.

Бу шиор марказида байналмилаллик гояси турар эди. У эса республикалар аҳолисини коммунистик мағкура воситасида қизил империяга содик фуқаролар қилиб тарбиялашга қаратилганди.

«Шаклан миллий, мазмунан ижтимоийлашган маданият» шиори советларнинг маданий сиёсатдаги никоби бўлиб, унинг воситасида Farb маданияти, анъаналари мамлакатимиз ҳалклари ҳаётига сунъий равишда тиқиширилган эди.

Бу шиорнинг мақсади миллатни улуг, фахрли ўтмишидан ажратиб ташлаш, маданиятидан, қадриятларидан, тарихидан бегоналаштириш, узоклаштириш эди.

«Шаклан миллий, мазмунан ижтимоийлашган маданият» шиорнинг «хизмат»лари туфайли Ўзбекистоннинг маданияти, адабиёти, санъати, ижтимоий-гуманитар фанлари коммунистик мағкуранинг куляй воситасига айлантирилди, унга хизмат қилди. Натижада миллий масалага ёндашувда иккιёкламалик хусусияти кўзга ташланади: биринчи ёндашув мустамлакачилик тазикидан озод бўлишга харакат қилаётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси ҳалкларига қаратилган бўлса, иккинчиси иттифоқ ичидаги тизимдан кутулишга харакат қилган ҳалкларга қаратилган эди.

Бу даврларда миллийликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курараш, этник ўзига хосликларни инкор этиш, уларни колок деб билиш турли шаклларда ва изчил давом эттирилди. Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиб, миллатнинг мавжудлиги ва ривожланишида тилнинг ўрни бекиёсdir. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, миллий тил – миллатнинг бойлиги, айни вақтда шу миллатнинг фарзандларини яратиб, вояга етказувчи кудратли

¹ Юнусова X. Совет давлати миллий сиёсатининг бальзи жиҳатлари. (80-йиллар мисолида). Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва хозирги замон. Т.: 2003. – Б. 191.

куч ҳисобланади. Миллий тилнинг ҳар бир вакили, ҳар бир фарзанди учун бебаҳо нарсадир¹. Шунинг учун бўлса керак, совет даврида миллий тилларга нисбатан доимий асосдаги кучли зуғум амалга оширилди. Жумладан, 1913 йилда Россияда истиқомат қилиб турган юздан ортиқ миллат ва элатлардан факат 19 тасининг тилида босма китоб чоп этилган бўлса, 1933-1934 йилларга келиб 112 та тилда босма нашрлар чиқа бошлади. 48 миллат ва элат ўз ёзувини яратди². Бу миллатлар равнаки учун арзимаган ён бериш эди.

Миллий толерантликнинг шаклланишига зид таъсир қилувчи йўналиш халқларнинг депортация қилинишидир. Депортация сиёсати шафқатсиз ва ноқонуний равишда ўтказилиб, халқларнинг доимий истиқомат жойларидан зўрлик билан кўчирилиши натижасида улар муҳтоҗлик ва машаққатга гирифтор қилинди. Депортация сиёсати айнан бир миллат ва халқларга қаратилмаган бўлиб, балки маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ҳар бир халқ вакили ёки ҳар бир шахс қатағонга дуч келиши эҳтимоли бор эди. Халқларни қатағон қилиш сиёсати миллий асосларга таяниб эмас, балки гоявий ва сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Жами 270 млн. аҳоли истиқомат қилган собиқ иттифоқ таркибида 15 та республика бўлгани, мамлакатда XX аср 80-йилларида юзага келган мураккаб ва зиддиятли миллатлараро муносабатлар, муросасизликлар мана шу сиёсатнинг якуни эканлигини кўрсатиш мумкин.

Бу даврнинг хусусияти – халқ хўжалигининг турли соҳаларидағи кўшиб ёзишлар, пораҳурликнинг ривожланиши совет иқтисодиётини тушкунликка олиб келишдан иборат эди. Бу йилларда миллий сиёсатдаги хатолар – маҳаллийчилик, иқтисоддаги ноҳуш ҳолатларнинг сабабларини марказга хом ашё этиштириб берадиган республикалардан қидириш, шу баҳонада раҳбар кадрларни таъкиб остига олиш, халқ ўртасида шарманда килиш, қатағонларни уюштириш орқали совет давлати иқтисодиётидаги таназзулни бъязи республикаларга юклаб қўйиш ҳолатлари кучайиб кетди. Ўзбекистон Республикасидаги кўпгина раҳбар ходимлар қамоқларда азоб-уқубат чекканлигини мисол келтириш мумкин. Миллатлар манфаатини химоя қилолмаслик, уни менсимаслик, миллатлар ўртасидаги муносабатларда, муросада ўзаро тўқнашувларни келтириб чиқариш аниқ бўлиб, ҳар қандай то-

¹ Ҳоназаров Қ. Тил ва дил. –Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б. 14.

² Юсупов Э., Туленов Ж., Гофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий сухбатлар. Т.: Фан. 1990. – Б. 99.

лерантлик инсонлар ҳис-туйгуларига қарама-қарши таъсир кучини кўрсатади.

Ижтимоий-иктисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ҳозирги давр муносабатларига ёки бағрикенгликка нисбатан ўша давр муносабатлари муаммоси назорат қилиб бўлмайдиган даражада инқизорзга йўл тўтган, айнан никобланиб йўналтирилган Совет тузуми миллый сиёсатининг хато ва нуқсонларига бориб тақалади, бу миллый сиёсат тор синфий йўналишга эга бўлган марксча-ленинча таълимот ва коммунистик мафкура тамойилларига асосланар эди. Мустабид совет тузуми даврида миллый сиёсатининг ижтимоий-иктисодий жиҳатларига, инсонлараро, миллатлараро, диний муносабатлар, муроса масалаларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги миллый толерантлик-нинг ривожланишига акс таъсир қилган эди.

Мавжуд имкониятлар етарли даражада ҳисобга олинмаган, саноат, қишлоқ хўжалиги, экология каби ижтимоий соҳаларни согломлаштиришга қаратилган қарорлар ва дастурлар иктисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий зиддиятларни чукурлаштириб юборди. Советлар тузуми сиёсати ва якка партиявий мафкуранинг иктисодиётдан, ижтимоий соҳадан устуворлиги, республика шароитига мос бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқлари шакллантирилганлиги иктисодий ва экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги хатоликлар, демографик жараённинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик эса ишсизлик-нинг келиб чиқишига сабаб бўлди¹.

Айнан ана шундай ҳолатлар миллатлараро муносабатлар, муросалар барқарор, уйғун ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлиги ўша даврларда нафакат ўзбек толерантлиги ҳақида, балки толерантлик ҳодисаси ҳақида мулоҳаза юритиш, илмий изланишлар олиб боришига ҳар томонлама тўсқинлик қиласр эди. Натижада миллый норозилик ортиб, миллый ҳис-туйгуларни ҳақорат қилиш кучайди. Бу ҳол, айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида яққол кўзга ташланди ва уни тан олмаслик, хато, камчиликларни бартараб қилишга қаратилган чораларни кўрмаслик мумкин эмас эди. Лекин миллатлараро, инсонлараро муносабатларга, муросаларга эътибор қиласлик, қатъий чоралар ишлаб чиқилмаганлиги натижасида Фаргона, Тошкент вилоятларининг бир қатор туманлари-

¹ Бобажанова Н.А. Совет даври миллый сиёсати. Узбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тарихий жараёнлар (илмий тўплам). – Т.: 2006. – Б. 152.

даги ихтилофлар фожиаларни келтириб чиқарди. Лекин инсонлар хис-туйгуларида мавжуд бўлган ички толерантлик хусусиятлари бундай ҳолларни тезда бартараф қилиш имкониятини яратди. Натижада ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб миллий мустақиллик учун курашлар олдини олиб бўлмайдиган ижтимоий-сиёсий харакатга айланиб, миллий бирликни мустаҳкамлаш учун булаётган интилишларга бошчилик қилаётган етакчилар атрофида бирлашиш жараёни тезлашиб кетди¹.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатда чукурлашиб кетган миллий муносабатларга баҳо бериб: «... бу теран миллий қадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари ни сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий, тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатни сақлаб қолишига қаратилган объектив, бутунлай асосли эҳтиёж эди»², деган эди. Шу жиҳатдан олганда, Ўрта Осиё минтақасида, хусусан Ўзбекистонда миллий мустақиллик йўлидаги харакатлар ўзига хос йўлдан борди ва халқлар, миллатлар, элатлар, инсонлар орасидаги миллий толерантликнинг шаклланишига асос бўлди. Бу харакатларнинг йўлбошчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бўлди. Президентимиз Республика раҳбари сифатида миллий муносабатларни изга солиши мақсадида дарҳол кўп миллатли таркибни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан иборат вазифани амалга оширди. Юқорида келтириб ўтилган салбий ҳодисаларни бартараф этиш масаласи биринчи ўринга чиқарилди. Натижада турли миллатлар ва элатлар ўргасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашнинг асосий йўли толерантлик хис-туйгуларини ривожлантириш бўлиб қолди. Бундай ҳол миллий муносабатларни изга солишнинг асосий негизи бўлиб хизмат килишини назарда тутган мустақил Ўзбекистон давлати биринчи навбатда толерантликка хос кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни инсонлараро муносабат ва муросаларни яхшилаш асоси деб билди. Ўзбекистон мустақил тараққиётининг беш тамоилидан бугунги кун толерантлигига оид тамойили кучли ижтимоий сиёсат бўлиб, у маънавий баркамоллик манбаи сифатида, барқарор тараққиётимиз учун асос бўлмоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат ўзбек халқининг миллий анъанасидир. Унга ҳукмдорлар, бой-бадавлат инсонлар ҳамиша аҳамият бериб,

¹ Общественные науки и современность. 1991, № 8. – С. 36.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 473.

амал қилиб келганлар. Шу йўлдан борган хукмдорлар салтанатининг умри узоқ бўлган. Бу тарих синовидан ўтган ҳақиқатдир.

Ўзбекистон истиқололга эришганидан кейин 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъно-мазмунида халқимизнинг азалий толерантлик рухияти ўз ифодасини топди.

Президентимиз бундай деб ёзади: «Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак хужоатдан муносиб ўрин олган»¹.

Инсон эътиқодсиз, имонсиз яшай олмайди. Шу боис Президентимиз халқни ўз динига ва мамлакат истиқололига эътиқод қилишга даъват этади ва ўзи ҳам шу гояга содик қоляпти. Мустақиллигимизни кўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичida Конституциямиз, бошқа меъёрий хужоатларимизда ва амалий ҳаётимизда мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг умум манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда миллий онгимизда мавжуд бўлган муроса туйғулари толерантликнинг ривожланишига ўзининг таъсирини ўtkазиб келмоқда.

МИЛЛИЙ ОНГДА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРГА НИСБАТАН ТОЛЕРАНТЛИК ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ОБЪЕКТИВ САБАБЛАРИ

Инсоният ривожланиши тарихида турли формацияларга хос хилма-хил онг, гоя ва мафкура йўналишлари ҳамда тушунчалари пайдо бўлиб, улар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, эзгуликка қарши ёвузлик, озодликка қарши истибодод, маърифатга қарши жаҳолат мазмунидаги мафкуралар юзага келган. Уларнинг моҳияти негизида дин ва динга кучли эътиқод ётиб, диний толерантликка хос мифологик, илоҳий қадриятлар афсона ва ривоятлар воситасида намоён бўлади. Динга, оламга илмий ёндашув орқали ҳар бир миллат онгидаги уларнинг ҳаёт тарзи асосида диний ва дунёвий фикрлаш шаклланган. Жумладан,

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг хукукий кафолати. Т.: Шарқ, 1993. – Б.7.

ибтидоий жамият даврида мифологик ва илоҳий онг шакллари ривожланишига кўра тотемизм, анимизм, фетишизм каби ғоявий тизимлар, мафкуравий йўналишлар шаклланиб, ривожланиб борган. Ҳар бир даврнинг ўзига хос диний йўналишлари юзага келган. Бу даврларда хиндуизм, иудаизм, конфуцийлик каби диний мафкуралар шаклланганлиги манбаларда аниқ тасдиқланган. Японлар эса ўзларининг миллый дини синтоизмга эътиқод қилганлар. Рим империяси шаклланган дастлабки даврларда христианлик дини астасекин халкнинг тизимли мафкурасига айланиб борган.

Оlamning вужудга келиши, унинг мавжудлик қонуниятлари, оламнинг асосини нима ташкил этиши каби масалалар фалсафий таҳдил қилиниши натижасида диний рамзларни ифодаловчи монизм, дуализм, плюрализм, идеализм ва материализм¹ сингари оқимлар вужудга келди. Ҳар бир тарихий даврда миллый жиҳатдан асосланган ўзига хос диний мафкуралар давлат мафкураси дараҷасига кўтарилган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган. Лекин кўпгина диний мафкуралар миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Идеализм ва материализм ҳамда уларнинг бир-бирига муносабати масалаларига қаратилган дуализм ғоялари, худо ва илоҳий қадриятларни мутлақо рад этувчи атеизм ўртасидаги баҳс-мунозара узок тарихга эга эканлигини тарихий манбалар тасдиқлади.

Фоя, онг ва мафкураларнинг тарихий шакллари мазмун-моҳиятини қадимги даврлардан буён эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб беришини олдинги бўлимларда кўриб ўтган эдик. Яъни боскинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига зид озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз тарзда майдонга чикиб, халқларнинг музaffer байроғига айланғач, ижтимоий, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳукукий онг тизимида миллый онг, фоя, мафкура тушунчаларининг мазмун ва моҳиятига изоҳ берила бошланди². Улар диний эътиқод каби йўналишларда ўзига хос толерантликни вужудга келтиришнинг объектив сабабларидан бири бўлади.

Маълумки, диний эътиқодга хос толерантлик йўналишлари миллый онгда ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтади. Яъни инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик,

¹ Фалсафа асослари. Т., Ўзбекистон, 2005. – Б. 12–13.

² Ўша жойда. – Б. 217–227.

қабоҳат ва жаҳолатнинг ҳар бир даврда янги-янги шаклларда намоён бўлиши тарихий ривожланиш даврлари, формациялар ўзгариши шароитида юзага келган. Лекин инсоният тараққиёт, адолатпарварлик, тинчлик ва биродарлик, ривожланиш, фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилиши миллий онгда пайдо бўлаётган диний эътиқодга хос толерантликнинг вужудга келишига ҳеч қандай тўсқинлик қила олмайди. Чунки ҳар қандай йўналишдаги миллийлик онгда шаклланиб, ғоя сифатида ўзида гуманизм талабларини, ҳалқнинг ирова ва интилишларини акс эттиргани ҳолда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳияти ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда унга аниқ омил сифатида таяниш заруратини юзага келтиради. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда жаҳондаги тараққийпарвар ва инсонпарвар ғоялар ягона йўналишга қаратилиб, инсоният тарихида бўлиб ўтган фожиали ва нохуш ҳолатлар та-корланмаслиги учун кураш олиб борилиб, миллий ғоя, миллий онг йўналишида уларга хос ва мос келадиган толерантликни ривожлантириш борасида ҳамжиҳатлик билан турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг мазмунида миллий онгда диний эътиқодга таяниш, иймон толерантлиги ётади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, инсониятнинг азал-азалдан ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб келиши¹ тарихнинг ўзгармас қонуниятларидан биридир. Худди ана шу ғоялар миллий онгда диний эътиқодга нисбатан толерантликни вужудга келтиради. Бу масалани тўла акс эттириш эса онг, мафкура, ғоя каби тушунчалар маъно-моҳиятига кўра ҳам фалсафий, ҳам дунёвий, ҳам диний таълимотлар асосида яратилишини ҳисобга олган ҳолда, мафкура (онг, гоя)нинг диний илдизлари нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш керак. Мафкурунинг диний илдизлари деганда, унинг инсон онги ва руҳияти билан узвий bogлиқ эканлиги назарда тутилади, унинг ғоявий илдизлари диний ва дунёвий таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни «Забур», «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу ғоялар инсоният тараққиётида кўпгина мафкураларда маълум даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз. Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб боради ва аста-секинлик билан инсоният тараққиёти босқичини

¹ Каримов И.А. Хушёrlикка давъват. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 17.

юқори даражага күтәради. Бунга тарихда ўчмас из қолдирған Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Ғаззолий, Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Наср Форобий, Мусо Хоразмий, Беруний, аз-Замахшарий каби буюк заковат сохиблари яшаб, фаолият құрсатған даврлар ва улардан қолған дунёвий ҳамда диний фикрлар ёрқин мисол бұла олади. Бундай жараён бугунги кунда дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинған, дунёвий ва диний ғоялардан озиқланған прагматизм¹, ҳаёт фалсафаси бұлған экзистенциализм² каби таълимотлар мисолида тасдиқланмоқда. Айнан ана шулар натижасыда фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги (плюрализм) факат маърифий жамияттагина хос бўлиб, маълум бир ҳақиқатни турлича изохлаш, турлича муросага киришиш, тушуниш ва таҳлил этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бұлған шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз ғояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мағкура илғор, кучли ва ҳаёттій бўлади. Бундай мағкура ҳеч қачон эркин фикрга тўқсқинлик қилмайди, диний имон-эътиқодга толерантлик билан муносабатда бўлади. Натижада миллий онг, миллий мағкурунинг барча қирралари ривожланишига объектив манба сифатида хизмат қиласи. Нихоят, миллий онгда шаклланған диний эътиқод толерантлиги ёлғон ва гайриинсоний ғояларга қарши бўлиб, сохта ғояларни ошкор қиласи. Бунинг тасдиғи мисоли шуки, яккаҳокимликка интилған ва собиқ иттифоқ даврида ҳукмронлик қилған коммунистик мағкура, диний имон-эътиқодга қарши бўлған ғоялар таназзулга учради. Демократиянинг хур фикрлилик, виждан эркинлиги, ҳақиқатгүйлик, эркин сайловлар, эркин матбуот сингари асосий йўналишлари мақсад ва вазифалари тасдиқланди. Шу билан бирга эркин фикрни ифода этадиган шахс, гурӯҳ ёки ижтимоий катлам, ўзининг аниқ асосли қарашларига эга бўлиш, ўз нуктаи назарининг оқибати учун масъулиятни ҳис қилиш, баҳс-мунозара маданияти кабилар шаклланиб борди. Шу боис бугунги кунда истиқлол мағкурасининг асосий мақсадларидан бири мустақил Ўзбекистонда яшаб турған миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик рухида тарбиялашда уларнинг ҳар бирига хос бўлған олижаноблик, инсонпарварлик, байналмилаллик фазилатлари билан бир қаторда, динлараро толерантлик ғояларини ҳам шакллантириб, ривожлантиришдан иборатдир.

¹ Фалсафа асослари. Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 120.

² Ўша жойда. – Б. 120.

Миллий онгда диний имон-эътиқодга нисбатан толерантлик шакл-ланишининг объектив сабабларидан бири динлараро бағрикенглик ғоясини вужудга келтиришидир. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланган ҳолда яхшилик, тинчлик, дұстлик каби фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалоллик ва покликка, бир-бирларига нисбатан меҳр-шафқатли ва багри кенг бўлишга даъват этади. Бугунги кунда улар эришган ютуқ – бу мустақилликдир. Миллий онгда диний эътиқодлар, эзгулик йўлидаги ҳаракатлар нафақат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг бирлашиб, мустақилликни янада мустаҳкамлашга хисса қўшишларини назарда тутади. У тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Ўзбекистон худудида ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар тарихан ёнма-ён яшаб келганини, масжид, мадраса, қориҳона ва черков кабиларнинг асрлар давомида мавжудлигини, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини, имон-эътиқодларига хос вазифаларни эркин бажариб келаётганини ҳаёт тасдиқлаб турибди. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний негизда можаролар бўлмагани халқимизнинг миллий онгида диний эътиқодларга нисбатан толерантлик, яъни динлараро бағрикенглик вужудга келишига объектив сабаб бўлади.

Хозирги кунда Республикаизда ўндан ортиқ конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат ҳаётида, уни бошқаришда барча халқларнинг тенг ҳукуқлилиги каби йўналишларда уларнинг фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида»ги Конуни бағрикенгликнинг кенг маънодаги ифодасидир. Ана шу хужжатлар асосида Ўзбекистонда барча динлар вакиллари ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат килишларига ҳар томонлама имкониятлар яратиб берилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган давридан бошлаб миллий онгда диний эътиқодга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгариб, виждон эркинлиги қонун билан кафолатланди. Маънавий қадриятларни тиклаш, улуғ алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятини таҳлил этиш, уларнинг бутун жаҳон оммаси тан олган асарларини халқимизга қайтариш бўйича хайрли ва эзгу ишлар амалга оширил-

мокда. Диний расм-русумлар, байрамларни ўтказиш, эркин ибодат қилиш, диний ўкув юртлари ташкил қилиниши билан хорижий мамлакатлар ила ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун кенг йўл очилди. Миллий онгда имон-эътиқод эркинлиги, диний бағрикенгликнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари диний ташкилотлар билан давлат мусосабатларида, бу борада муросага келишда долзарб масалалардан бирига айланди.

Дин мамлакат аҳолисини руҳий чиниқтириш ҳамда юксак ахлок, поклик, Ватан ва ҳалқ манфаати йўлида фидокорлик кўрсатиш, ўз миллатига садокат каби қадриятларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш орқали турмуш тарзини ўзгартириш ва юрт фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. Бундай ҳолатлар ўзбек миллати онгда имон-эътиқодга таянган толерантлик вужудга келишига хизмат қиласди. Инсондаги акл-заковатга асосланган миллий онг қимматли, эзгу фазилат ва хислатларни юзага чиқаришга қодир эканлигини бугунги Ўзбекистон давлатининг ҳар томонлама юксалишида кўриш мумкин. Бинобарин, давлатимизнинг ҳалқимиз онгда миллий ва диний имон-эътиқодни янада ривожлантиришдаги, дин соҳасидаги мақсад ва вазифалари, биринчи навбатда, толерантлик билан боғлик бўлган Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришга ёрдам беришга қаратилган фаолиятда ифодаланади. Бу фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва хукумат қарорларига биноан амалга оширилмоқда. Давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари каби расмий диний ташкилотларнинг ҳам конституциявий хукуқлари уларнинг ички, яъни бевосита ибодат билан боғлиқ ишларига аралашмаган ҳолда таъминланиши динлараро бағрикенгликни ифодалайди. Сиёсий тус олиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролар хавфсизлигига путур етказадиган экстремистик ва фундаменталистик оқимлар пайдо бўлган тақдирда, уларни назорат остига олиб, тегишли чоралар кўрилганлиги ҳалқаро, миллатлараро, шахслараро толерантликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида: «... ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва ...фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура дав-

лат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас¹, – дейилган. Шунга асосан, ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкурани халққа тазиқ билан сингдиришга йўл қўймаслик диний иймон-эътиқодга хос толерантлик вужудга келишининг объектив сабабларидан биридир. Чунки жамиятимизда диний ташкилотлар фаолияти халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорликни қарор топтиришга, комил инсонни шакллантиришга қаратилган². Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, кўпконфессияли жамиятда турли дин вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамкорликда, аҳиллиқда яшаши ҳамда бунёдкорлик ишларида давлат билан ҳамкорлик қилиши барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Колаверса, «инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва событ эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди»³. Инсонлар онгида айнан ана шундай диний эътиқодга миллий муносабат шаклланиши масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида қуидагича ифодаланади: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод килмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»⁴. Бундай қоида орқали дунёвий давлатнинг динга нисбатан сиёсати ўз ифодасини топади. Биринчидан, давлат виждон эркинлигини кафолатлаш орқали динга карши сиёsat олиб бормасликни эътироф этади. Иккинчидан, эътиқод қилиш ёки қилмаслик инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида тан олинади. Учинчидан, юкоридаги тамойиллардан келиб чиқкан ҳолда ва жамиятда эътиқодий мувозанатни таъминлаш мақсадида давлат диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймайди ва айни пайтда дин давлат ишларига аралашмайди. Демак, ҳар қандай дин маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олар экан, миллий онгда диний иймон-эътиқодга нисбатан толерантликнинг вужудга келишини таъ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 5.

² Миллий истиқол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 43–47, 59.

³ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 223.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 12.

минлайди. Бу эса диний толерантликнинг юзага келишида ижобий толерантлик йўналишларининг бирорлар хоҳиш-истаги билан эмас, балки жамият тараққиётининг қонунияти орқали ифодаланишидир. Бу давлатнинг динга нисбатан мутлақ бефарқлигини ёки диннинг маънавий ҳаётдан бутунлай ажратиб қўйилганлигини англатмасдан, балки давлат ва диний ташкилотлар жамиятда ҳамжиҳатлик, тинчлик, бағрикенгликни таъминлашга ўз ваколатлари ва имкониятлари даражасида ҳисса қўшишлари мумкинлигини таъкидлайди. Ёш авлодни ватанпарварлик, фидокорлик, ҳалққа содиклик каби улуғ туйғу ва шуурлар асосида тарбиялашда буюк мутафаккирларимиз ҳаёти, ижоди, бебаҳо асарларини ўрганиш, мавжуд бой диний, миллий маънавий меросни тадқиқ ва тарғиб этиш, ундан истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланиш каби умуммиллий вазифани баҳариш асосий масала ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилгани каби, ҳеч қандай дин ўзида ҳалқнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси қонунларида диний-сиёсий асосда партия тузиш тақиқланган¹. Ўзбекистон Давлатининг дунёвийлик, диний толерантлик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида динларро ҳамкорлик қилиш сиёсати ана шу тамоиллар (гоялар) асосига қурилган бўлиб, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг миллий онгига диний эътиқодга нисбатан толерантликнинг вужудга келиши учун объектив сабаблардан энг асосийси бўлиб хизмат қиласди. Республикаизда конституциявий тамоиллар ва виждан эркинлиги тўғрисидаги қонундан келиб чиқувчи қоидаларга қатъий эътибор қилинаётгани ҳам шундандир.

Жумладан, 1990-2005 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга бағишланган 16 та қарори қабул қилиниши, фуқаролар учун ҳаж амалини бажариш имконияти яратилиб, мустақиллик йилларида 45 мингдан ортиқ киши бу амални адо этганлиги давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан миллий онгда ижобий таъсир орқали диний иймон-эътиқодга нисбатан толерантлик гоялари

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 12.

сингдириб, ривожлантириб борилаётгандигининг тасдиғидир. Шудардан келиб чиқкан ҳолда, мамлакатимизда диннинг ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Президентимиз Ислом Каримов айтганлариdek: «Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуклари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, мұқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз»¹. Бу фикрлар миллий онгда диний эътиқодга нисбатан толерантликнинг вужудга келиши ҳаётий воқеаликка айланганлигини тасдиқлади. Дин соҳасида оламшумул аҳамият касб этган алломаларнинг меросларини ўрганиш, «аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган гояни, улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш асосида давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди». Жумладан, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий каби мутафаккирларнинг таваллуд кунлари нишонланиши, меросларининг илмий тадқиқ қилиниши, Имом Бухорийнинг ҳадислар тўплами 4 жилдда, Бурхонуддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя», Имом Термизийнинг «Сунани Термизий» каби асарларининг ўзбек тилида илк бор нашр этилиши, Қуръони карим маънолари таржимаси ва тафсирининг амалга оширилиши нафақат ўзбек миллати, балки Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллатнинг миллий онгиди, диний иймон-эътиқодида толерантликни вужудга келтирувчи объектив сабаблардан бири ҳисобланади. Мисол сифатида тасаввуф тарикати асосчиларининг миллий онгда диний эътиқодга нисбатан толерантликни вужудга келтиришга хизмат қилувчи гояларини келтириб ўтиш мумкин. Миллий онг тизимида диний эътиқодларга нисбатан толерантликнинг шаклланиши масалаларини очиб бериш учун бир катор мутасаввуфларнинг гоялари ҳакида фикр юритган эдик. Улардан кўриниб турибдики, диний таълимотлар миллий онгда толерантлик гоялари ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келган.

Мамлакатимизда қабул қилинган ҳужжатларда виждан эркинлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларни кафолатлаш бўйича зарур

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-кудрагимизга. Ҳалқимизнинг бузилмас иродасига боғлиқ. Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 8.

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги турмуш тарзи бунга мисолдир ва миллий онгда диний эътиқодга нисбатан толерантликнинг шаклланишида объектив сабаб бўлади. Чунки мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ диний омилнинг ижтимоий ва маънавий хаётдаги ўрни тубдан ўзгарди. Бунинг асосий сабаби юқорида келтирилган давлатнинг динга бўлган муносабатида содир бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ. Барча фуқаролар ўзларининг миллий онгида ҳақиқий иймон-эътиқод эркинлигини сеза бошладилар. Мамлакатимиз тарихан кўпмиллатли ўлка бўлганлиги сабабли ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллари эркин яшаб келмоқдалар. Диний жамоалар, арбоблар жамият ҳаётида тобора фаол иштирок этиб, маънавиятимиз, қадрияtlаримиз тикланишида, ўзлигимизни англашимизда, энг муҳими – мустақиллигимизнинг мустаҳкам ва боқий бўлишида фидойилик кўрсатмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ўзбекона толерантликнинг ёрқин намунасиdir.

Мамлакатда ислом дини омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш максадида Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил 7 мартағи фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилиниши, мазкур Қўмита идоралари билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш негизида амалга оширилаётган ишлар кишиларнинг миллий онгидагина эмас, балки жамоалар, динлараро муносабатларда ҳам диний эътиқодга нисбатан толерантликнинг вужудга келишида объектив сабаб эканлиги ўз ифодасини топади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, узок тарихий даврлардан тортиб, бугунги кунгача дин миллатнинг маънавий қадриятларини ўзида муъжассам этади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келётгани ҳам диннинг ана шу хусусияти билан боғлиқ. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси бағрикенглик, эзгулик ғояларига асосланиб, инсонларга яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларни сингдириб келган. Шу хусусиятлари билан у инсонларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат ва толерантликка даъват этади. Ҳозирги замонда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзо-

ларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Диний толерантликда яна бир йўналишни назарда тутиш зарурлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, қориҳона кабилар мавжуд бўлган. Аммо, улар собиқ Шўро хукмронлиги шароитида яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Бугунги кунда улар таъмирланаётганлиги, сои жиҳатидан кўпайтирилаётганлиги, уларга давлат томонидан аҳамият берилаётганлиги, диний амаллар эркин адо этиб келинаётганлиги диний қадриятларнинг қайта тикланишига берилаётган эътиборнинг ёркин ифодаси бўлди. Бундай эътибор нафақат ислом динига нисбатан, худди шунингдек мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча динларга ҳам қаратилаётганлиги мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат булиб ҳаракат килиши учун имкон яратмоқда. Миллий онгда толерантлик ривожланишининг аҳамияти бугунги кунда ошиб бормоқда. Бунга барча миллатларнинг бир томондан миллий ўзлигининг ривожлананётганлиги бўлса, иккинчи томондан жаҳон миқёсида миллий омилнинг нуфузи ошиб бораётганлиги асосий сабаб бўлмоқда. Толерантлик қанчалик мустаҳкам ва барқарор ривожланса, миллий тараққиёт ҳам унга мос равишда амалга ошиб бораверади. Шунинг учун ҳам толерантликнинг барча йўналиш ва шаклларини изчиллик билан ривожлантириш миллий тараққиётнинг бош йўналишига айланмоқда.

Учинчи боб
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ
ҮЙГУНЛАШТИРИШ ВА БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЁТДА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ЎРНИ

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛИГИ
ВА УЛАРНИ ҮЙГУНЛАШТИРИШДА
ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ЎРНИ

Кўпмиллатли Ўзбекистонда толерантликнинг турли йўналишлари ривожланиб бормоқда. Улар турли мазмун-моҳиятда ўз ифодасини топиб, мутлақ янгича ҳис-туйғу, руҳий тетиклик, виждан эркинлиги, диний иймон-эътиқод кабилар асосида жамиятда янгича ижобий толерантлик йўналишлари шаклланиб, инсонлар орасидаги ҳамжиҳатлик, хурфикрилик хусусиятлари орқали ифодаланмокда. Бу жараёнда инсон омили, мустақилликнинг барқарорлашиши, ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг үйғунлашуви катта аҳамият касб этмоқда. Айни маҳалда турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис этган ҳолда, миллий маданияти, санъати, урфодатлари, қадрияtlари, диний муносабатлари ва эътиқодини намоийиш этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 150 дан ортиқ миллий-маданий марказлар, ўнлаб диний конфессияларнинг фаолияти шундан далолат беради. Авваллари мавжуд бўлган, толерантликни турли йўналишда ифодаловчи эскича карашларга хос хусусиятларга кишиларнинг маълум бир қисми онгсиз равишда, таклидчилик асосида, масаланинг мазмун-моҳиятини етарли ҳис эта олмасдан, таҳлил қилмасдан, ўзгача фикрларга кўр-кўrona кўшилиб кетганлиги кузатилган бўлса, бугунги кунда фуқароларнинг фаолияти, ҳар бир ҳодиса ва жараёнга онгли равишда муносабатда бўлиши салоҳияти шакланаётганлиги Ўзбекистон мустақиллигининг янада мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Демак, инсонлар руҳий ҳолатидаги бирорвларга кўр-кўrona эргашиш ўрнига онгли равишда, миллий онг йўналишидаги ўзбекона ўйлаб кўришга асосланган фаолият жараёнида бир-бирлари билан муносабат юзага келмоқда. Бугунги кунда ҳар бир фуқарода миллий онг, бозор муносабатлари, Ўзбекистоннинг

мустақилликка эришиш тамойиллари тушунчалари шаклланиб, ўз манфаатларини мустақилликни мустаҳкамлаш каби ижтимоий манфаатларга бўйсундириш гояси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ифодасини топиб, ҳар бир шахс фаолияти умумбашарий фаолиятга маълум ижобий йўналиш сифатида ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бунга ўзбек халқининг сабр-тоқатлилиги, мустақилликкача бўлган даврда воқеъ бўлган тўқнашувлар, гурухбозликлар сингари муаммоларни шарқона босиқлик билан ҳал этиши орқали эришилди.

Эндиликда толерантлик инсон ҳис-туйгулари ва эътиқодларига иккиёклама таъриф бера олиш имкониятида ифодаланмоқда. Биринчидан, миллий маданият хусусида «ўзбекчилик», «багрикенглик» каби тушунчалар ёшлиар томонидан ўз-ўзидан ёки тарқоқ ҳолда ўзлаштирилмасдан, балки жамоалар, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва бошқалар томонидан ҳар бир фарзанднинг ўз миллати вакили сифатида ўзлигини англашига ёрдам бермоқда. Бу бола дунёқараши, фаолияти ижтимоийлашиб, у «ука», «ака», «маҳалладош», «синфдош» каби миллий тушунчаларга эга бўлиб, одоб-ахлоқ, миллий ва миллатлараро мулоқот ҳамда муносабатларнинг маданий меъёрларини ўзлаштириб бормоқда. Кенг маънода эса фарзандларнинг ёшига мос ижтимоий-фойдали меҳнатга тортилиши, ижтимоий топшириқларни бажаришга жалб қилиниши орқали у турли йўналишда ижтимоийлашиб бормоқда. Натижада миллий ахлоқ меъёрларини ўз онгига сингдирган ҳолда, ижтимоий ҳаётга тайёрланиб, миллий ўзликни англаш имкониятини кенгайтиради. Толерантлик айнан мана шу жараёнда ривожланиб боради. Фарзандлар онгидаги ўзликни англаш уларнинг озод шахс эканлигидан далолат беради ва бошқаларни англаш қобилиятига айланиб, бир-бирларига яқинлашув жараёни содир бўлади. Уларнинг дунёқарашида мавжуд бўлган иккинчи йўналиш бошқаларни англаш бўлиб, у онгли ижтимоийлашув жараёнига олиб келади. Халқ маънавий таракқиётининг муҳим таркибий қисми бўлган, миллий ўзликни англаш унинг ўз маданий мулкига ворислик онгини мустаҳкамлайди. Миллий ўзликни англаш толерантликка мос ҳолат бўлиб, у шахснинг бошқа миллатларга муносабатини, нафакат ўз миллатининг меросига ва маданий бойликларига, балки бошқа халқларнинг ҳам маънавий бойликларига самимий муносабатини шакллантиради. Ўзликни англаш, мустақиллик гояси ва мафкураси халқимизга тўғри йўл кўрсатувчи, уни бирлаштирувчи, буюк

мақсадлар учун бутун қучларни уйғунлаштирувчи ғоя сифатида ифодаланади. Миллий истиқлол мағқураси ўзбекистонлик ҳар бир фукаронинг манфаатларига хизмат қиласди. Унинг мақсади эскирган ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир.

Ўзбекона миллий қадриятлар негизини ифодаловчи ўзбек ҳалқи фазилатлари туркуми толерантликни ифодаловчи омиллардан бўлиб, ундаги ҳаё, ибо, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳмондўстлик, ота-онани улуғлаш, ўз манфаатини ижтимоий манфаатлардан устун қўймаслик, бошқаларнинг хатти-харакатларига тоқат қилиш каби фазилатлар ҳар қандай толерантлик йўналишининг асосини таъминлайди. Толерантликка хос ўзликни англаган киши миллатнинг бошқалар томонидан камситилишига йўл қўймайди. Бу фақат олижаноблик туйгуси бўлиб қолмасдан, балки унинг ҳулқ-атворини, ахлоқини, сиёсий-маънавий поклигини, бурч-хукуқига, ўз ҳалқи ва унинг муқаддас манбалари, бойлиги кабиларга муносабатини белгилаб беради. Булар эса Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсонда бағрикенглик, хотамтойлик, байналмилаллик каби ижобий туйғуларни уйғотади. Улар орқали одамда шинавандалик, орият, ҳалоллик, камтарлик фазилатлари кучайиб, ўз қадр-қимматини билиш туйгусига айланган ҳолда кундан-кунга ривожланиб, бошқаларга нисбатан хайриҳоҳ, сезгир, меҳрибон, ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби фазилатларни шакллантиради. Бошқаларга ҳурмат уларнинг мавжудликларини тан олиш бўлиб қолмасдан, балки фикр-мулоҳазаларига қулок солиш, мулоқотга киришиш, уларни баҳолай олиш, ҳурмат қилиш ва севиш кабилардан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси манфаатлар тизимини ташкил қиласди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бу устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз худудий яхлитлигини таъминлашдан иборат»¹.

Толерантликнинг ҳар қандай шаклларидағи муносабат тизимларини очиб беришда бир-бирига боғлиқ қуйидаги уч жиҳатни, яъни:

1. Коммуникатив (фикр алмашув, фикрларни тушуниш).
2. Перцептив (фикрларни қабул қилиш, идрок қилиш).

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 23.

3. Интерактив (ташки ҳаракатларни ички ҳаракатга айлантириш) жиҳатларни назарда тутиш керак.

Шу жараёнлар орқали турли шакллардаги толерантликда бир-бирларига муносабатда бўлган инсонлар бир-бирлари билан ахборот алмашадилар, ўз ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолиятларида бир-бирларига таъсир қиласидилар ва уларнинг зиддиятли ёки келишувлик жиҳатларини ифодалаб, ниҳоят, ўзларига хос толерантлик хусусиятларини шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Демак, барча шакллардаги толерантлик хусусиятлари мазмун-моҳияти жиҳатидан жамиятда тасдиқланади, жамиятга хос умумий ҳоҳиш-истак пайдо бўлиб, ҳар бир шахс ўзида ижтимоий таъсирни сезади. Натижада толерантликнинг турли шаклларини ўзида мужассам этган инсонларнинг жамият муаммоларини тушуниш малакаси орқали давлат қонун-қоидаларига эътибор қилиш, ҳар бир шахс ўзини кандай вазиятда қандай тутиши ва муаммоларни кандай сча олиши аниқланади.

Бу йўналишларга хос ҳаёт тарзи, ижтимоий мухит, давлат қонун-қоидаларига итоат этиш кабилар орқали ифодаланган толерантлик сифатларини илмий изланишларимиздан келиб чиқиб, тубандаги-ча таснифладик: а) дунё миқёсидаги ёки минтақалар кўламидаги манфаатларга хос толерантлик; б) миллӣ ва ижтимоий манфаатлар йўналишига хос толерантлик; в) шахсий манфаатлар ва уларни давлат манфаатларига бирлаштиришга хос толерантлик; г) миллатлар-аро манфаатларга хос толерантлик; д) турли ҳалқлар манфаатларига хизмат қилувчи толерантлик; е) миллӣ манфаатлар ортида синфий манфаатларни кўзлаган толерантлик; ё) гурӯҳ манфаатларига бўйсунган толерантлик; ж) ижтимоий гурӯҳ манфаатларига мос келмайдиган объектив толерантлик; з) шакллантириладиган (ижтимоий таъсир орқали) дунёкараш, муайян гурӯҳ манфаатларига мос келувчи тасаввурларга толерантлик; и) ижтимоий таъсир орқали шакллантириладиган дунёкараш муайян гурӯҳ манфаатларига мос келмайдиган, лекин тўғри йўналтирилиши натижасида жамият тараққиёти учун хизмат қилувчи толерантлик кабилардан иборат. Президент Ислом Каримов бир қатор нутқ ва асарларида толерантликда ифодаланган манфаатларни таъминлаш омиллари ҳакида тұхталиб: «Мен, Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан

тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча мажаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқукий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман»¹, – деб ижтимоий ҳамкорликда ифодаланган толерантлик давлатимиз равнақига хизмат қилишини таъкидлаган эди. Жумладан, «Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда дунё миқёсида ва минтақа кўламида, интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир мухим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш хисобига бошқасидан узоклашмасликка амал қиласди. Биз бир субъект билан шерикчиликкага мустаҳкамланиши, бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз»², – деб дунёвий ва минтақавий муносабатлар толерантлигига ургу беради.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб, манфаатлар йўналишларига хос бўлган толерантликни таъминловчи бир қатор омилларни ажратиб олиш мукин. Жумладан, дунё миқёсида ва минтақа кўламидаги манфаатларга хос толерантликка хизмат қилувчи омиллар; давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳар бир минтақанинг ўзига хос сиёсий-гоявий йўналишлари мавжудлиги; миллй ва ижтимоий манфаатларга хос омиллар, миллй қадриятлар, маданият ва ижтимоий йўналишдаги бозор иктисадиётига қаратилган қонун-қоидалардан кўзланган мақсадлар, ҳалқлар ҳамкорлигини ҳимоя қилиш, ҳар бир миллат ва жамиятда барқарорлик, тинчлик ва аҳилликни амалга оширувчи ҳис-ҳаяжонга хос бўлган толерантлик омиллари, шахсий манфаатлар толерантлигига хос ўз манфаатини жамоа, гурух манфаатларидан юқори қўймаслик каби омиллар юқорида кўрсатилган барча манфаатлар йўналишларидаги ўзига хос толерантликдан иборатdir.

Ижтимоий-рухий йўналишлардаги омиллар, тасниф талабларини бажаришга қаратилган манфаатлар, толерантлик ҳодисаси англанган ва англанмаган турларга бўлинниб, уларни таҳлил қилишда толерантликка таъсир қилувчи манбаларнинг синфи манфаатларга йўналтирилган хизматларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Яъни англанган толерантликда жамиятда яшаётган кишилар ўртасидаги бир-бирларига ўзаро муносабат бирлиги, бир-бирларига хурмат, ўзаро

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 24.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 299.

ёрдам, меҳр-оқибат ва бир-бирларига бўлган қадр-қиммат кабилар омил сифатида ифодаланади. Англанмаган (онг тизимида ифодаланмаган) толерантлик, ибтидоий жамиятда яшаган кишиларга хос бўлиб, уларнинг хатти-харакатида, ҳаёт тарзида мавжуд бўлган яшаш учун кураш кабиларда намёён бўлади. Улар табиат ҳодисалари, бир-бирларига нисбатан муносабатларини онгли тарзда тушунмаганларни лари сабабли бир-бирларига тоқат қилишлари ёки қила олмасликлари англаанмаган толерантликни билдиради. Булардан қўриниб турибдики, толерантлик муаммоси, ибтидоий жамоа давридан бошлаб инсониятнинг яшаш учун кураши билан боғлик муаммолардан келиб чиқкан ҳолда, ҳар бир формацияга хос муносабатларда алохидатадқиқ этилиши зарурлигини кўрсатади.

Инсон ўзлигига мувофик ўзаро муносабатларига тўғри келадиган ёки қарама-карши бўлган у ёки бу омилни ихтиёрий равишда қабул килган ҳолда, ўз манфаатлари билан ижтимоий мухит манфаатларини таққослаб, никоят, ижтимоий мухит манфаатларига ҳамоҳанг харакат қилишга интилади. Натижада ижтимоий ва шахсий манфаатлар ҳамкорлигига хос бўлган толерантлик шаклланиб боради. Бундай ҳолларни тасдиқлаш учун синфий манфаатлар йўналишларини, уларнинг шаклланиш жараёнларини тўла равишда онг марказида, миллий дунёқарашда шакллантира билиш керак. Ҳар бир давлатга ўз ҳудудида яшовчи халқларнинг манфаатларига хизмат қилувчи миллий мафкура вазифасини бажаришга қаратилган ҳаёт тарзи хос бўлган.

Шаклланадиган дунёқараш муайян ижтимоий гурӯҳ манфаатларига мос келувчи, ўткинчи ҳодисалар абадийлаштириладиган соҳта тасаввурлар асосига куриладиган мафкурадан воз кечилади, натижада соҳта тасаввурлардан ҳақиқий, реал, аниқ тасаввурларга ўтган ҳолда муносабатлар ўзгариб, ўзига хос янгича толерантликка, дўстлик, ўртоқлик каби хусусиятларга эга бўлиб борилади. Никоят, мафкура шахс манфаатларини кўзлаган ҳолда, ижтимоий синф, гурӯҳ, табака, миллат, шахс, шахслараро, миллатлараро манфаатлар толерантлигига хос йўналишларга айланиб боради. Дин ҳам астасекин мафкурунинг бир қўринишига айланиб, диний манфаатларга зид бўлган атеистик толерантлик ривожланиб боради. Лекин синфий жамиятда тарбиянинг синфий йўналиши шаклланиб бориши натижасида инсонлар онгида ҳар бир синфга нисбатан шу синфга

тааллуклилик асосида, ҳар бир синф манфаатини кўзловчи маълум бир йўналишдаги толерантлик ривожланади. Айнан шулар асосида ҳар қандай синф манфаатлари умумжамият манфаатларига ўзининг тасьирини ўтказади.

Жамият тараққиётида ўз ифодасини топган тарихий-ижтимоий формациялар ривожланишида, даврлар алмашинуви оқибатида инсонлар онгидаги ҳам шу босқичга нисбатан ўзгариш пайдо бўлади. Демак, онг тизимида янгича толерантликнинг шаклланиши ҳам тарихий тушунча бўлиб, формациялар ишлаб чиқариш усуслари билан боғлиқлигини, даврларга хос йўналишлар бир-биридан фарқ қилишини, ҳар бир формациянинг ўзига хос манфаатларини келтириб чиқарган ҳолда, толерантликда ҳам бошқача қарашларни келтириб чиқаришини кўриш мумкин.

. Турли даврлардаги синфий қарама-қаршиликлар мукаррар рашида пролетариат диктатурасига олиб келиши, пролетариат диктатураси эса барча синфларни, хусусий мулкни йўқ қилиб, ижтимоий мулк хукмонлигини таъминлайди, деган тушунча инсон билан давлат орасида салбий қарама-қаршиликка хос толерантликни, давлатга ва унинг сиёсатига нисбатан ишончсизлик, адолатсизлик каби тушунчаларни келтириб чиқаради.

Баъзи инсонларда ўз хоҳиш-истагисиз, зуғум остида пайдо бўлган онг пролетариат манфаатларини химоя қилишга қаратилган дунёқарашни шакллантиради, инсонлар онги тизимида пролетариат синфи мафкураси шаклланиб боради. Бундан кўзланган туб мақсад инсониятни пролетариат руҳида тарбиялаб, хусусий мулкдан воз кешишга, ҳар ким меҳнатига яраша ва ҳар ким эҳтиёжига яраша, деган тамойил бўйича яшайдиган коммунистик жамиятнинг соҳта афзаликларига ишонтиришдан иборат эди. Лекин бу даврда, яъни собиқ иттифоқ даврида айнан кам таъминланган, мулксиз кишилар жамият ахолисининг катта қисмини ташкил этарди. Натижада жамиятнинг ижтимоий тизимида ўз кучини сотиб кун кўрувчиларнинг салмоғи ортиб бориб, XIX асрнинг охирларига караганда XX аср охирларига келиб мамлакатда бевосита ишлаб чиқарувчилар умумий аҳоли сонига нисбатан 3,5–4 баравар камайиб кетди. Уларнинг ўрнига зиёлилар табақасининг салмоғи ортиб борди. Бундай шароитда аҳоли ишга яроқли қисмининг 15–18%ини ташкил қилувчи, бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчиларнинг манфаатлари мам-

лакат ахолисининг нафақаг ёши, касби, қарашларида, балки уларнинг бой, камбағал, ўртахол қатламларга бўлиниб бориши кабиларда ҳам ҳар бир қатламга хос толерантлик, сабрсизлик, чидамсизлик ёки сабр-матонат каби хис-туйғулар шаклланиб боради. Натижада инсонлар дунёқарашларида ҳам бир-бирига нисбатан ўзига хослик мавқеи пайдо бўла бошлади. Кейинчалик ҳар бир қатламга хос йўналишдаги ахоли мафкураси таъсирчанлигининг сусайиб бориши мамлакатда ўзига хос таълимотни келтириб чиқаради. Айнан ана шулар асосида ижтимоийлашган лагерга мансуб бўлган, унинг манфаатларини ифодалайдиган, нихоят, мамлакатда иқтисодий, технологик қолоқликнинг кучайиб боришига сабаб бўлган ижтимоийлашган лагер толерантлиги йўналишлари шаклланиб боради. Лекин ушбу тизим мамлакатлари ахолисида ижтимоий мулкчиликнинг ягона ҳукмронлиги асосида ахоли маълум табақаларида шаклланётган ташаббускорлик, ижодкорлик, самарадорликни рагбатлантирувчи омилларни топиш имконияти амалга оширилмади. Натижада жамиятда ижтимоийлашган толерантлик ифодаси кучайиб бориши натижасида жамиятда қўлланилаётган билимлар (ахборотлар) манбалари муайян гурух манфаатларига бўйсуниши, улар томонидан чиқарилган хуласаларнинг мутлақ ҳақиқат, деб дъяво қилиниши кабилар ижтимоий мухит талабларига бўйсунмаслик, шаклланган дунёқарашларнинг маълум бир ижтимоий гурух манфаатларига мос келиши, ўткинчи ҳодисаларни абадийлаштирувчи сохта тасаввурлар асосига қурилган хаёлий хаёт тушунчаси умумлашуви кабиларни келтириб чиқарди. Лекин толерантликнинг инсонлар баҳт-саодати, дўстлик ришталарига тескари қурилган бу тузум охир-оқибат инқирозга юз тутади. Чунки инсоният тараққиётга турли манфаатларни уйғунлаштириш, айниқса умумманфаатлар устуворлигини таъминлаш орқалигина эришиши мумкин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, инсон моддий ва маънавий ресурсларнинг (бойликларнинг) бекиёс сарфланишига олиб келувчи маданиятсизликка нисбатан муносабатларнинг асосий тамойилларига амал қиласгина ривожланиши мумкин. Бу жараён аждодларимиз томонидан қолдирилган табиий қазилма бойликлар кабиларга нисбатангина эмас, балки ҳалқнинг маънавий меросига ҳам муносабат мустақиллик даврида тубдан ўзгаришига боғлик эканлигини хаётий тажриба исботлаб берди.

Дини, ирқи, дунёкарашидан қатъи назар ҳеч бир шахс, халқ, миллат дунёда якка яшамайды, ёлгиз ривожланмайды, айни маҳалда улар ўз эҳтиёжларига хос манфаатларга эгадирлар. Эллар ва миллатлар айнан ана шулар таъсирида доимо ўзаро турли муносабатда бўладилар ҳамда тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий мухит ва ҳалқларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги борасида шу даврга мос онг ҳамда толерантлик йўналишлари шаклланиб, ўзгариб боради. Натижада улар толерантлик йўналишларига мос ҳолда бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам маънавий жиҳатдан бойитиб борадилар. Лекин ҳеч қачон, ҳеч бир ҳалқ ўзлигидан, миллый онгидан бутқул кечиб, бошка ҳалқ маънавияти хисобидан ўзини бойита олган эмас. Шунингдек, тарбияни ҳам бошка ҳалқлардан карз олиб бўлмайди. Бинобарин, якка шахс ўз манфаатини кўзлаган ҳолда ўзга бир маънавий мухитда тарбия топиб, унга тўлиқ мослашишига қарамасдан, ундаги ўз ҳалқи ва миллати манфаатларини кўзловчи туйгу бутунлай сўнмайди. Бу инсон табиати ва руҳиятига хос жараён бўлиб, бир миллатга мансуб, шу худудда яшайдиган кишилар ўзга мамлакатларда бир-бирлари билан тўсатдан учрашиб қолганларида, бир-бирлари билан таниш эмасликларига қарамай, туғишган оға-инилар каби муносабатга киришиб, бир-бирларига нисбатан миллый хайриҳоҳлик толерантлигини на-мойиш киладилар. Бинобарин, ҳар бир ҳалқ ўзлигидан тўла-тўқис кечиб, ўзга ҳалқ маънавий дунёсини қабул қилса, демак, ундан ҳалқ йўқ бўлиб, ўз киёфасини йўқотган миллат ҳисобланади. Шу сабабли ҳам миллый мустақиллик пойдеворини мустақиллик, эркинлик ташкил этади. Мустақиллик жараёнида моддий маънавият билан бирга миллый маънавият ҳам ривожланиб, ўша миллатга мансуб бўлган ҳар бир шахснинг маънавий камолоти билан бевосита боғлик ҳолда ушбу заминга таяниб юксалиб боради.

Миллат маънавияти ва манфаати йўлида бир-бирларига ёрдамга келиши, бир-бирлари учун қайғуришлари каби фазилатлари орқали ўзбекона толерантликни ифодалашига ишонч ҳосил қилиш мумкинлиги Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий ривожланиб боришида ўз ифодасини топмокда.

Маънавият ва манфаат тушунчалари ижтимоий-фалсафий категория сифатида доимо ривожланиб бориб, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши билан бир қаторда, мазмун ва моҳиятига кўра ҳар бир

шахс, давлат, жамият талабларига асосан ўз маънавияти ва манфаатига эга эканлиги улар давлат бошқаруви, жамият ўзгариб бориши билан шу жамият талабига нисбатан ривожланиб боришини тақозо қилишини кўрсатади. Миллат маънавияти ва манфаати маълум бир ҳудудда, айнан Ўзбекистонда барча миллат вакиллари бир тан, бир жон бўлиб яшаётганлиги, уларнинг маънавияти ва манфаати Ўзбекистон равнакига боғлиқ бўлиб, бир-бирларига ёрдамга келишлари, бир-бирлари учун қайгуришлари, ўз манфаатларини давлат манфаатлари билан уйғунлаштира билишлари орқали Ўзбекистонда тинч-тотув яшаш имкониятларини яратाइтганликларида намоён бўлади. Бу эса ҳамкорликка асосланган манфаатлар уйғулиги бўлиб, мустақилликни янада мустаҳкамлашга қаратилгандир. Юорт ҳаёт тарзи ҳар бир хонадон ҳаётий манфаатларига мослаштирилганлиги тинчлик гарови бўлиб, барча фуқаролар жамият тартиб-интизоми қоидаларига риоя қилиб яшайдилар.

Ўзбекистон халқлари ҳаёт тарзидан келиб чиқиб шуни аниқ айтиш мумкинки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аждодларининг тарихий тажрибаси асосига қуради, ҳеч бир халқ бегона андозалар асосида эркин яшаб, тараққий эта олмайди. Буни тарих тасдиқлайди. Лекин Ўзбекистондаги миллатлараро дўстона ҳамкорликка асосланган манфаатлар уйғунлиги уларда ўзларига хос толерантликни фаоллаштириб, Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилганлигидадир. Бу ерда юорт ҳаётийнинг ҳар бир хонадон ҳаёти, тартиб-интизом қоидалари, манфаатларига мослаштирилганлиги толерантликнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ҳар бир хонадон аъзолари Ўзбекистоннинг табиий-жуғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий феъл-атвори билан боғлиқ тарзда яшар экан, давлат ҳам уларнинг баҳтли-саодатли яшашлари учун турли имкониятларни яратиб беради, зеро халқнинг тинч-тотувлиги давлат ривожининг асоси ҳисобланади.

Асрлар давомида Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари, ҳамжиҳатлиги бугунгидек ёрқин бўлган эмас. Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари, умуммиллий маданияти билан бир қаторда, ўзларининг миллий онгига хос маданиятлар мазмун-моҳиятини ривожлантириб бориш имкониятига ҳам эгадирлар. Буларнинг ҳаммаси миллий манфаатларнинг турли-туманлиги ва уларнинг мазмунан уйғунлигига

намоён бўладиган толерантликнинг ўрнини белгилаб, ҳар кандай ижобий толерантлик Ўзбекистон мамлакатининг тинч-осойишта ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласди. Демак, Ватанни турли ғаразли кирдикорлардан муҳофаза қилиш, Ватан манфаатлари, миллат манфаатларини теран англаб етиб, келажак авлодларга – фарзандларимизга озод ва обод Ватанни мерос қолдириш учун барча истеъдод ва имкониятларимизни ишга солиш халқимиз олдидағи энг улуг масъулиятимиз бўлиб, ўзига хос толерантлик белгиси ҳамдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йилида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли» рисоласи эълон қилингани ҳамда унинг «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб номланган бобида санаб ўтилган тўртта негиздан бири «ватаниарварлик» эканлиги масаласига тўхталиб ўтиш жоиз. Зоро, Ўзбекистондаги миллий манфаатларнинг турли-туманлигига, уларни умумлаштиришда ўзбек толерантлиги асосий ўринлардан бирини эгаллади. Чунки ҳар бир шахс учун таъкидлаб ўтганимиз каби ўзликни англашнинг ибтидоси Ватан туйғусидир.

Ватан тушунчаси кенг қамровли, кўп маъноли бўлиб, ҳар бир шахс ўз маънавий камолот даражасига кўра ижтимоий-фалсафий тушунчаларга эгадир. Айнан ана шу тушунчалар маънавий қадрият сифатида инсон онгига ҳар хил қўринишда тараннум топади, ижтимоий мухитдаги вазиятдан келиб чиқиб, турлича талқин этилади. Агар буларнинг барчаси эътиборга олинмаса, қиёсий таҳлилдан ўтказилмаса, ёш авлод руҳига сингмайди. Натижада оддий бир шиор даражасида қолаверади. «Ватан» деган сўзнинг мазмун-моҳиятини англаб олган ҳолда фаолият юритиш толерантлик йўналиши сифатида Ватанни севиш, унга хизмат қилиш, уни ардоқлаш каби мажбуриятларни келтириб чиқарар экан, демак, Ватан манфаатларини қўзлаб хизмат қилиш, Ватан манфаатлари билан ўз манфаатларини уйғунлаштира билиш, ижтимоий манфаатлар уйғунлигини таъминлашни, Ватан равнақини, инсонлар баҳт-саодатини назарда тутади. Шу маънода ўзбекона толерантлик, Ватан тушунчаси ўзи фукароси ҳисобланган мамлакатга таалукли эканлигини унутмасликдан иборат бўлиб, маҳаллийчилик, оила, қариндош-уруг манфаатларини халқ ва миллат манфаатларидан ортиқ билиш, уларни бир-бирига зид қўйиш маънавий нокаслик нишоналаридандир. Толерантлик

йўналишига кўра Ватан тушунчаси мамлакат, миллий давлат билан тенглиги она-замин ва миллатларнинг миллат тушунчаси асосида уйгунлашишидадир.

Миллат туйгуси, ундан манфаатини сеза олмаган инсонда ўз онласи, туғилиб ўсган шаҳар-қишлоғига интилиш бўлиши мумкин, лекин у кенг маънодаги Ватан бўлмайди, фидойилик даражасидаги Ватан туйгуси унга ёт бўлади. Чунки у факат ўз манфаатини кўзлаб, халки, Ватани манфаатларини четлаб ўтади. Ватан турли халклар, элатлар умумлашган диёр сифатида, бу ерда яшовчи ҳар бир шахснинг, ҳар бир миллатнинг кон-конига сингиб кетган туйгу бўлиб, уни севишга эҳтиёж тутғидари. Бу ерда шахс вужудга келади, маънавий камолот, юксак масъулият ҳисси шаклланиб, ўз манфаатларини халқи, Ватани манфаатлари билан уйғунлаштиришига қаратилган толерантлик йўналишлари кенгайиб, умумлашиб боради.

Ватан меҳри олий қадрият ҳисобланади. Бугунги кунда Она-сайёра барча халклар учун ягона Ватан бўлиб, уни пок саклаш, бойликларини араб-авайлаш инсоният учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу оламшумул манфаат эҳтиёжлар сифатида шаклланиб, жаҳон толерантлиги тинчлик, осудалик нашидасига айланиши асосида терроризм каби бутун инсониятга душман ғояларга чек қўядиган толерантликка айланиб бормоқда. Ўз Ватанини севмаган, миллатнинг қадрига етмаган инсон ўзганинг ҳам, башариятнинг ҳам, курраи замин тинчлиги, ободонлигининг ҳам қадрига етишига ишониши қийин. Бугун Ваганга садоқат, миллатга меҳрни шакллантирадиган толерантлик туйгуси жаҳон бўйлаб кенг тарқалмоқда. Буларнинг мазмунида турли давлат халклари манфаатлари уйғунлашган мустакиллик маънавияти Ватанга муҳаббатдан, миллат манфаатларига садоқатдан бошланади. Толерантликнинг мазмун ва моҳияти ҳар бир шахс ўз ички имкониятларини Ватан манфаати йўлида унумли ривожлантиришида намоён бўлади. Унда миллий маънавий меросдан мукаммал баҳрамандликка, манфаатдорликка интилиш, умумбашарий қадриятлардан оғишмаслик, ўзга миллатлар маданияти, ўзга минтақа ва ўлкаларда эришилган илгор тажрибаларни ижодий ўзлаштириш иштиёқи билан уйғунликда юзага келган толерантликнинг ўрни ҳар бир жабҳада катта аҳамият касб этади. Шундай экан, унинг инкор этиб бўлмайдиган моддий-маънавий эҳтиёжлари, манфаатлари атроф-мухит ва ўзга мавжудотлар билан амалий муносаба-

батларни тақозо этади. Табиат, мұхит, инсонларнинг бир-бирларига таъсири кабилар қаторида, инсонлар учун зарур бўлган инсон жисмининг моддий воқелик билан амалий муносабати ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди.

Инсоннинг табиатга муносабати иқтисоднинг асосини ташкил этади, чунки у ўз ақл-заковати билан табиатни ўзига мослаштирадар экан, табиатнинг қарама-қаршиликлари асосида ўз табиатини ҳам ўзгартиради. Натижада янгидан-янги эҳтиёжлари пайдо бўлади. Лекин бугунги кунда ҳар бир инсон ўз моддий манфаатларини (эҳтиёжларини) қондириш учун факат табиат билан эмас, балки ўзга инсонлар билан ҳам турли муносабатларга киришади. Натижада бир-бирларининг эҳтиёж ва манфаатларини Ватаан туйгуси асосида қондира олиш имконияти пайдо бўлади. Бундай муносабатлар мақсади йўналишидан келиб чиқиб, толерантликнинг ҳам турлича йўналишлари шаклланиб боради. Ҳар қандай мақсад йўналишидаги муносабатларда мулк тушунчаси, талаб ва таклиф, манфаат нисбати асосий нуқталардан ҳисобланиб, иқтисодиётга нисбатан ҳам шаклланиб боради. Натижада толерантлик тушунчаси одамлар жамоасидаги иқтисодий муносабатларнинг турли даражава йўналишларида ҳудди шу муносабатларга хос бўлган манфаатлар орқали толерантлик йўналишлари даражаларини аниқлаш мумкин. Уларнинг бир-бирлари билан уйғунлашган иқтисодий манфаатларига асосланган муносабатларда толерантликнинг ўрни ифодаланиб боради. Тажрибалар натижасига кўра улар куйидаги йўналишлардан иборатdir:

– агар моддий манфаатларга йўналтирилган эҳтиёжларни қондиришда ҳар бир инсон ўзаро муносабатга ҳамда табиат билан бевосита амалий муносабатга киришиб, ўз ақли, онги, малакаси, меҳнати воситасида ризқ топса, бу ибтидоий (натурал ҳўжалик) йўналишни кўзлаган толерантлик бўлиб, кейинчалик онгли ифодаланадиган толерантликка асос бўлади;

– агар ҳар бир мустақил ҳўжалик бир турда ёки йўналишда маҳсулот ишлаб чиқариб, сўнг бозорда уни бошқа маҳсулотларга алмашса, ибтидоий бозор иқтисоди вужудга келади. Бу эса яшаш учун кураш манфаатлари мазмунидаги толерантликнинг келиб чиқишидир (ибтидоий жамоа тузуми, кейинчалик кулдорлик тузуми ҳаёт тарзи бунга мисол бўла олади);

— агар барча мулк давлатга қарашли бўлиб, барча ишлаб чиқариш ва таксимот давлат ихтиёрида бўлса, тогал (ялпи) давлат иқтисоди вужудга келади. Бу собиқ иттифоқ даврида жуда қадимги утопия (хомхаёл) асосида зўрлик билан шакллантирилган ва тутиб турилган иқтисодий тузум 70 йил ичидаги буткул яроқсизлигини исбот қилган хаёлий-утопик манфаатларни кўзлаган шу даврга хос толерантлик нинг вужудга келишидир, яъни зўрлик асосига қурилган салбий толерантлик йўналишидир.

Бутун дунёда юқори мавқени эгаллаган бугунги ривожланган бозор иқтисодиёти тизими даврида манфаат ва эҳтиёжлар юқоридаги шакллардан фарқ қилиб, мураккаб қўринишга эга бўлган жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид илмлар ривожланган бозор иқтисодига таалукли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, мустақиллик даври манфаати, эҳтиёжлари асосига йўналтирилган мустақилликка хос йўналишдаги толерантликдир.

Бозор иқтисодёти даврида инсон манфаатларини қондириш адолатга қаратилганини ўзига хос толерантликни вужудга келтиради, унда хеч ким ўз қараашларини бировга зўрлик билан ўтказа олмайди. Чунки ҳар бир инсон ўз акли-идрокига мос ҳўжалик фаолияти билан шугулланиш имкониятига эгадир. Шунинг учун ҳам давр ривожланишида бу ҳолат синфий характерга эга бўлган буржуза синфи диктатураси негизига қурилган бозор иқтисодиёти эмас, балки иқтисодий зўравонликдан озод бўлган мустақилликка хос толерантлик йўналишларидан, «ёввойи бозор»дан мутлақо озод бўлган даврни орзу қилган инсонларнинг ривожланиш босқичидир. Лекин бу инсониятнинг катта қисмини 70 йил давомида «ижтимоийлашган умумхалқ мулки»га садоқат руҳида «қайта тарбия қилишга» бўлган уринишлар инсонлар манфаатларига йўналтирилган ижобий толерантликнинг ривожланишини турли сабабларга қўра сикиб қўйишдан иборат салбий қўриниш касб этган қўштирнок ичидаги толерантликдир. Лекин ўлкамиз ҳалқлари турли зуғумлар остида бозор қонун-коидаларини унутаётганига қарамай, ўзбек ҳалқи ўз манфаатларини мустақилликда деб билгани ҳолда, бунга эришидига ҳам. Бозор муносабатлари миллий маънавиятимизнинг миллий онгимизга сингиб келган неча минг йиллик қадриятларидан иборат бўлиб келганлиги мустақилликка эришишнинг яна бир асосини ташкил қиласиди.

Толерантлик нұқтаи назаридан таҳлил қиласынан бўлсак, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари инсонни ўз-ўзини, ўз манфаатларини қадрлашга, муомала одобига, ўзгалар меҳнатининг қадрига етишга ўрагатади. Биз яқингача собиқ иттифоқ қонун-қоидалари негизига курилган «таълим» асосини таҳлил қилар эканмиз, ўша даврдаги бозор товламачилар, «олибсотар» макони эмас, балки бугунги бозор ўз манфаатида Ватан манфаатини кўзлаган толерантлик йўналишидан иборат, барча хорижий давлатлар учун намуна бўладиган ҳамда тарбия мактаби ҳамдир.

Бозор айланган киши она-ер, табиатимиз саховатини кўради, манфаатлар равнақини сезади, Ватанга меҳр туйгулари қалбини тўлдиради. Лекин буни ҳис этиш учун инсонда нафақат ўз манфаатига, балки Ватан манфаатларини кўзлаган, бу асосда ўзининг тинч-фаровон ҳаётини сеза оладиган ўзбек ҳалқига хос йўналтирилган, толерантлик йўналишлари шаклланиб борган сари маънавий камолот, миллий онг даражаси юкори погонага кўтарилиб боради. Чунки ҳар бир нарсани харид қилганимизда ўзимизнинг ва Ватаннинг манфаатини кўзлаб меҳнат қилган дехқоннинг, хунар эгасининг меҳнати ва бардошига, маҳорати ва дидига баҳо бериб, уларга нисбатан толерантлик туйгуларимиз ифодаланади. Албатта, баъзан манфаатларимизга нисбатан дидсизлик, ўз ишига эътиборсизлик ҳолларига ҳам дуч келиб, уларни қоралаб, маънавиятлари юкори даражага кўтарилишини талаб қиласиз. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қураётган эканмиз, ўз миллий анъана ва қадриятларимизга қайтган ҳолда, келажак сари йўналтирилган юкори даражадаги манфаатларни кўзлаган толерантлик йўналишларига суюнган ҳолда олға ҳаракат қиласиз. Албатта, бу янги тизим ўтмишнинг шунчаки такори бўлмасдан, XX асрнинг жаҳон тараққиётида эришган барча ютукларидан ижодий фойдаланадиган, улардан кўр-кўронадан нусха кўчириш ҳеч қачон наф келтирмаслигини унутмасдан янги-ча давр нұқтаи назаридан янгича руҳда, янгича йўналишда, янгича манфаатлар мазмунида ёндашиб, мутахассис қадрларни тайёрлаш масалаларига эътибор қилган ҳолда амалга ошириладиган иқтисодий толерантлик йўналишларидир. Бунинг негизини мутахассисларгина ташкил қилиб қолмасдан, унда ҳар бир инсоннинг салоҳияти, истеъоди, малака ва билими, манфаат ва эҳтиёjlари ҳам ифодаланиб, инсон ўзининг жамиятдаги яратувчилик мөхнати натижаларига қараб

қадр топади. Энди у ўз манфаатларини Ватан, халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб, ҳис-туйғуларида халқ томонидан яратилган моддий ёки маънавий бойликларга ўзи қўшган хиссани тушуниб, меҳнати ўзгалар учун қанчалик мухим ва зарур эканлигини англаган ҳолда, сифатли ва замон талабларига жавоб бера оладиган махсулот ишлаб чиқаришга харакат этади. Бу билан у муайян даромадга ҳам эга бўлади. Жамиятда муайян обрў, эхтиромга сазовор бўлиб, муайян мавке ва макомни эгаллаб, иқтисодиёт соҳасида моддий қадрланиш даражасига етиб, ўз имкониятларини амалга ошириш орқали манфаатларнинг турли-туманлигини уйғунлаштирувчи толерантлик хусусиятларини касб этиб, бошқаларга ҳам, давлатга ҳам нафи тегадиган инсонга айланиб боради.

Зеро, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштирувчи толерантлик йўналишлари одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, унинг шахс сифатидаги эркинлиги ва ҳукуқларини таъминлаш каби ғоялар билан сугорилган диний, фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий қарашлардан иборат илфор дунёқарашнинг негизи бўлиб хизмат қилувчи асос ҳисобланади. Толерантлик турли йўналишдаги инсоний муносабатлар ифодаси сифатида кишилар ўргасидаги дўстлик, меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, тинчлик, осойишталик каби муносабатларни акс эттиради. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимизга кўра, кишилик жамияти ривожланиб бориши натижасида толерантлик йўналишлари ҳам жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда тобора ривожланиб, мазмунан бойиб боради.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Инсонийлик, одамийлик каби фазилатларнинг мустаҳкамланиши ижтимоий мухит, инсонларнинг моддий ва маънавий етуклиги, жамиятда мустақилликнинг муввафақият билан барқарор ривожланиши кабиларга боғлиқлигини давр, ижтимоий ривожланиш тасдиқлайди. Шу жиҳатдан қараганда асрлар давомида орзу қилинган мустақилликка эришган Ўзбекистон халқининг ўзига хос

толерантлик хусусиятлари инсонпарварлик асосига курилганлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Ҳар бир халқ ўз орзу-истаклари борасида ўзини қанчалик мустақил ҳисоблашидан қатъи назар, эркинликка эришишига қарамасдан, ривожланиши ва келажаги умуминсоний таракқиёт йўналишлари билан боғлиқлигини сезади ва қўни-қўшнилар, турли давлатлар ривожланиши кабиларни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини англайди. Давлаглараро ривожланишга келганда, миллий онг тизимида бошқа давлатлар, миллатларга бўлган турли-туман ҳоҳиш-истаклар ва уларга нисбатан умумий фикр-мулоҳазалар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Миллий онг тизимида турли-туман ўзига хос хусусиятлар мустақиллик даврида ҳар бир инсондан ўзининг ички имкониятларини лозим даражада билишни, шу билимлар асосида яқинларни, ҳамкасларни, бошқаларни янгича тафаккур доирасига киритишни талаб этади. Бу борада юонон файласуфи Сукрот «Ўз-ўзингни бил!»¹, – деган бўлса, янги даврда янги миллий онг шаклланиб, ўша даврлардаги билимлар мажмуасига «Ўз ёнингдагиларни ва уларнинг қилаётган ишларини ҳам бил», – деган шиорни қўшган ҳолда Ўзбекистон халқлари мафкураси доираси кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, Форобийнинг олдинги бобларда келтириб ўтилган, киши жамоасини гурухларга ажратиш қонуниятлари, кишилар орасидаги муносабатларнинг миллий онг тизимида ифодаланишини ҳар бир даврга мос ҳолда, жамият талабига кўра бугунги даврларга нисбатан тубандагича ифодалаш имконига эга бўлдик:

- кишилар ўргасида бағрикенглик, сабр-тоқатлик фазилатлари қариндошлиқ, ҳамжиҳатлик, мустаҳкам турмуш тарзи, фаолият ҳамоҳанглиги ва яқдиллигини юзага келтиради;
- гурух, жамоалар ўргасида миллий онгга, миллатга хос бўлган фикр-мулоҳазалар яқдиллиги;
- фуқаролар ислом анъаналарига эътибор килган ҳолда, лафз, аҳд, қасам асосидаги ўзаро иттифоқлик негизида бир-бирлари билан миллий онг орқали боғланганликларида ифодаланувчи миллат ҳамжиҳатлиги орқали уларда ўзаро сабр-тоқатлилилкка хос бўлган бағрикенглик фазилатларига йўл очилади;
- фуқароларнинг ўзаро бир-бирларига нисбатан яқин алоқалари натижасида миллий онгда пайдо бўладиган урф-одатлар, анъаналар,

¹ Саъдуллаев А. Тарих. – Т.: Шарқ, 2004.

феъл-атвор, савия-имкониятлар тенглиги, дидлар ўхшашлиги, характер яқинлиги ҳамда тилнинг умумийлиги ифодаланади;

– кишиларни ўзаро боғловчи яна бир восита миллий онгда шаклланган, туғилиб ўсган юрти, яшаш жойлари умумийлигининг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш. Буларда миллий онгдаги бир инсоннинг ҳамюртлик ҳодисасига диккат-эътибори ҳам ўз ифодасини топади. Буларнинг умумийлиги миллий онг яқдиллигини таъминлашда муҳим ижтимоий омил сифатида юзага чиқади.

Толерантликнинг асосий йўналиши ёки тури бўлишига одамийликни мисол қилиб келтирадиган бўлсак, унинг мазмунида шахслар аро пайдо бўлаётган муносабатларда нафақат ўзаро меҳр-оқибат, балки Ўзбекистон худудида яшайдиган бошқа миллат ва элатлар вакилларига ҳам ҳурмат-эҳтиром, хушмуомалалик каби эзгу фазилатлар ифодасини топади. Толерантлик хусусида тўғри ташкил қилинган таълим-тарбиявий тадбирларнинг, сухбат, савол-жавоб кабиларнинг аҳамияти катта бўлиб, биричинчидан, улар орқали жамоа ичидаги муносабатлар тизимини чуқурлаштириб бориш, улардан ҳаёт мазмунни сифагида фойдаланишни фақат ижобий йўналтириш мумкин. Бу жараёнда шахсий қизиқишлиарни умум қизиқишига айлантиришга, дўстларнинг камчилигини танқид қилиб, ўзи ҳам танқидга нисбатан тўғри муносабатда бўла билишга, бошқалар толерантлигига эътибор қилиб, улар томонидан ифодаланадиган толерантлик талабларига сабр-тоқаг билан бўйсuna билиш қобилиятига эга бўлишга эҳтиёж тугилади. Жамоа, гуруҳ ичидаги толерантлик муносабатларининг бундай мураккаб тизими толерантлик ҳолатларини амалий бажариш жараёнларида, миллий онг хусусида унинг мазмун-моҳияти ифодаси юзага келади ва бўлгуси касб эгаларида шунга мувоғик жамоагчиллик сифатларини тарбиялашда асосий вазифани ўтайди. Иккичинчидан, миллий онг тизимида толерантлик йўналишлари шаклланиши жараённада ёшларнинг маълум бир жамоаси (гурухи) толерантлик хусусида бошқа жамоаларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса китобнинг олдинги бўлимларида таъкидланганидек, жамоалараро алоқани кенгайтириша катта аҳамиятга эга.

Бинобарин, ўзбек халқининг толерантлик фазилатлари бўлиши юксак маънавият, меҳмондўстлик, этник маданият, шарқона мустақил тараккиёт йўлини бошқа кардош маданиятлар билан боғлиқ ҳолда узвий ривожлантириш, ўзига хос ислом маданияти ва маърифатпар-

варлиги, бошқа халқлар маданияти билан яқин ҳамкорлик, барча миллат ва элатлар билан диндошлиқ, диний бағрикенглик, конфессияларо яқынлик, тенг ҳукуклилик, ўз кучига ишониш, меҳнатсеварлик, тиниб-тинчимаслик, ташаббускорлик, халққа, Ватанга садоқатлилик, фидойилик, жонкуярлик кабиларнинг шаклланиб боришини кайта-қайта такрорлаш, ёшлар онгига сингдириш зарур. Мустақилликка эришган қиска давр ичидаги қўлга киритган улкан ютукларимиздан бири миллий қадриятларимизнинг тикланаётгани, миллий онгимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш фояларининг ифодаланиши бўлиб, бу ёшлар таълим-тарбиясида ва уларни комил инсон сифатида шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Инсонларда миллий онг тараққий қилас экан, толерантликнинг ҳам миллий хусусиятлари ривожланиб боради. Ўзбекистонда эришилган миллий тотувликни, миллий қадриятларимизнинг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштиришга интилишининг кузатилаётганлигини миллий онг ривожланаётганлигини билдирувчи кўрсаткич дейиш мумкин. Кўпмиллатли мустақил республикамизда миллатларга ийтилишнинг кузатилаётганлигини миллий онгро тотувликни сақлаб туришда минтаقا халқлари орасида асрлар мобайнида шаклланган маънавий-ахлоқий ва руҳий анъаналар, қадриятлар мазмунининг роли жуда катта. Бунинг учун, энг аввало, туб аҳоли миллий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, улар руҳиятига мос равиша «инсон миллати билан эмас, инсонлиги учун улуғ», деган ақидани тобора чукурлаштириш, ана шу асосда умуминсоний қадрият даражасига кўтариш орқали миллатлараро муносабатларни чукурлаштириш чоралари кўрилади ва, ниҳоят, миллий онг тизими шаклланади. Бу жараёнда миллий толерантлик йўналишлари ўз ифодасини топиб боради. Натижада инсоний қадр-қиммат бирлашуви содир бўлади. Улар ижтимоий бирдамлик, кооперация хусусиятларига эга бўлиб, инсонлараро муносабатлар ва мулоқотларда катта ўрин эгаллайди.

Бирдамлик кўпгина манбаларнинг йиғиндисидан ташкил топган ижтимоий категория бўлиб, ижтимоий ҳаётда фаолият юритаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишида ўзига хос аҳамият касб этади. Кўпгина муаллифларнинг (М.Кант, Ж.Локк)¹ фикрича, бирдамлик ахлоқий тамойил бўлиб, улар жамият аъзоларининг барчаси томонидан тан олинади. Бу жараёнда уму-

¹ Фалсафа асослари. – Г.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 160–161.

мийлик (жамоага хослик) айримликка нисбатан кенг мазмунга эга, у айрим нарса-ходиса ва жараёнларга хос бўлган ички қонуниятни, умумий асосни, ўхшашликни англатади. Ижтимоий ҳамжиҳатлиқдан иқтисодий манфаатлар билан боғлик ҳолда мажбурий ва кўнгилли (ихтиёрий) ҳамжиҳатлик келиб чиқади. Булардан ташқари, биз олдинги бўлимларда қайд килиб ўтган ижтимоий бирдамликнинг онгли ва онгиз шаклланиши ёки ўз-ўзидан ҳам мавжудлигини таъкидлаб, алоҳидалик билан муҳимликни боғловчи шахслараро ва жамоалаараро алоқаларга ҳам эътибор килган ҳолда, уларнинг бир-бирига таъсири асосида пайдо бўладиган толерантлик муносабатларининг ўзига хослигини ҳам таъкидлаш зарур.

Жамоадаги кишиларнинг руҳий ўхшашлиги, дунёқарашининг тўғри келиши кабилар асосида бир-бирларига таъсир қилиши орқали ҳар томонлама тарбияланган шахс шаклланади. Шахслараро муносабатларда, умуман барча йўналишлардаги муносабатларда инсонлар бирлашувидаги баъзи бир тафовутларнинг, баъзи бир тушунмовчиликларнинг юзага келишига йўл қўйилмайди. Бу бугунги кунда ҳар бир шахс, хусусий мулкдор нафакат давлатга, балки ҳар бир шахсга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бериш зарурлигини тушуниб етишига олиб келади. Натижада ижтимоий ёрдамга муҳтоҷлар учун «спонсор», «хомий» категориялари юзага келади. Зоро, ижтимоий бирлашув йўналишининг аҳамияти жуда катта бўлиб, у турли муносабат соҳаларида ўз ифодасини топади, моддий имкониятга эга бўлганларнинг хайриҳоҳлик туйгуларини ифодалайди.

Ижтимоий бирлашув муносабатлари орқали, бир-биримизга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан хайриҳоҳлигимиз орқали давлатимиз мустаҳкам бўлади. Мамлакатимиз ривожланиб, давлатлараро муносабатларга киришди. Ҳаётнинг барча соҳалардаги барқарорлик, миллий қадрияларнинг ривожланиши, инсонларнинг ҳис-туйгулари бирлашуви, бир-бирларига ёрдам қилиш истаклари кабилар халқаро миқёсидаги ҳамкорлик мазмуни ва сифатини бойитади. Жамият аъзоларининг сиёсий ҳокимијат бошқарувига яқин бўлиб бориши, инсонларда давлат бошқарувида икки палатали тизимнинг жорий қилиниши кабилар ижтимоий-сиёсий бирлашув жараёнини янада мустаҳкамлайди.

Ўз ҳалқининг фарзанди бўлган инсон ўз миллати ва ҳалқи олдидаги фуқаролик бурчини жамият яратган моддий ва маънавий бой-

ликлар таъсири остидагина эмас, балки ўша муносабатлар мажмуи сифатида адо этиш орқали намоён қиласи. Бу эса миллий толерантликдан далолат беради. Ҳар бир миллат аъзоси ўзининг жамиятдаги моҳияти ва ўрнини ўтмиш сирларини ўрганиш, олам тараққиётини тушуниш учун эски хатоларни бартараф қилиб, янги ҳаёт бунёд этишда тұхтовсиз изланишлар, жиғдий курашлар олиб бориш орқали аниклаб олади. Ўтмиш хотираси маънавий ва маданий тараққиёт учун муҳим омиллардан бири бўлса, асрлар давомида тўпланган тажриба инсоннинг камол топиши, миллий онгнинг, миллий толерантликнинг шаклланиши, элат, миллат ва ҳалқнинг тарихий ривожланишини тушуниш учун замин хисобланади. Ахлоқий камолот, комил инсон шаклланиши фақат маънавий бойликларда, амалий бунёдкорлик фаолиятида, ижодий меҳнатда намоён бўлади ва ҳар бир шахснинг миллий, умуминсоний маънавиятида, рухиятида миллий онг ва миллий толерантлик сифатида ифодаланади.

Умуминсоний маънавиятга, миллий толерантликка эга киши барча миллатлар тарихига ҳурмат-эътибор билан қарайди. Унинг миллий онги негизида миллатлараро толерантлик намоён бўлади. Инсон ўз онги туфайли бутун мавжудотларнинг ядроси (ўзаги) хисобланади. Ақлни улуғлаш барча миллатларга хос бўлгани ҳолда, умуминсоний қадриятлар ва умуминсоний маънавиятнинг энг юксак фазилати хисобланади. Миллий толерантликка хос бўлган ахлок ва нафосат меъёрлари нафакат ақлга (онгга), шунингдек, ҳиссиётга ҳам асосланган. Тарбияланганлик асоси ҳисобланган ҳуқуқ меъёрларини тушуниш эса, биринчи навбатда, ақлга (онга) асосланган ҳолда ахлоқий, эстетик қарашларда умуммиллий ва умуминсоний жиҳатларни мустаҳкамлайди. Инсонлар бир-бирларидан миллий онгининг толерантлик хусусиятлари билан фарқ қиласидар. Демак, миллийлик ва умуминсонийлик бирлашган ҳолда умуммиллийликни ташкил этади. Умуммиллий ғоялар эса ўз навбатида умуммиллий ва умуминсоний меъёрлар билан ҳамкорликда, қадриятларнинг, янгича дунёқарашларнинг мустақиллик дунёқарashi мазмунини ташкил этади. Мустақиллик дунёқарashi Ўзбекистонда яшаётган барча табака ва ижтимоий гурухлар миллий онгидаги умуммиллийликни ташкил қиласи. Уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи манфаатларини ифодаловчи ўз миллатига хос ғоялар эса ҳар бир шахснинг психологияк хусусиятидир. Умуммиллий манфаатларга, умуммиллий

гояларга бефарқ бўлмаслик, уларга содикликни эътиқодга ва ҳайтий позицияга айлантириш ҳар бир фуқаронинг маънавий дунёкарашини умуминсоний дунёкараш билан, миллий онгини миллий толерантлик билан бойитиб боришга ундаиди. Натижада инсон миллий туйғуга салбий таъсир қилувчи онг ва шуур тазиқидан кутулиб, ўзига хос фикр-мулоҳаза юрита бошлади.

Жамият тараққиёти тақдирини маънавий жиҳатдан юксак миллий онги, толерантлик хусусиятлари шаклланган одамлар ҳал қиласди. Демак маънавий жиҳатдан етук комил инсонни тарбиялаш бўйича жамият олдида турган вазифа толерантлик йўналишига хос улуғвор вазифалардан биридир. Бу миллий онгга хос бўлган толерантлик комил инсонни шакллантирувчи манба эканлигига ишонч ҳосил қилдиради. Комил инсон бўлиш учун инсон ақлан ўткир, жисмонан бақувват, ахлоқий пок, хукуқий билимдон, иқтисодий тежамкор, нафосат жиҳатидан гўзал, жинсий баркамол, тарих асосида тарбияланган, онги шаклланган, тарихий хотираси шаклланган, Ватан туйғуси билан ёниб яшайдиган бўлиши керак. Яъни комил шахс маънавияти юксак ва кўп таркибли тушунчаларга эга бўлган шахс ҳисобланади. У инсон онги, тафаккури, эътиқодини ҳам, ҳозирги замон илмий ва бадиий ижод ютуқларини ҳам, ўтмиш маданий меросини, ҳалқнинг урф-одатлари, анъана ва маросимларини ҳам, дин ва диний амалиёт кабиларни ҳам қамраб олади.

Тажрибалар кўрсатишича, миллий қадриятлар қотиб қолган ҳодисалар эмас, улар ҳам тарихан ривожланиб, янгиланиб борар экан, янгидан-янги қадриятларнинг келиб чиқиши учун асос ҳисобланади. Шу сабабли, бир томондан, қадриятлар маънавиятни, маърифатни ривожлантириш масаласига қаратилган бўлиб, айникса, маданий меросга эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб этгани ҳолда уларни авайлаб-асрашни такозо этса, иккинчи томондан, уларга танқидий ёндашиш зарурлигини талаб қиласди ва танқидий таҳлил орқали илмий асосланган янгича қадриятларни қарор топтиришни талаб этади. Бундай ҳоллар қадриятларнинг янгиланиб бориши толерантлик йўналишларининг ҳам янгиланиб, янгича мазмун-моҳият касб этишини кўрсатади. Шу ўринда истиклол гоялари ўтмишга тарихий ёндашиш, улардан келажак учун зарурларини танқидий ўрганиб, танлаш орқали келажакка хизмат қилишга қаратилганлигини ифодалаш толерантлик хусусиятларига ҳам шундай қараш зарурлигини

тасдиклайди. Яъни ўтмишни ўрганиб, миллий тараққиёт йўлини топиш, бу борада ҳозирги замон ижтимоий тараққиёт оқимидан четга сурилиб кетмаслик, маънавият ва маърифат тараққиётга хизмат қилиш зарурлигини тушунган ҳолда фаолият юритиш комил инсонни тарбиялашга яқиндан ёрдам беради. Шундай қилиб, маънавиятга, маданий-маънавий меросга тўғри муносабатда бўлиш мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган долзарб вазифалардан бири, янгича шаклланган бугунги миллий онгимизнинг ўзгача ифодаси бўлган олдинги даврларга танқидий ёндашган ҳолда, янги йўналишдаги толерантлик хусусиятларини шакллантиришдан иборатdir.

Бугунги кунда маданиятимизнинг ривожланиб бориши, диний обидаларнинг таъмирланиши, қайта тикланиши Ўзбекистон фуқаролари онгидаги миллийликни янада мустаҳкамлайди. Бу жараён умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам бойиб бормоқда. Асрий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланмоқда, маданиятимиз ўзининг табиий-тарихий, миллий, диний ва фалсафий негизларига қайтмоқда, уларнинг мазмун-моҳияти қайтадан таҳлил қилиниб, аниқ мазмунни очиб берилмоқда. Бу борада Президентимиз ва хукуматимиз юритаётган сиёsat, айниқса, маънавий ва маърифий меросимизни ўрганиш ҳар бир фуқаронинг миллий ғурурига, ифтихор ишига айланаётгани, буюк алломаларимиз ва тарихий шахсларимиз номлари ҳамда илмий-маданий мерослари тикланаётгани, она тилимизга, динимизга, онгимизга муносабат ўзгаргани маънавиятимиз ва маърифатимиз юксалишига янада юқори даражада кучкуват бахш этди. Булар эса келажакда комил инсонни тарбиялаш учун, келгуси тараққиёт учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, маданий меросга муносабатнинг асосий мезонларини аниқлаш, маънавий қадриятларни баҳолаш, умуман, маънавиятни, маърифатни истиқлол талабларига мос равишда ривожлантириш, мустақил Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган, миллий онги шаклланган, маънан бой, руҳан тетик, ватанпарвар, миллий толерантлик хусусиятларига эга бўлган фуқарони тарбиялаш лозим.

Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳияти демакдир. Яъни инсоннинг меҳр-мурувватли, адолатли, тўғри бўлиши соғдиллик, виждан, ор-номус, ватанпарварлик,

Гўзалликни севиши, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби бир қатор асл инсоний хислатлар ва фазилатларни бирлаштиришни касб этган ижобий мазмундаги толерантликка йўналтирувчи куч хисобланади.

Демак, маънавият инсоннинг фақат ижобий хислатлари, фазилатлари йифиндиси бўлиб, толерантлик белгиси ҳамdir. Маънавият инсоннинг руҳий олами билан боғлиқ. Инсон руҳий оламида ҳам ижобий, ҳам салбий хислатлар мавжудлигини назарда тутсак, А.Эркаевнинг «Маънавият – миллат нишони» (Т.: Маънавият, 1997) китобида келтирилган иборани кўрсатиб ўтиш кераклиги тақозо этилади: «Инсоннинг онгли фаолияти, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Инсон руҳий (онг) оламида муайян ижобий, ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади. Улар тарихан ривожланиб, шаклланиб боришлари орқали кишилар ўртасидаги турли муносабатларни англаш, уларни баҳолаш, рағбатлантириш ёки қоралаш, чеклаш, бартараф этиш зарурияти ҳамда турли ахлоқий, хукукий, эстетик, диний ва бошқа меъёрларни, урф-одат ва маросимларни юзага келтиради».

Маънавият мазмунидаги ижобий йўналишлар аста-секинлик билан қадрият даражасига кўтарилар экан, инсонлар томонидан ана шу қадриятларни ўзлаштириш жараёнида кишида инсоний хислатлар ва фазилатлар қарор топади. Натижада инсоннинг онги, илмий, фалсафий, диний тасаввури, толерантлик йўналишлари бойиб боради, булар эса тўлиқ маънода инсоннинг ўзини ўзгартиради. Миллий онгга айланиб борган толерантлик йўналишлари ва хусусиятлари инсон онгидаги маънавиятни тўлалигича ифодалайди. Лекин у ўзгарувчан хусусиятга эга бўлгани учун турли тарихий даврларда яшаган кишиларнинг қарашлари, ижтимоий баҳолари ва қадриятлари, толерантлик йўналишидаги тушунчалари ҳам турлича бўлганлигини кўрсатади.

Маънавият тез ўзгармайди, у тарихий, маданий илдизларга эга бўлгани ҳолда, давр тақозосига кўра ўзариб, бойиб бориш хусусиятини касб этади. Юқоридаги фикрларнинг барчаси маънавият кишиларнинг онги, дунёқарashi, эътиқодига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шундай экан, маънавият ақлий (онгли) билимлар тизими сифатида инсоннинг ақли, онги, толерантлик хусусиятларининг

мазмун-моҳиятини белгилайди. Шу билан бирга, маънавият ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаш жараёни сифатида инсонларнинг миллий онгига хос толерантлик ифодаси ҳамдир.

Маънавият шундай бебаҳо мевадирки, у бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва эркинликни севиш туйгуси билан биргаликда яшайди ва миллий онг мазмунида толерантлик йўналишларида ифодаланади. Маънавият ўзини ўзгалар назари билан, ўзгаларни ўз назари билан тафтиш қилиш ҳамдир. Бу маънавиятнинг ички ривожланиш жараёни бўлиб, унинг толерантлик билан боғлиқлигини кўрсатади.

Маърифат инсоннинг акл-заковатини ўзгаларга етказиш, инсонларда ўзбекона толерантликни уйғотиш манбаси сифатида ҳам ифодаланади. Булардан келиб чиқадиган фикр шуки, миллий онг толерантлик йўналишларидаги мазмун-моҳиятни бошқалар онгига сингдирмоқдир. Маърифат тушунчаси маънавиятга қараганда амалиётни кўпроқ қамраб олади ва маънавиятнинг таркибий, ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбекона толерантлик йўналишидаги маърифатпарварлар шаклланиб, улар ўтмишдаги ҳамма маърифатпарварлар сингари, ҳалқ баҳт-саодатини, илм-маданиятини толерантликда, деб билдилар. Бу уларнинг ижодида ва фидойилигига ўз ифодасини топди ва ўзбек ҳалкини мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбар этиб бораверади.

ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ГОЯВИЙ МАНФААТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Жамият тарақиётининг бурилиш нуқталарида ижтимоий-гоявий манфаатлар тизими масаласи муҳим аҳамият касб этиб, унда толерантлик алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки кишилар барпо этаётган янги тузум эскисидан аввало қандай ижтимоий-гоявий манфаатларни кўзлаши билан фарқ қиласи. Миллий онгда ҳам турли-туман жараёнлар кечади. Одамлар онгига курилажак жамият одил эканлигига ишонч бўлса, улар ўз куч ва имкониятларини ўша жамиятни куришга қаратадилар ва айнан ўzlари хоҳлаган эркин, мустақил давлатни барпо этишга харакат қиласидилар. Толерантлик йўналишлари, уларга бўлган муносабат ҳам шундай йўналишларда таркиб топиб, шаклланиб боради. Кейинчалик одамлар дунёқарашидаги тасав-

вурлар асосидаги толерантлик ҳукукий, сиёсий, ахлоқий жиҳатдан яхлит бир ижобий тушунча доирасида уйғунашып, ҳар бир шахс-да шу йұналишдаги онг тизими – толерантлик вужудга келади. Бу үринде ҳукук ва масъулият, меңнат ва роҳат, жиноят ва жазо, хизмат ва ҳурмат ўртасидаги боғланишлар ижтимоий-ғоявий манфаатлар тизимини хосил қиласы. Үз навбатида инсониятнинг ақл ва үзини-үзи англаш борасидаги толерантлик салоҳияти юксакликка әришади ва ҳар бир шахс миллат тушунчаси моҳиятини үз онгида (умумийдан алохидага, алохидадан умумийга) анализ-синтез қилиш қобилиятында эга бўлиб боради. Миллат ва үзликни англашнинг онгда шаклланиб бориши миллий онг, толерантлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини кўрсатади. Бу үринде ҳар қандай янги ғоя ҳам маъно жиҳатидан қандай бўлмасин мавжудларини таҳлил қилишни ва ўрганишни тақозо этади.

Инсонлар маълум миллатларнинг вакили ҳисобланиб, уларнинг ўзларига хос ҳис-туйғулари мавжуд. Айнан ана шу ҳис-туйғуларга асосланган бир-бири билан яқынлашув миллатни улуғловчи куч сифатида якка шахс толерантлигидан умуммиллат толерантлигига кўчади. Улар оркали шу ҳудудда яшовчи миллатлар яхлитлиги вужудга келади ва миллий онгда ижтимоий-ғоявий манфаатлар тизими шаклланиб, ижтимоий толерантлик ривожланиб боради. Яни миллати бўлмаган инсон ўзлигини йўқотган манқуртдир, деган тушунчани таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам миллий онгнинг ривожланиши миллатнинг мавжудлигини билдиради, уни инкор этиш эса табиат кучларини үзига бўйсундириб ва улкан, меңнатлар эвазига әришилган мустақиллик, эркинлик, тинчлик, фаровон ҳаётга нисбатан үз муносабатини юзага келтиради. Айнан шу даврларда шаклланаган ижтимоий-ғоявий дунёқараш янгича тизимда янги онг, янги толерантлик йұналишлари ҳаёт мазмuni ва гўзаллигини ҳис қилган ҳолда шаклланиши белгисидир.

Миллат мавжуд омил сифатида инсониятни эртанги истиқболга әришишга ҳаракат килдириб, онгда миллийлик тушунчаларини: миллатнинг бирлик, яхлитлик, бошқа миллатларга нисбатан бағрикенглик хусусиятларини мустаҳкамлаб, ижтимоий-ғоявий манфаатлар тизимини белгилайди. Булар мустақиллик даврида амалга ошиб, миллат каддини кўтариб, гурури ва абадийлигини таъминлайдиган курдатли кучга айлангани ҳолда, ҳар бир инсон онгидаги миллийлик тушунча-

ларига хос салоҳиятни ривожлантириб, толерантлик йўналишида ўзлигини англаш жараёни омилига айланади. Натижада ижтимоий-гоявий манфаатлар тизими, ҳар бир инсон фикрини умумжамият фикрига ихтиёрий мослаштириш жараёнини ривожлантирган ҳолда ўз ифодасини топади. Ана шундай мустақил жамиятда миллий онгда инсонларга, умуман, жамият равнақига асос бўла оладиган толерантлик хусусиятлари, йўналишлари пайдо бўлади. Чунки инсонлар ижтимоий турмуши асосида онгни шакллантирувчи жараён равнақ топган ҳолда, миллатга хос миллий онг шаклланиб боради. Бу жараёнда мустақилликка эришгандан кейинги фаровон ҳаёт, моддий-маънавий стуклик каби сермазмун ҳаёт ўз аксини топиб, мамлакатда яшовчи барча миллатларро бағрикенглик, диний ҳамжиҳатлик каби тушунчалар инсонларда бир-бирига нисбатан ҳурмат-эҳтиром каби ижобий сифатларни ривожлантириш орқали Ватан туйгуси, мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятда ўз ифодасини топади.

Шу ўринда миллий ўзликни англаш миллий маданиятнинг бирламчи таркибий қисми бўлиб, уни миллатнинг алоҳида белгиси сифагида фарқлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш даркор. Лекин баъзи олимлар миллий ўзликни англашнинг борлигини тан олсалар-да, уни хаспўшлаш билан чегараланиб колган эдилар¹, ҳатто миллий ўзликни англаш миллатнинг бирламчи белгиси, деган фикрга қўшилмаганлар². Ўзбекистонда мазкур масалага қизиқиши XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошларида миллатлараро муносабатларда юзага келган қарама-қаршиликларнинг «ичка-ридан» «ташқарига» чикиши оқибатида бошланган тўқнашувлар шароитида ортиб борди. Бугунги кунда бу масалага бағишланган илмий ишларнинг аксарияти мақолалардан иборат бўлиб, бу миллий тараққиёт амалиёти учун зарур бўлган назариялар ишлаб чиқилишига эҳтиёжни кучайтирмоқда. Зоро, кўп миллатли мустақил давлат бўлган Ўзбекистоннинг истиқболи миллий жараёнларнинг мунтазам равишда такомиллашиб боришига боғлиқдир³. Бу масала

¹ Рогачев П.М., Свердлин М.А. О понимании нации. «Вопросы истории». 1966, №1.

² Жунусов М.С. Нация как социально-этническая общность людей. «Вопросы истории», №4, 1966.

³ Отамуротов Саъдулла, Отамуродов Сарвар. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш. Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 25.

эса Ўзбекистон халқарининг ижтимоий-гоявий манфаатлари билан уйғунлашиб боради.

Бу мураккаб муаммони илмий таҳлил қилишда толерантликнинг миллый онг ва ижтимоий-гоявий манфаатлар тизимидағи ўрнини хисобга олиш ҳам муҳим. Миллый ўзликни англашнинг қарор то-пиши ижтимоий таракқиётнинг муҳим омили ҳисобланishi билан бирга, у жамиятнинг янгиланиб боришига йўналтирилиб, миллат эҳтиёжлари кучайиб боришини таъминлайди. Ҳар бир миллат (элат) нинг ўзини реал (аник) мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, ижтимоий-гоявий манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши миллатга хос толерантликдир. Бунинг тасдиғи эса миллый онгда ва ижтимоий-гоявий йўналишларда толерантликнинг юкори даражадаги ижобий сифатлари шаклланиши билан боғлиқ.

Толерантлик орқали ҳар бир миллат ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни фақат ўз миллатида шакллантириб қолмай, бошқа миллатларга ҳам сингдириши, улардан ўзига хосларини қабул кила билиш орқали ягона бир давлат атрофига бирлашиши, бир миллат деб ифодаланиши мумкин. Лекин уларнинг миллый ўзлигини англаши бир-бирини тушуниш даражасига кўтарилишdir. Агар шундай ҳолатда умумий толерантлик шаклланиб келса, жамият ва миллат барқарор ривожланиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки турли миллат вакиллари ўз моддий ва маънавий бойликларига эгалиги, хиссиятнинг тор даражада бўлиши, умуммиллый, миллатлараро манфаатларни ўз манфаатларидан устун қўя билиш даражасига кўтарила бориши билан боғлиқ ҳолда ижтимоий-гоявий манфаатларининг мазмун-моҳиятини аниклади ва Ватан равнаки учун хизмат қилиш зарурлиги тўғрисида хulosага келади. Миллый онгда натижада миллый ўз-ўзини англаш шаклланади. «Миллый ўзлигини англаш», «миллый онг» тушунчаларининг бир-биридан фарқи эса толерантлик йўналишлари орқали аникланади. Агар улар аниқ ифодасини топмаса, парокандалик келиб чиқади. Чунки миллый онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятига йўналтирилган бўлиб, умумдавлат миқёсидаги толерантликка пастдан юкорига, оддийдан мураккабга томон боришни кўрсатувчи, ҳар бир миллат учун зарур бўлган ижтимоий-гоявий манфаатларнинг давлат миқёсида

амалга оширилиши мұхым күрсаткіч ҳисобланади. Бунга мисол си-
фатида ҳар бир миллатнинг ўз она тилида таълим олиш имкониятига
эга бўлиши, уларнинг бир-бирларига ҳамдard бўлиб, ёрдамга кели-
ши каби ижтимоий-ғоявий манфаатларнинг таъминланиши толе-
рантликка асосланган ҳәтий мисоллар билан тасдиқланиши керак.
Толерантлик гояларининг миллий онг ва ижтимоий-ғоявий манфа-
атлар йўналишида ривожланиб бориши ҳар бир миллатни ўзлигини
англаш даражасига кўтаради. Бу жараён хеч қандай тўқнашувларсиз,
бир-бирини тушуниш, Ватан мустакиллигини янада мустаҳкамлаш
юзасидан олиб борилаётган ишларда ўз ифодасини топади.

Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб бори-
ши күрсаткичи бўлса, миллий ўзликни англаш ижтимоий-ғоявий ман-
фаатларни ҳимоя қилишда ҳаракатга келтирувчи маънавий салоҳият –
кучdir. Бунга диний (илоҳий) билимларни дунёвий билимлар би-
лан тўлдириб бориш, ўз она тили қаторида ўзбек ва ҳорижий тиллар-
ни билиш кабилар мисол бўла олади. Миллий ўзликни англаш аник
моддий куч сифатида миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори,
ор-номуси поймол этилганда ёки иккинчи томондан миллатнинг мод-
дий ва маънавий манфаатларига зид зўравонлик ҳаракатлари юзага
келган ҳолларда намоён бўлади. Лекин мустақил Ўзбекистонимизда
ижтимоий-ғоявий манфаатлар бирлиги барча миллатлар учун тенг
ифодаланганлиги, инсонлар онгида толерантлик каби ижтимо-
ий ғояларнинг юқори даражада шаклланганлиги туфайли ҳар бир
шахснинг шаъни, қадр-қиммаги, ор-номуси, обрў-эътибори, ман-
фаатлари бир-бирларига нисбатан хоҳиш-истак асосида юқори да-
ражада шаклланган толерантлик ғояларини Ўзбекистонда яшовчи
ҳар бир миллат вакилининг тенг хукуқлилиги, лавозими, бой ёки
камбағаллигидан қатъи назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бир-
лашган ҳолда, ижтимоий ғоявий манфаатларни кўзлаган жамиятда
умуминсоний ўзликни англаш орқали умуммиллий ўзбек толерант-
лиги асосида намойиш қилиш имконияти яратилди, бу борада барча
миллат вакиллари бир тан, бир жон бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар.
Натижада «камбағал» тушунчasi давлат томонидан қилинадиган иж-
тимоий муҳофаза асосида чеклаб қўйилмокда. Буларнинг ҳаммаси
толерантликда ижтимоий-ғоявий манфаатларни кўзлаган ҳимоянинг
ифодасидир. Шутариқа миллий онгда ўзликни англаш ҳар бир миллат
манфаатларини ижтимоий-ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилувчи моддий

кучга айланди. Бундан ташқари, миллий онг фақат миллий манфаатларни химоя қилиш билан чегараланиб қолмасдан, жамиятга доир манфаатларни, Ватанни, Ўзбекистон мустақиллигини химоя қилиш йўлида жонбозлик кўрсата билиш каби гояларни ҳам химоя қиласди. Шу билан бирға, юзага келиши мумкин бўлган турли муаммоларни ечиш, шароитга мослаштириш орқали миллатни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади ва турли миллатларни ўз хоҳиш-истаклари асосида бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда толерантлик йўналишларидаги таъсир билан миллатлараро бирлик умумий мақсадлар йўлида ҳар қандай миллат учун етакчи ҳисобланади.

Миллий онг шаклланишида ўзининг миллий-толерантлик салоҳияти даражасидан келиб чиқиб ижтимоий-гоявий манфаатлар тизими яратилади ҳамда бу тизимда инсонларга хос ҳис-туйғу ва муносабатлар етакчи ўринни эгаллади. Ниҳоят, мустақилликка эришган миллат онгида бир миллатнинг бошқа миллат томонидан менсилмаслигига чек қўйиши, миллатга ирки, дини кабилар асосида тазиик ўтказилишига йўл қўймаслик, миллатни миллат деб тушунган ҳолда Ватан туйғуси атрофида бирлашиш, бир-бирларига нисбатан кудратли туйғуларни ривожлантириш учун турли чора-тадбирлардан фойдаланиши имкониятлари яратилиб, шу йўналишга хос толерантлик гоялари тизими яратилади. Бу жараёнда ўзликни англашдан тўхташга ёки ундан маҳрум бўлишга олиб келишнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий гояларга хос манфаатлар, толерантликнинг илдизи сифатида Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатаётган барча миллатларга хос хусусиятларни бирлаштирувчи шароит яратилиб, ҳар бир миллат вакили фуқаролик бурчига эга бўлади. Уларни бирлаштирувчи умумий ижтимоий гоялар толерантлик асоси сифатида миллатларнинг тили, урф-одатлари, дини, қадриялари кабилар сақланиши учун хизмат қилиб, ассимиляция йўли билан (қўшилиб кетишдан) фарқли равишда, Ўзбекистон халқида миллатлараро толерантлик туйғулари мустаҳкам бўлиб, барча халқлар бир-бирлари билан дўст-бирордадар бўлиб, ўз куч-кувватини умумий вазифани бажаришга йўналтирган ҳолда, толерантлик гоялари орқали бирдамлик, ҳамжиҳатлик билан тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаб бормоқда. Ўзбекистон фуқаролари руҳида ўзликни англаш миллат

абадийлигини таъминлашнинг, мустакилликнинг муҳим омилларидан бири сифатида қарор топади. Чунки бу салоҳият ўзбек миллатининг ўзига хослигини ва ижтимоий-гоявий манфаатларинигина эмас, балки Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатаётган барча миллатларнинг, турли элат вакилларининг ўзига хослигини ва ижтимоий-гоявий манфаатларини ҳам ҳимоя қиласди.

Ўзбекистонда амалга ошаётган ижтимоий-гоявий манфаатлар ҳамкорлик, бағрикенгликнинг яна бир йўналиши эканлигини тасдиқлади. Бу эса турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гурухларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлашда ифодаланади. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, баркарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келиб, комил инсон шахсини тарбиялаш гояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий, ҳам ижтимоий бирдамлик гоясига айланади. Комил инсоннинг белгиларидан бири унинг онгида толерантлик туйгуларининг мустаҳкам бўлиши хисобланади. У ҳар томонлама етук инсон сифатида жамиятни онгли таҳлил қила билиш борасида миллатлараро иззат-хурмат гояларига амал қиласидан шахс хисобланади. Миллий онга шаклланган ана шу хусусиятлар шахслараро ва миллатлараро толерантлик гоясини янада мукаммаллаштириб, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этади, бу хусусият эса уни ҳамиша эзгуликка ундейдиган олижаноб гояга айланади.

Бундай ижтимоий-гоявий манфаатлар орқали жамиятни сунъий равишда бўлишга, турли қарама-қаршиликларни мутлаклаштиришга қаратилган таълимотлар чекланиб, ижтимоий-гоявий ҳамкорлик гояси унинг асосидаги ранг-баранг табиий манфаатларни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиришга олиб келади. Бунинг амалга ошиши жамиятнинг энг устувор мақсади ва ижтимоий-гоявий манфаатларини ўзида мужассам этадиган илгор гояларнинг миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гурух ўзларининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу ижтимоий гоялар асосидаги манфаатларни амалга ошириш билан уйгунлаштириши, миллий тараққиётнинг заруратига айланиб бориши билан, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёкараши ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий-ижтимоий гояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жара-

ённинг асосий тамойили хисобланади. Буларнинг амалиётдаги на-тижаси эса миллий толерантлик гояларини жамият ҳётига оқилона татбиқ қилиб, жамият тараққиётининг барча соҳаларида яхши на-тижаларга эришишга олиб келишидир. Толерантликка хос ижтимо-ий гояларда кўзланган манфаатлар асосида аҳоли турли қатламлари орасидаги ўзаро ва миллатлараро муносабатлар, бир-бирлари билан ҳамкорликларининг яхшиланиб бориши жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Толерантликнинг ижтимоий гоялари орқали шахслараро, мил-латлараро манфаатларни амалга ошириш учун қилинаётган саъ-ҳаракатлар ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви, сиёсий бошбошдоклик ва миллий парокандалик ка-билиарнинг олдини олишга қаратилиб, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга асос бўлмоқда. Бинобарин, миллий толерантлик йўналишлари асосида ижтимоий гоялар манфаатларини кўзлашган шахслараро, миллатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривож-лантириш ҳамма фуқароларнинг, биринчи навбатда, давлат ва жа-моат ташкилотлари, жамиятнинг илгор вакиллари бўлган зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Толерантликнинг миллий онг ва ижтимоий-гоявий манфаатлар тизимида тўтган ўрни жамияти-миздаги ижтимоий ҳамкорлик мухитига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш мумкинлигини тасдиқлайди. Чунки мил-лий толерантликнинг асоси ҳар доим инсонлар учун ғамхўрлик қилишга қаратилган бўлиб, инсонларга, жамиятга ёмонликни асло раво кўрмайди. Бу эса мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тинч-лик, шахслараро ва миллатлараро тинч-тотув яшаш, ҳаёт фаро-вонлиги учун курашиб каби ижобий фазилатлар янада мустаҳкам шаклланишига олиб келади. Буларнинг бари умумбашарий қадрият сифатида турли ҳалклар, элатлар вакиллари биргаликда истикомат қиласидиган минтақа ва давлатларнинг миллий тараққиётини белги-лайди, уларнинг бирдамлик фаолияти эса шу ҳудуд ва мамлакатда-ги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди. Демак, миллий толерантлик гояси бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиласидиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўргасидаги ўзаро иззат-хурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маъна-вий, ижтимоий асоси бўлиб хизмат этади. Ниҳоят, миллий толерант-лик гояси ҳар бир инсоннинг истеъоди ва салоҳиятини тўла рўебга

чиқариш учун шароит яратувчи, қўллаб-кувватловчи ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этувчи ижтимоий ғоялар мажмуасидир. Бундай ижтимоий ғоялар негизида миллатлароро ҳамжиҳатликка раҳна солиш, тажовузкор миллатчилик ва шовинизмга қарши курашга ундовчи ғоялар ётади, улар инсонларни ижтимоий онгда шаклланиши мумкин бўлган ҳар қандай заرارли ғоялар таъсирига берилиб кетишдан саклаб, халқ фаровонлиги, тинчлиги учун хизмат қилади.

Миллий толерантлик ғояси, халқимизга хос бўлган олижаноблик ва инсонпарварлик фазилатлари кишиларнинг ижтимоий манфаатларини кўзловчи миллий истиқлол мафкураси асосига курилган бўлиб, уларни ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашни назарда тутади. Шу фикр Ислом Каримов томонидан шундай аниқ ва равшан таҳлил қилиб берилганки, у таълим-тарбия йўналиши ва концепциясини белгилаб беради. Чунончи: «Халқимизнинг маънавий пойдевори, бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-бобаларимиз юлдузлар жадвалини тузганлар.

Халқимиз таянчи – аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содик ва муносиб бўлмоғимиз керак.

Модомики, шундай экан, илдизларимиз шу қадар чукур кетган экан, демак, истиқлол иморатини ҳам ана ўшанга яраша юксакликларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир.

Аллоҳ ҳаммага ҳам бундай куч, бундай меросни беравермайди. Бу Аллоҳ таолонинг миллатимизга ато этган буюк неъмати, шарофатидир...

Олдимиизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишdir.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, рухиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим¹. Бу фикрларга мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг асосий принципи сифатида қараш лозим. Чунки шу ғояни амалга оширмай, ҳаётга татбиқ этмай туриб, бошқача

¹ Каримов И. Буюк мақсал йўлидан оғишмайлик. Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 8–9.

айтганда, халқ ва ёшлар онгини қайта тарбияламасдан, назарда тутилган буюк мақсадга эришиш мумкин эмас. Бу эса ўзбек толерантлигини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири хисобланади. Умуман олганда, мустақилликни мустаҳкамлаш умумхалқ иши ва вазифаси сифатида мустақилликка хос толерантликни ифодалайди. Хусусан, Ўзбекистон истиқололини авайлаб-асраш Марказий Осиё минтақаси халқларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шу нарсани кўзда тутиб, Ислом Каримов ёзади: «Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, бекиёс табиат бойликларини, илм-фан, ишлаб чиқариш кучларини биргаликда ўз манфаатимизга ишлатиш, бир-биримизнинг азалий хусусиятларимизга зиён етказмаган ҳолда баҳт-саодат учун куч-ғайратимизни мувофиқлаштириш, саъи-харакатларимизни бирлаштириш ва бундай олижаноб ва улуғ ниятлар, мақсадлар шу минтақада яшаётган халқларга мақбул бўлиши шак-шубҳасиздир.

Дўстлик ва бирдамлик, Марказий Осиё халқлари манфаатларининг бирлиги, бу – табиий ва объектив жараёндир. Бу жараёнга каршилик кўрсатиш сиёсий калтабинликдан бошқа нарса эмас»¹.

Маълумки, Марказий Осиё халклари мустақиллик йўлига кириб олишди. Шу йўлни ривожлантириш, мақсад сари дадил, олга бориш уларнинг кўлида. Шу йўлдаги манфаатлари, мақсадлари бир хил. Бу жараёнда улар биргаликда харакат қилишса, бир-бирларига қўл беришса, ҳамиша ҳамкор бўлишса, буюк мақсадга эришиш осон бўлади.

Халқимизда «Мақсадли бўлган йўл топар», деган ҳикмат бор. Мақсад сари интилиш, бу йўлда заҳмат чекиш туфайлигина киши орзу-ниятларига эришади. Шунинг учун улуғ алломаларимиздан бири «Ижтиҳод – машақкатли ва заҳматли нарсани қўлга киргизмоқ учун бор қувватни сарф этиштир»², – деб ўгит берган. Демак, қай соҳада бўлмасин, ижтиҳод қилиш, яъни тиришиш, харакат қилиш зарур. Акс ҳолда, инсон мақсадига эриша олмайди. Мақсадга бўлган харакат Ўзбекистонни мустақилликка эриштириди. Демак, мустақиллик ҳам толерантликка хос хусусиятлардан биридир. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда толерантлик йўналишига хос соглом

¹ Ўша жойда. – Б. 8–13.

² Донишманлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Т.: Уқитувчи, 1986. – Б. 60.

ва кучли тафаккурга асосланган, эхтирос билан тарғиб қилинаётган миллий онг ва ижтимоий-гоявий манфаатлар тизимидағи мақсадға – мустақилликка еришиш толерантлик йұналишида үзға халқ, дин, ҳар бир шахсга мансуб ҳодиса ҳисoblаниб, барча халқларға ҳамдардлик билдириш, мәйлум давлатда инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳолларини аниклаш ва уларни ижтимоий химоялаш ёки мамлакат ижтимоий ривожланиши жараёнида кишилар манфаатларини күзлаб фаолият юритишдан иборат бұлған толерантликка ижтимоий-гоявий ҳаётнинг ижобий бир бутун ҳодисаси сифатида қарааш зарурлигини талаб этади. Ана шу яхлитликни тушуниш орқали том маънодаги толерантликка еришиш мумкинлигини юқорида келтирилған мисолларда кўриб ўтдик.

Ниҳоят, толерантлик – ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчи, сиёсий ҳамда ҳуқуқий әхтиёжи бўлиб, турли миллатлар манфаатларини ижтимоий-гоявий ифодалаш орқали инсон индивидуаллигини намоён қилишнинг хилма-хил усуулларини, миллатлараро ҳамжиҳатликни ҳурмат қилиш, турли халқлар ва әлатлар вакилларини қабул қила билиш, уларга ҳамдард бўлиб, кам таъминланғанларига ёрдам бериш ва ижтимоий-гоявий ҳаётни тушунишни, үз манфаатини халқ, давлат манфаатлари билан боғлай билишини англатади. Бу жараён оддий ён бериш ёки бошқаларга хушомад қилиш эмас, балки ҳар бир инсоннинг умумий тарздаги ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабат, мулоқат жиҳатидан юксак маданият ва юқори даражадаги ахлоқ ҳамдир.

Толерантликни намоён қилиш ижтимоий-гоявий манфаатлар йұналишида сабр-тоқатли бўлишни, үз эътиқодидан (динидан) воз кечиб, бошқалар эътиқодига (динига) ён беришни англатмайди, балки ҳар ким диний эътиқодида эркин бўлиб, бошқаларнинг ҳам шундай ҳуқуққа эга эканлигини, ҳар бир одам үз алоҳидалигини саклаб қолишига ҳаклилигини, үзида мавжуд бўлған тушунчаларнинг бошқаларда ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қила билишга ҳамда бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмаслигини тан олишга қаратилгандир. Лекин үзида мавжуд бўлған илоҳийликни бошқаларда ҳам кўра билиш билан бирга, дунёвий илмга таянган холда фаолият юрита билиш зарурлигини онгли тушуниб етиш зарур. Чунки толерантлик бу ҳар бир инсондаги үзгача фазилат ва хусусиятларининг бир бутунлигини англаш олиш билан жамият ривожланишига боғлик тушунча ҳисoblаниб,

ҳар бир шахснинг дунёвий билимларига, тажрибасига асосан жамиятдан кутадиган ижтимоий-гоявий манфаатларини фикрда ва амалда ифодалай билишдан иборатдир. Бу жараёнда баъзан пайдо бўладиган сабрсизлик, ўйламай иш қилиш, ножӯя ҳаракатларга берилиб кетиш, фаолият мазмун-моҳиятини тушунмасдан номаълум гурухлар фаолиятини қўллаб-куватлаш кабилар ижтимоий мухитга зид ҳолатларни келтириб чиқаришини онгли ифодалаш зарурлигини тасдиқлайди. Айни шундай ҳолатларда миллый онг, миллатга хос чидам, сабр-тоқат, иродা билан иш юрита билиш ҳам ўз ифодасини топади ҳамда ҳар қандай нохуш ҳаракатларга чек қўйилади. Ижтимоий мухитда ҳар бир фуқаро универсал (умумлашган) тартиб-қоида ва тамойилларни ўзлаштиргани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган адолатли гояларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етади ва шу давлатнинг имкониятлари ҳамда ривожланиш босқичларига таъсир қилувчи бозор иқтисодиёти қонунларининг зарурлигини тан олган ҳолда бу тамойилларни бажаришда ўз онгидаги миллый қадриятлар асосий ўринни эгаллашини англайди ҳамда кишилар онгидаги, қолаверса, бутун омма онгидаги сиёсий маданият тушунчасини ўз имконияти даражасида шакллантиради. Нихоят, кишиларнинг бир-бирларига онгли таъсири орқали миллый онг, унга хос толерантлик тез қарор топишига кўмаклашилади ва дискриминация ўз-ўзидан барҳам топади.

Ижтимоий гоялар, кўзланган манфаатларни амалга ошириш шароитида индивид ўз мавқеи мезонларидан хабардор бўлиши миллый онгда толерантликнинг ахлоқий томонлари ҳам мавжуд деганидир. Ижтимоий-гоявий манфаатлар тизими ҳар бир шахснинг ижтимоий мавқеи (яшаб турган мухитдаги ўрни), обрў-эътибори (шу мухитдаги иззат-хурмати); диний иймон-эътиқоди (динга муносабати); комиллик даражаси (таълим-тарбиявий фазилатлари) кабилардан иборатдир. Табиийки, бундай ижтимоий-гоявий манфаатларга эга шахс ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини давлат, мамлакат обрў-эътибори, ривожланиш даражаси кабилар билан уйғунлаштира олади ва шуларни назарда тутган ҳолда иш юритади. Бундай шахслар олдида толерантликдаги салбий муаммоларни ечиш масаласи кўндаланг турмасдан, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати толерантлик даражаси бўлиб, Ватан равнақига йўналтирилади. Натижада миллый онгда қайси ижтимоий гоя манфаатлари устун бўлишига қараб толерантликнинг ҳар

хил типлари (турлари) шаклланади, яъни этник (худудий), ижтимоий ва маданий каби таркибий қисмларга ажратиласди. Шу боис ҳар хил йұналишда бұлмаган ихтиёрий жамият үз барқарорлигини таъминлаш учун толерантликка мұхтождир. Толерантликнинг самарадорлиги шунда күринадики, унда миллий онг, ижтимоий-гоявий манфаатлар ҳукмронлиги диний ва илмий-оммавий (миллий) онг билан қандай ифодаланғанлығы ва бу ифодаланиш даражасига мос келишига боғлиқ бұлған толерантлик йұналишлари шаклланиб боради.

Толерантлик тарихига әзтибор қылсақ, унинг дастлабки босқичида миллий онғда мифологик онг шаклланиб, ижтимоий мұхит ҳақида үз ижтимоий манфаатини күзлаган, турлича йұналишдаги ғоялар, фалсафий тушунчалар биргаликда ривожланиб бориши асосида яширин толерантлик: фикрда жамиятта хайрихох ёки карши фикрларни ифодаловчи, узук-юлук сүзлардан тури маъноларни англатувчи гап тузилади. Аммо ана шу гаплар тизими миллий онғда аввал үз ижтимоий-гоявий манфаатини күзловчи, кейин жамият тараққиётига мослашган ҳолда ижтимоий-гоявий манфаатларни ифодаловчи ғоялар асосида үз ифодасини топади. Ҳар бир шахс аста-секин жамият фикрига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиб, мифологик толерантликдан жамоанинг маънавий ва ижтимоий бирлигини кучайтирувчи, ижтимоий ривожланишга етакловчи мақсад ва саъй-харакатларга томон йұналған толерантликни ривожлантириб, унга янгича тус бериб боради. Натижада баъзи кишилар онгидаги сабрсизлик, ижтимоий мұхит ривожланиши, үзгача фикрловчиларга тушунтириш, ишонч ҳосил қила билиш жараёни шаклланиб боради. Нихоят, баъзи бир инсонлар онгидаги жамиятта нисбатан мавжуд бұлған тангликтин бартараф қилиш бутун жамоа күзлаган аниқ мақсадга айлананиб боради. Натижада ҳаёттеги мисоллар орқали ижтимоий-гоявий манфаатларни күзловчи ҳар бир шахс манфаати бутун жамият манфаати эканлиги кабилар юзасидан мутлак ҳақиқат үрнатилиб, толерантликнинг мантикий ва маънавий жиҳати яққол күзга ташланадиган бўлади. Бу ҳолат жамиятдаги дин, иймон-әзтиқод, ички руҳий кечинмаларда ҳам ифодаланиб, уларда жамият, ижтимоий-гоявий манфаатлар, мұхит ҳақида дунёвий онг тушунчалари үз ифодасини топади. Дунёвий онғда аста-секин пайдо бўлаётган сабр-тоқатлилик, чидам-бардошлилик каби ижобий сифатлар толерантликнинг мағкуравий маҳсулига айланади. Дунёвий онг мантикий далиллар асосида

ижтимоий-гоявий мухитни, унинг манфаатларини қониктириш зарурлигини, янада яхширок фаолият қўрсатишга интилишни ривожлантиришга қаратилган оммавий ҳамоҳангликка олиб келгани ҳолда, ҳар бир шахс ўз фикр-мулоҳазаси, манфаатларини омма манфатлари га айлантириш зарурлигини хис килиши билан қўшиб олиб боради.

Дунёвий жамиятда толерантлик яшаш шароити, касбий фаолияти, маданий анъаналари, қадриятлари, урф-одатларининг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқарувчи, этник (худудий) ва миллый хусусиятлар, ижтимоий-гоявий дунёқарашдаги фарқларнинг бир йўналишга қаратилиши, яъни жамиятнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш каби умуминсоний фазилатларга эга бўлиб, ҳар бир шахсда бир-бирига нисбатан инсонпарварлик, ўз вактида ёрдамга келиш, кам таъминланган оиласлардан хабар олиб туриш каби оммавий толерантлик сифатлари шаклланиб боради. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий-гоявий йўналишдаги манфаатларнинг асоси ҳисобланган юксак маданиятни, жамият ривожи учун хос бўлган инсоннинг ҳистойгулари ва манфаатларини ҳалқ манфаатларига бўйсундириш имкониятларини яратади.

Ижтимоий-гоявий манфаатларни амалга оширишга қаратилган мухитда толерантликнинг бошқа муаммолари инсон феъл-атвори, юриш-туришининг асл механизмларини (ҳаракатга келтирувчи кучларини) ҳам аниқлашдан иборат. Бу жараён баъзи инсонларга хос бўлган руҳий чекинишлар, ноаник қарашлар билан боғлиқдир. Улардаги бундай ҳолларнинг асл сабабларини тушуниш, ҳалқнинг етук онги, юксак маънавиятга эришишининг ҳаётий мисоллари ҳар қандай тушунмовчиликнинг олдини олади ва омма учун хос бўлган, ўз манфаатларини омма манфаатлари билан уйғунлаштириш кабилар ижтимоий-гоявий манфаатларни ташкил этади. Бундай ҳол инсоният тарихий тараққиётидаги ҳақиқатни исботлаб бериш демакдир.

Юқоридагиларга хуроса қилган ҳолда, толерантлик йўналишлари турли ҳалқларда, эҳтимол, турли шахсларда ҳам турлича намоён бўлади, деган фикрнинг мазмун-моҳиятини аниқладик. Чунки айнан ижтимоий мухит ўзгариши билан ижтимоий онгда давр талабидан келиб чиқадиган ўзига хос толерантлик шаклланиб, буни мустақил Ўзбекистон мисолида, ўзбек ҳалқи билан бирдамликда яшаб, фаолият қўрсатаетган турли миллатлар ва элатлар вакилларида шаклланган умумий ўзбекона толерантлик йўналишлари ифодаланишида кўрдик.

Ижтимоий турмуш ўзгаришларини, инсонлар хатти-харакатларини оммавий назорат қилиб бориш йўли моҳиятнан бир неча кўриниш ва шакллардан иборат. Улар: давлат идораси ва муассасалари тартибидаги мулокотлар тизими, ўзаро муносабатлар ва мажлисларда ифодаланувчи толерантлик, ҳамкаслар ва раҳбарларга хурмат билан қараш, итоатлилик, андишлилик; кундалик турмуш тарзи, оддий воқеа ва ҳодисаларга доир муносабатларда ифодаланувчи толерантликка хос хайриҳоҳлик каби масалаларга сабр-тоқат билан ёндашиш, тинч-тотувлик билан ўз фикрини билдириш; оиласдаги, дўстлар даврасидаги фикрлар доирасида ҳам толерантликка хос йўналишлар намоён бўлиши толерантликнинг асосини ташкил этади. Ўз манфаатини бошқалар, жамоа, давлат, мамлакат манфаатларидан устун қўймаслик, бошқалар феъл-атворини тушуниш, жамият фикрини қабул қила билиш; тўй ва маъракаларни ўтказиш асносида юз берадиган ижтимоий-ғоявий ва шахсий манфаатлар борасидаги фикр алмашинувлардаги толерантликка хос меҳрибонлик, инсоф, иймон-эътиқод, ҳамдардлик, тенглик, фаросат, садоқатлилик каби хусусиятларнинг намоён бўлишини ҳам талаб этади. Уни амалга ошириш тарбиявий ишларимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ОНГДА ТОЛЕРАНТЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўз олдига хукукий демократик давлатни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишини олий мақсад қилиб қўйган. Унга эришишнинг ягона йўли демократик жараёнларни чукурлаштириш, барқарорлаштиришдан иборат. Ҳар бир ҳалқ ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда демократияга ўзига хос тарзда ёндашади. Шу маънодабарқарор ривожланаётган Ўзбекистонда толерантлик йўнлишлари барқарор миллий тараққиётда ва унинг миллий онгда мустаҳкамланишида асосий ўрин эгаллайди. Шундай экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор»¹, – деган фикрларидан

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. З-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 8-9.

келиб чиққан ҳолда, бундай жамият тараққиёти учун зарур бўлган хусусиятларни назардан қочириб бўлмаслиги шуни кўрсатадики, Шарқда демократик жараёнлар узвий равиша ва аста-секин тараққий топа бориб, барқарорлашиши барча йўналишдаги толерантликни барқарорлаштириши унинг инсонлар онгига шаклланиши билан боғлиқ эканлигини хисобга олиш керак. Президент Ислом Каримов: «Биз бу соҳада олиб бориш мумкин бўлган, яъни инқилобий ўзгаришлар ясашига уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиага олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»¹, – деб, демократияни жорий этишнинг умuminsonий тамойилларига таянган ҳолда юртимизда мустаҳкам асосга эга бўлган мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш заруратини кун тартибига қўяди. 1995 йил 16 ноябрда Париж шахрида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг йигирма биринчи сессиясида қабул қилинган «Толерантлик тамойиллари Декларацияси»нинг мукаддима қисмида шундай дейилган: «XXI аср бўсағасида Ўзбекистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро то тувлік, диний ҳамда мағкуравий бағрикенглик, маданиятларнинг уйғунлашуви турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этишини белгилайди, – деб тасдиқланишида унда инсон хукуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эркесвар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади», – деб қўрсатилганлигининг асосини бу гунги Ўзбекистон аҳолисининг турмуш тарзи тасдиқлайди. Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий барқарорлашув асосида ҳаётга янгича тамойиллар, меъёрлар билан ёндашувни тақозо этмоқда.

Халқаро вазиятни согламлаштириш янги дунё сиёсатининг асоси бўлиб келмоқда. Ижтимоий онг мазмунан тобораинсоний моҳият касб эта бориши, шахс ҳақ-хукуqlари барқарорлашетганилиги, халқаро маконда меҳр-шафқат, бағрикенглик, одамийликка доир майлнинг кучайиши жамият, жамоа ва шахс маънавиятида янгиланиш жараёнларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқdir. XX аср охирига келиб инсоният тақдири ўз қўлида, реал саъй-харакатларида, тафаккур тарзида эканлигини тўла англаб етди. Ўзбекистон ялпи янгила-

¹ Ўша жойда.

нишлар жараёнини икки йўналишда ўзаро боғланган ҳолда амалга оширишга киришди. Биринчиси мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, халқ характери ва менталитетида режали асосда амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуидан иборат бўлса, иккинчи йўналиш халқаро ижтимоий мухит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия мухитидан муроса, ҳамкорлик муносабатларига, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади¹. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, толерантлик барқарор тараққиётни вужудга келтириш ҳамда миллий онгда мустаҳкамлаш, юксак маънавиятга эришиш каби ҳар қандай тараққиётнинг бош мақсади ҳисобланади.

Ўзбек халқига хос ўта вазминлик, сабр-тоқатлилик, чидамлилик, инсонпарварлик ҳислатлар, толерантлик йўналишларида ифодаланган фазилатлар ҳисобланаб, унинг мазмун-моҳияти Ўзбекистонда миллий ҳамжихатлик руҳини таркиб топтиришдан иборат. Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳар тамонлама барқарорлашиб бораётган ижтимоий тараққиёт жараёнида толерантлик ва уни миллий онгда шакллантириш вазифалари миллат барҳаётлигининг омилларини тушуниш билан боғлиқ, яъни миллатпарварлик, умуминсонийлик ва уларнинг миллат ҳаётида туттган ўрни; миллий гоя ва мафкура миллий тараққиётнинг маънавий-рухий омилидан самарали фойдаланиш ижтимоий-тараққиётда мавжуд бўлган толерантликни ривожлантиришга ижобий таъсир ўтказади.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилган даврларда турли жабҳаларда ривожланиб, барқарорлашиб бораётган ҳаёт тарзи ўзига хостолерантлик йўналишлари ва уларни миллий онгда шакллантириш вазифалари амалга оширилишига асос бўлади. Бу жараён миллий ўзликни англаш, миллий маданият, миллат келажаги бўлган ёшлар онгиди миллийлашув йўналишининг таркиб топиши билан боғлиқ. Чунки ёшларимизнинг миллий ўзлигини англаши аждодларимиздан қолган моддий ва маънавий меросни, урф-одатлар, анъаналар,

¹ Карап: Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюяси ва амалиётда қўлланилиши. Сиёсий ф.д. илмий дарражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2001. – Б. 4.

қадриятларни ўзлаштириш билан бирга, уларда миллий манбаатларни, Ватан тақдери ва мамлакатнинг ҳар томонлама тараққиёти учун масъуллик туйғулари мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунинг учун улар миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланишини тушунган ҳолда, ёшларнинг комил инсон сифатида шаклланишида маънавий соҳадаги вазифаларнинг асосий фаолият сифатида намоён бўлиши, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини ўзларида шакллантирган ҳолда мустақил дунёқарашга эга бўлиши лозимлигини эътиборга олмоқлари керак. Демак, улар мустақиллик шароитида миллий онг, миллий дунёқарашга эга бўлиб, аждодларимизнинг бебаҳо меросига ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс, комил инсон бўлиб етишишлари барқарор тараққиётнинг асоси ҳисобланади.

Мамлакатимиз ва миллатимиз тараққиёти ёшларимизнинг миллий онги, ўзлигини англаши, толерантлик хусусиятларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, «ўзбекчилик» стихияли, тарқоқ ҳолда ўзлаштирилмаслиги, балки бу ўзига хос жараён бўлиб, оила, маҳалла ва бошқалар томонидан фарзанднинг ўз миллати вакили сифатида шаклланиши назорат қилиниши, тузатишлар киритиб борилиши билан боғлиқлигини тушуниб етиш керак. Бу «ҳар бир кишидан талаб қилинувчи функция, маъқулланган хулқ-атворнинг меъёрига етказилган намунасиdir»¹.

Ўзбек менталитетининг негизини ифодаловчи ўзбек ҳалқи фазилатлари туркуми, толерантлик йўналишларининг намоён бўлиш омили ҳисобланади. Масалан, бунга ҳаё, ибо, катталарга хурмат каби фазилатлар киради. Айнан шу жараёнда юзага келаётган муаммоларни ечиш давомида ёшлар миллий онгида умуммиллий тараққиётни шакллантириш, салбий таъсир қилувчи баъзи ноўрин хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш кабилар мустақилликни янада мустаҳкамлаш ва шу жараёндаги ижобий толерантлик йўналишларини ёшлар онгига сингдиришга қаратилгандир. Фикримизча, таҳлил қилинган манбаларнинг мазмун-моҳиятига кўра миллий онгнинг миллат тараққиётидаги ўрни ва миллий ўзликни англаш жараёнларида шиддат билан ўсиб бораётган толерантлик йўналишларида куйидаги ҳолатлар ифодаланади:

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 129.

Биринчидан, миллий онгга зид хавф-хатарлар, миллат ҳукуклари поймол этилиши, миллий тил, урф-одат ва қадриятларга нисбатан хурматсизлик каби ҳолатларнинг вужудга келишига турли таълимтарбиявий тадбирлар воситасида йўл қўймаслик.

Иккинчидан, давлат мустақиллиги ва худуднинг яхлитлиги унинг ҳар томонлама ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши асосида барқарор тараққиёт яратилиб, шахслараро ва миллатлараро толерантлик йўналишлари вужудга келиши учун имкониятлар яратиш.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги барқарор тараққиёти даврида миллий бирликнинг мустаҳкамланиши, манфаатлар учун ягона умуммиллий харакатларнинг вужудга келиши ҳар бир шахснинг ижобий таъсири остида ривожланиб бораётган толерантлик йўналишларига хос хусусиятларда ифодаланади.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, миллий онгнинг шаклланиш даражасини аниқлашда миллатнинг маънавий бирлигига, мустақилликка ўтиш жараёнидаги ҳолатига нисбатан барқарорлик тараққиёти, толерантлик йўналишлари хусусиятлари мустаҳкамланётганлигига асосий омил сифатида қараш мақсадга мувофиқdir. Чунки у миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик каби ўзига хос жиҳатларини намоён қилади. Маънавий омил миллий онг негизи сифатида қуидагиларни ўз ичига олади: миллий маданият, этник ва эстетик тасаввур, миллий ғоя, миллий мағкура кабилар ҳар бири ўзига хос толерантлик йўналишларидан иборат бўлгани ҳолда, шахслараро, миллатлараро муносабат, багрикенглик, сабр-матонат, яхшилик, инсонпарварлик, хайриҳоҳлик кабиларни ташкил қилади. Уларнинг онг тизимидағи ривожланиш даражасига қараб, миллий онгда миллий ўзликнинг, миллий барқарорлик, мустақилликни мустаҳкамлаш даражаси кабиларнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаш мумкин. Булар ҳар бир инсон онгидаги диний, гуманистик намунавий йўналишлардан ташкил топган бўлиб, мустақиллик даврида бўлиб ўтган моддий, маънавий, маърифий ривожланишлар асосида инсоният учун зарур бўлган ижобий толерантлик йўналишларининг ўзига хос мазмун-маъноси каби хусусиятлари ривожланиб бораётганлигини ҳаётий масалалар орқали тасдиқлайди. Ана шу назарий хulosалар асосида мамлакатимиз фуқаролари, уларнинг кўпчигини – 60%ини ташкил қилувчи ёшлиларнинг (16-35 ёшлилар) миллий онгидаги миллий ўзликни англашнинг ривожланиш жараёнини ва барқарор мустақилликнинг

тараккиёт жараёнида шакланаётган толерантлик йўналишларини ўрганиш асосий вазифалардан бири бўлиб, ҳаётда учраб турадиган, баъзи бир толерантликка зид йўналишларидағи салбий ҳолатларни хам объектив таҳлил қилишга эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки улар онг тизимидағи гоялар мазмунида жамиятнинг полиграфик таркибини аникловчи маълумот даражаси ҳақида фикр берувчи, мамлакатдаги ҳаёт тарзи йўналишларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолатини ўрганишга асосий эътибор қаратмоғимиз лозимлиги ишимизнинг асосини ташкил этади. Шулардан келиб чиқкан ҳолда, ҳалқнинг ҳаёт тарзи даражаси моддий-маънавий жиҳатдан юксалиши, дунёдаги илғор қадриятларга интилиш, ижтимоий барқарорлик шароитида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ғояси XXI асрда давлатимиз ва миллатимиз таракқиёти учун маънавий-рухий асос бўлиши мумкин эканлиги таъкидланади. Бу ғоя инсонлар миллый онгидаги ўзига хос ижобий толерантлик йўналишларини янада чуқурлаштириб, мустаҳкамлаб боради ҳамда ҳалқнинг миллый онгини, миллый ўзлигини англашни янада чуқурлаштириб, ўстириб боради.

Ўзбек ҳалқининг миллый ўзлигини англашининг асосини анъанавий қадриятларга таянган миллый онг, миллый ривожланишининг неғизи ҳисобланган миллый толерантлик йўналишлари (бағрикенглик, садоқат, дўст-ўртоқлик, меҳмондўстлик, сабр-матонат кабилар) на-моён қиласиди. Барча йўналишлардаги мавжуд ижобий толерантлик кўрсаткичлари мамлакатимиз раҳбарияти миллий тикланиш ва янги жамият куриш борасида олиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг натижасидир. Шу маънода Президентимиз Ислом Каримов томонидан инсонларни моддий-маънавий муҳофаза қилиш жараёнида олиб борилаётган ишлар, фуқароларнинг миллый ўзлигини англашни ривожлантириш умуммиллий таракқиётимизнинг асосий шарти сифатида энг муҳим вазифалар қаторида туради ва уларда ижобий толерантликка хос йўналишларнинг хусусиятларини шакллантиришга асос бўлиб хизмат килаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Миллый ўзликни англашнинг ўсишида миллый онгни ривожлантириш бош йўналиш бўлса, миллый онг барқарорликка хизмат қилувчи ижобий толерантлик манбаидир. Миллый онг мазмунмоҳиятида миллат мавжуд эканлиги унинг тарихий ривожланиши ва истиқболи билан боғлик омил ҳисобланади. У миллат шаклланиши,

тарақкүй этишини ва абадийлигини таъминлагани ҳолда, миллий-ликка хос ўзбекона ижобий толерантликка ҳам асос солади. Демак, миллий онг, ўз мазмун-моҳиятига кўра, миллатнинг ўзи билан шаклланиб, ҳар бир миллатга хос толерантлик йўналишлари хусусиятларини ҳосил қиласди. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи жиҳати фақат ўзига алоқадор бўлган манфаатлар ва мақсадлар шаклланиши билан боғлик ҳолда миллий онг шаклланишига сабаб бўлишидир. Лекин мустақил жамият барқарорлашиб, тарақкүй килиб борар экан, шахслараро, миллатлараро муносабатлар кенгайиб, бағрикенглик каби ижобий толерантлик йўналишларини келтириб чиқаради. Бу ҳолат эса бошқа давлатлар миллий онг йўналишлари барқарорлашиб боришига олиб келади. Миллий онгнинг бошқа ҳалқ, миллат, давлатлар билан биргаликда жаҳон миқёсида бир мақсадни кўзлаган узоқ тарихий ривожланиш даврларида содир бўлган ғоявий-сиёсий ривожланиш инсонларнинг турмуш тарзини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва кенг маънодаги маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириб бормоқда.

Бинобарин, Саъдулла Отамуратов, Сарвар Отамуратовлар таърифиға кўра, турли миллат ва элатлар вакилларининг тарихи, тақдирни ва истиқболи билан боғлик бўлган манфаатлар ва муаммоларни ифодаловчи фаолиятига мақсад-йўналишлар берадиган маънавий-рухий гоялар, фикрлар тизими¹ асос бўлар экан.

Лекин миллий онгда барқарор мустақил тараққиёт шароитида толерантлик ва унинг йўналишлари шаклланиши масалаларини ҳал қилишда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларга хос онг салоҳиятига устуворлик бериш билан бирга ҳар бир шахснинг, ҳар бир миллатнинг фаоллик даражаларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Уларнинг ифодаланиши бошқа миллатлар ва давлатлар фаолияти учун таъсир қилувчи кучга айланиб, мустақилликни мустаҳкамлашда уларга ўрнак вазифасини бажаради. Яъни Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат вакилида бутун Ўзбекистон манфаатлари ва мақсадларини ифода этувчи онг, унга хос толерантлик йўналишларининг амалга оширилиши кабилар ҳам назарда тутилмоғи керак. Чунки инсонлардаги ижобий толерантлик жаҳон миқёсидаги эркесвар ҳалклар толерантлигидир. Бинобарин, мил-

¹ Отамуратов С., Отамуратов С. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш. Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 242.

лий онг, ундаги толерантлик йўналишларига хос хусусиятлар бутун республика, жамият, дунё ҳалқлари манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш борасида барча миллат вакилларининг фооллик қўрсатиши билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон мустақил тараққиётини барқарорлаштириб боради ва бу барқарорликнинг мақсад ҳамда вазифалари жаҳон миқёсида ўз ифодасини топади. Натижада миллий онг миллий манфаатларни акс эттирувчи омил сифатида гавдаланиб, миллий онгдаги толерантлик йўналишлари негизида миллатнинг моддий ва маънавий бойликлари ортиб боради ҳамда ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлари барқарорлашади. Миллий онг толерантлиги йўналишларига нисбатан ҳар бир миллатга хос хусусиятлар, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар мужассамлашиб боради. Улар бир миллат бошқа миллатлардан этник жиҳатдан фарқ қилиб боришига қарамасдан, ҳар бир миллатнинг миллий манфаатлари ва мақсадларини бирлаштириб, давлат манфаатлари, дунё миқёсида тинчлик-фаровонлик манфаатлари ва мақсадларига йўналтиради. Айнан шулар орқали миллатларнинг тараққиёти барча тарихий даврлардаги уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти миллий онгда қай даражада шаклланганлиги ҳамда уларнинг негизида ривожланувчи толерантлик йўналишлари қандай ўзгариб бораётганлиги кўринади. Демак, миллий онг шаклланиб, тараққий қилмаса, нафақат миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, балки миллатнинг ўзи, унинг толерантлик йўналишлари хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топмайди.

Миллий онг ва унинг шаклланиб, ривожланиб бориши миллий толерантлик йўналишлари юқори даражага кўтарилишининг асосий омили ҳисобланади. Чунки миллатга хос инсонпарварлик, инсонларнинг бир-бирлари билан яқинлашуви, барча миллатларга нисбатан хайрихохлик, ўзаро ёрдам, хурмат, сабр-матонат, завқ-шавқ каби толерантлик йўналишлари етук миллий онг заминидагина вужудга келади. Миллий онг, миллий манфаат ва унга хос мақсадлар вужудга келиб, миллий толерантлик йўналишлари асоси кенгаяди. Натижада толерантликка хос ўнлаб йўналишлар шаклланиб, инсонпарварлик хусусиятлари ўз ифодасини топади. Толерантлик йўналишлари хусусиятларининг тахлили уларнинг мазмун-моҳиятида баъзи бир салбий хусусиятлар ҳам мавжуд эканлигини қўрсатди. Натижада миллат истиқболи учун зиддиятли бўлган салбий толе-

рантлик йұналишларининг хусусиятлари ҳақида фикр юритишга қарор қылған ҳолда, тарқоқлик, улуғ-аймөкчилік, маҳаллийчилик, гурухбозлық каби иллатларға барқам берувчи манбаларни күрсатиб үтишни үринли деб топдик. Уларға қарши кураш асосида шаклланған миллій онгимиздаги толерантлик йұналишларига хос хусусиятлар давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлайдыған омиллардан бирига айланғанliginинг гувохимиз. Чунки миллій онги ривожланған миллатда үзи билан ёнма-ён яшайдыған миллат ва әлат вакилларига нисбатан шовинизм, миллатчилик каби менсимаслик ёхуд ёвузлик, жохиллик каби салбий толерантлик йұналишларидаги иллатлар бұлмайди.

Миллій онг таркибида шаклланған толерантлик йұналишлари барқарор мустақил тараққиётни янада тараққиётниң әттиришга ҳаракат қылғани ҳолда, халқ, давлат манфаатлари ва мақсадларини үзгалар манфаатларига ҳеч қағон қарама-қарши қўймайды, балки үзга миллат вакилларини үз атрофида уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Юкоридаги фикр-мулоҳазалардан қўриниб турибиди, миллій онг факат миллій тараққиёт барқарорлиги таркиб топишига асос бўлиб қолмасдан, балки шу барқарор тараққиётга хос толерантлик йұналишларини ҳам юкори даражага кўтаришга сабаб бўлар экан. Шунинг учун ҳам миллат онгини, миллатга хос толерантлик йұналишларини ривожлантириш давлат сиёсатида етакчи үрин эгалайди.

Миллій онгни ривожлантиришда барқарор мустақил тараққиётгача бўлган даврларда мавжуд бўлган ижтимоий тузум, шу тузумда юзага келган миллатнинг ички, маънавий-маърифий салоҳияти ва унинг мустақиллик борасидаги фаоллиги ҳам маълум даражада үз мазмун-моҳиятини кўрсатади. Лекин миллій онгдаги мавжуд толерантлик йұналишлари давр талабига кўра кўпгина янгидан-янги йұналишларни шакллантириб боради. Яъни миллат үзининг шаклланиш жараёнида янги даврга үтиш орқали үз яхлитлиги (умумийлиги) ва үзига хос бўлган барча омилларни ҳам вужудга келтириб, толерантлик йұналишларига янгича мазмун касб эттиради, янгича ижобий толерантлик йұналишларини тақозо этади. Яъни хар бир миллат, миллій онг ривожланиши жараёнида үзининг салоҳияти ва иқтидорини яратади, үз навбатида ана шу салоҳият ва иқтидор миллатга хос толерантлик йұналишларини ривожлантиради. Чун-

ки «салохият» деганда дунёвий билимлар билан бир каторда диний билимларни ҳам мукаммал эгаллаганлик тушунчаси ифодаланса, «иктидор» деганда ҳар бир шахснинг ўз она тилини мукаммал эгаллаганлиги каторида бирорта хорижий тилларда мулоқот қилиш, муносабатга кириша оладиган интеллектуал шахс тушунилишини тасдиқлаш зарур. Ана шу диалектик омил орқали миллат абадийлигини таъминлаб, шу абадийликка хос толерантлик хусусиятларни ҳам шакллантиради. Миллат абадийлиги, барқарор мустақиллик тараққиёти, олам ва инсоният гўзаллигининг ажралмас қисми сифатида кундан кунга янгича мазмун ва моҳият касб этиб бормоқда.

Миллий онг тизимида миллий толерантлик йўналишлари ривожланишининг маънавий асосларини миллий тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, оила қуриш каби қадриятлар, миллий тарбия, таълим кабилар ташкил қиласи. Мана шундай толерантлик йўналишларидаги омиллардан миллат, шахс, бошқа миллат эгалари маънавий озуқа олади, улар орқали ҳар бир шахс ўзилигини, жамиятда тўтган ўрнини англайди, бошқаларга хайриҳохлик, ҳамдардлик кабиларни тушуниб етади ва амалиётда шуларни бажаради. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов «...ҳоҳ ўтмишда, ҳоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, яъни қарам ҳалқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш¹»ни асосий мақсад қилиб олганлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда демократик жамият барпо этилаётган бугунги кунда, эртанги кунимизнинг яратувчилари ва ижодкорлари, мустақил тараққиёт йўлида тинимсиз фаолият юритаётганликлари уларнинг онгида миллий онг ривожланганлигининг ҳамда бутун инсониятга хос толерантлик йўналишларининг асоси бўлган дўстлик, ўртоқлик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, улуғворлик каби ижобий ҳис-туйгулар кундан кунга ривожланиб бораётганлигининг далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллатлар мавжуд экан, уларнинг манфаатлари ҳам турли-туман бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Ана шу манфаатларни ҳисобга олиш ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг мухим омили сифатида толерантлик туйгуларини мустаҳкамлаш амалий аҳамиятга молик бўлиб қолаверади.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998. – Б. 24.

ХУЛОСА

Миллий, маънавий-руҳий барқарорлик, миллий баркарор тараккиётга хос толерантлик йўналишларини таҳлил қилиш, тегишли илмий хулосалар, тавсиялар ишлаб чишиш факат назарий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, амалий аҳамият ҳам касб этади. Чунки бизнинг олдимизда ўтмиш асоратларидан озод бўлган, ўзининг мустакил фикрига эга, ўз миллати ва Ватани манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишга кодир баркамол авлодни тарбиялаб етказиш вазифаси турган бир пайтда уларда миллий онгни шакллантириш, мустакил баркарор тараққиёт учун хизмат килишга йўналтириш жараёнида миллийликка хос толерантлик йўналишларини кенгайтириш давр талаби ҳисобланади.

Миллий онг, миллий онгда ифодаланган толерантлик йўналишлари шаклланишида, уларнинг мазмун-моҳиятида жамият равнаки, юрт тинчлиги борасида ҳар бир шахснинг ижтимоий фаоллиги, даврлар ўтиши билан янги мустакиллик жамиятида бўлиб ўтган муаммоларнинг ечимини ҳал килган ҳолда барқарор мустакил ҳаёт тарзига хос бўлган илмий концепцияларни амалга ошириш толерантликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир ўтказади. Миллий онгда шаклланган толерантлик ижтимоий ҳаёт тараққиётининг, ижтимоий-маданий баркамолликнинг ранг-баранглиги, инновация, кенг интеграция асосида ривожланишининг негизи кундан-кунга мустаҳкамланиб келган.

Ўзбек халқи маданиятининг турли кирралари ва Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар, элатлар вакиллари билан дўстона муносабатларга киришиб яшаш, уларнинг ютуқларидан кувониш, маданиятидан баҳраманд бўлиб, улар билан биргаликда миллий бойликлар яратиш анъанага айланганлиги, шунингдек, тарихий-маданий анъаналарни давом эттириш ва янги давр, мустакиллик нуктаи назаридан уларга янги маъно, мазмун-моҳият баҳш этиш мустакил Ўзбекистонда тинч-тотув яшашни таъминлайди, шахслараро, миллатлараро, динлараро, давлатлараро муносабатларни чукурлаштиради, миллий онгни ва миллий онгда толерантлик йўналишларини янада мукаммаллаштиради, унинг янгидан-янги йўналишларини ҳаётга татбик этади.

Миллий онгда шаклланган толерантлик йўналишларида ички ва ташки хайрихоҳлик кучаяди. Ўзбекистон ҳар бир фукаросининг руҳияти ва жисмоний фаолиятида анъанавийлик билан замонавийлик, миллийлик билан умуминсонийлик, консерватив билан прогрессив унсурлар ёнма-ён ҳаракат килиб, Ўзбекистон Республикасининг моддий-маънавий жиҳатдан фаровон ҳаёт тарзи туфайли замонавий, умуминсоний, прогрессив руҳият, жисмоний фаолият кучайиб, уларнинг таъсирида миллий онгда миллий толерантликнинг янгидан-янги йўналишлари шаклланниб боради.

Миллий онгда миллий толерантлик йўналишларини шакллантириш мустақил демократик давлат ва фукаролик жамиятини куришда ҳисобга олинган иккита омил асосида ҳар бир шахсда фаолликни ошириш, уларни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, бошқа халқлар, давлатлар ва миллатлар билан ҳамкорликда ўз маданиятларини ривожлантириш ҳамда ундан миллий тараккиёт манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини яратиш орқали амалга оширилади.

Миллий онгда толерантлик йўналишларининг шаклланиши, баъзи бир манбаларда кўрсатилишича, танишлар, гурухлар воситасида жамият ва инсоният дунёси орқали амалга ошар экан¹. Лекин бу ҳодиса инсонни жамиятга таништирувчи восита сифатида юзага келган фикрлардир.

Ушбу китобимизнинг асоси ва аҳамиятга молик томони шундаки, унда асосий эътибор миллий онг тушунчаси, унинг шаклланиш жараёнлари, таъсир қилувчи механизмлар, харакатга келтирувчи кучлар, миллий онгда толерантлик йўналишлари каби масалаларга каратилган булиб, бу жараёнда кадриятлар, урф-одатлар, ўзбекона маданият, толерантлик йўналишлари сингариларга алоҳида эътибор берилган.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий тажриба, барқарор ҳаёт тарзи, демократия каби улуғвор ҳодисалар ҳар бир фукаро дунёкарашини шакллантиришда, ижобий толерантлик йўналишларини ривожлантиришда жамият ҳар томонлама ривожланишининг устувор йўналишлари, эзгу мақсадларини ифодалайдиган ғоявий жараёнлар муҳим ўрин тутишини кўрсатади, юксалишга «Инсоният тарихига давлатлар ва миллатлар билан жамиятларни юксалишга етаклаган ёки уларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоялар таъсир ўтказиб келган»лиги аник².

Ғоявий кураш ҳар қачонгига караганда кескинлашган бугунги кунда фукаролар онгидиа миллийлик, толерантликка хос йўналишлар ва хусусиятлар ҳар бир шахсдан ижтимоий фаоллик хусусиятларини ментал дастур орқали ўрганиш, унда диний дунёкарашнинг таъсир доирасини түфри баҳолаш, бу соҳада маҳсус йўналтирилган етарли билимларга эга булиш, улардан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаш борасида тадқиқот ва изланишлар олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса жамият, миллат ва давлат истиқболини хал қилувчи масалалар орасида энг зарури ҳисобланади.

¹ Минющев Ф.И. Социальная антропология.– М., Международный Университет бизнеса и управления. 1997. – С. 87.

² Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 14.

2560€

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<i>Биринчи боб</i>	
Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари	
«Толерантлик» тушунчасининг моҳияти ва мазмуни.....	5
Халқимиз онгда толерантлик шаклланишининг негизлари	19
<i>Иккинчи боб</i>	
Толерантлик шакллари ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари	
Онг тузилмаси ва уларнинг ўзаро муносабатлари	40
Миллий онг ва унда толерантлик шаклларининг вужудга келиши	45
Миллий онгда муроса тамойилининг шаклланиши ва унинг толерантликка айланishi жараёни.....	57
Миллий онгда диний эътиодларга нисбатан толерантлик вужудга келишининг объектив сабаблари.....	67
<i>Учиничи боб</i>	
Миллий манфаатларни уйғунлаштириш ва баркарор тараққиётда толерантликнинг ўрни	
Миллий манфаатларниң турли-туманилиги ва уларни уйғунлаштиришда толерантликнинг ўрни.....	78
Миллий манфаатлар ва толерантликни шакллантиришнинг асосий йўналишлари	93
Толерантликнинг ижтимоий-гоявий манфаатлар тизимидағи ўрни	102
Миллий онгда толерантлик йўналишларини шакллантириш вазифалари	116
Хулоса	126

Maқсуда Ҳажсиеева

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЛЕРАНТЛИК ЖАРАЁНИ

Мухаррир	В. Умиров
Бадиий мухаррир	З. Файзуллаева
Техник мухаррир	Н. Алимов
Мусаххих	Г. Келдиёрова
Компьютерда тайёрловчи	С. Джусраев

Босишга 14.07.08 да руҳсат этилди. Бичими 60x84¹⁶,
 «Times» гарнитурасида оғсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 7,44.
 Нашр. т. 8,0. Жами 4000 нусха. 218-ракамли буюртма.

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриети
 100011, Тошкент, Навоий кӯчаси, 16-А уй
 «ARNAPRINT» МЧЖда саҳифаланиб чоп этилди.
 Тошкент, Ҳ.Бойкаро кӯчаси, 41.